compared with the standards of bone maturation according to special X-ray tables. It was established that in healthy male children aged 6-10 years, ossification centers appeared in the epiphysis of the ulna, at 10 years in the styloid process of the epiphysis of the ulna, and at 14 years the ossification center was found in the pisiform bone. It was also found that in boys with cerebral palsy (CP) at 6-9 years of age, ossification centers were visible only in the capitate and hamate bones of the wrist. At 10 years, ossification centers appeared in the epiphysis of the ulna, and at 14 years in the styloid process of the epiphysis of the ulna. In contrast, in a girl with CP, ossification centers were only visible in the capitate and hamate bones of the wrist, while ossification centers in the triquetral bones of the left hand wrist were observed at the beginning of the 6th year of life. Among the boys, in CG-1, ossification centers were found in the triquetral bones of the left hand wrist, in CG-2 in the styloid process of the epiphysis of the ulna, and in CG-3, the ossification center was found in the pisiform bone.

References List.

1. Dental and neurological pathologies in children: etiopatogenetic aspects of their interrelation and diagnostic. Gafforov S.A., Khamroyev F, Kuldasheva V. Uzbek Medical Journal. №5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0664-2020-5>. P. 61-67.
2. Gafforov S. A. Importance of medical and social Factors in etiology of carious and non-carious diseases of children /Gafforov S. A., Yariyeva O.O // International Journal of «Pharmaceutical Research» 11 (3) 2019.
3. Gafforov S.A. Syndrome of painful dysfunction of temporomandibular joint at patients with the infantile cerebral paralysis / Gafforov S.A., Kuldasheva V.B. // Materials online distance conference on «Scientific and practical research in uzbekistan» Part-18 30.09.2020. Tadqiqot UZ. 9-Page.
4. Гуленко О.В. Стратегия комплексной стоматологической помощи детям с психоневрологическими заболеваниями. Дисс. на соис. Док. мед. наук. КубГМУ 14.01.14 – стоматология 03.01.04 – биохимия. Краснодар-2019
5. Clinical and functional biochemical characteristics of the oral cavity organs with dentoalveolar anomalies in children and adolescents with bronchial asthma /Gafforov S.A., Fazilbekova. G.A., //Eurasian Journal of Media and Communications www.geniusjournals.org Volume 1| November 2021. ISSN: 2795-7624 19-31 с. 12.].



6. Grier E. et el. Managing complexity in care of patients with intellectual and developmental disabilities: Natural fit for the family physician as an expert generalist //Canadian Family Physician. – 2018. – Vol. 64 (2). – P. 15–22.



Кичик бизнес корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш

Ш.М. Хайитов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Бугунги куннинг ўзгарувчан ва рақобатбардош иқтисодий муҳитида кичик бизнес корхоналари иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу корхоналар нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки иқтисодиётнинг турли соҳаларида инновацияларни жорий этиш ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришда фаол иштирок этмоқда. Бироқ, кичик бизнес субъектлари кўпинча чекланган молиявий ресурслар, бошқарув тажрибаси ва бозор таҳлиliga бўлган чекланган имкониятлар туфайли рақобатда барқарор мавқега эга бўлишда қийинчиликларга дуч келадилар.

Рақобат муҳитининг шиддатлилиги кичик бизнес корхоналари учун самарали маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни талаб этади. Маркетинг стратегияси нафақат бозордаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, балки истеъмолчилар эҳтиёжларини тўғри англаш, уларнинг талабини қондириш ҳамда корхонанинг узок муддатли мақсадларига эришишда муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Менежмент тизимида маркетинг тузилмаси асосий бўғин ҳисобланиб, компания ривожланиш стратегиясини белгилайдиган ва уни амалга оширадиган асосий бошқарув бўғини ҳисобланади. Ташкилий жиҳатдан юксак даражада ташкиллаштирилган корпоратив менежментнинг мавжудлиги туфайли компания ходимлари нималарни қилишлари ва нималардан тийилиши лозимлигини яхши англаб етадилар ва пировардида, корпорациянинг раванқ топиши учун бор куч-ғайратини ишга соладилар.

Бундан келиб чиқадики, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда, корпоратив менежментнинг бошқа бўғинлари унга мувофиқ равишда энг самарали ишлаб чиқариш режаларини шакллантиради ва амалга оширади. Бунга қуйидаги икки йўл билан эришиш мумкин:

маркетинг стратегиясининг мазмуни компаниянинг бош ривожланиш стратегияси билан ўзаро мос тушиши лозим;

ташкилий жиҳатдан юксак даражада ташкил этилган корпоратив менежментда маркетинг ўзига хос ташкилий тузилмага, ўзига яраша меъёр ва кадриятлар тизимига эга бўлади.

Кичик бизнес корхоналарида товарлар ва хизматлар бозорини тизимли тадқиқ этиш, энг аввало, турли тармоқларда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор имкониятларини асослаб беришни ва шу асосда тегишли товар ва хизматлар кўрсатиш бозорини эгаллаш бўйича маркетинг тадбирларини амалга ошириш ҳамда бозорда самарали фаолият юритиш стратегиясини ишлаб чиқишни назарда тутмоғи лозим. Шу жиҳатдан, олганда, фикримизча, самарали стратегия деганда муайян товар ва хизматлар бозорида маълум гуруҳ истеъмолчилари эҳтиёжини қондириш даражаси тушунилади. Истеъмолчилар эса таклиф этилаётган товар ва хизматларга бўлган талабларининг турлича тавсифи, эҳтиёжи ва рағбати билан фарқланади.

Энг аввало, корхоналарнинг маркетинг стратегияси ва тактикаси асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиши, яъни маркетингнинг эркин стратегиясини қўллаш мумкин бўлган шарт-шароитларни кафолатловчи муҳитни вужудга келтириши керак. Шунинг учун унутмаслик керакки, унутдорлик ва самарадорлик ҳар қандай стратегияга амал қилувчи асослар саналади. Маркетингда унутдорлик харажатлар билан боғлиқ бўлса, самарадорлик янги бозорларни вужудга келтириш имкониятларини аниқлашни назарда тутди. Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан кўриниб турибдики, самарадорликнинг моҳияти янгиликларни киритиш, яъни инноватсион фаолиятдан келиб чиқади. Корхоналар истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун янги манба ва воситаларни доимий равишда излашлари керак. Бундан келиб чиқадики, компания, аввало, самарали ундан сўнг эса унутли фаолият юритиши керак экан.


Маҳсулот ва хизматлар бозорида янги технологияларнинг тез суръатларда кириб келиши маркетинг стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишда анъанавий маркетинг усуллари, воситалари ва коммуникатсияларини ҳам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунингдек, маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг ахборот-услубий таъминоти, стратегик режалаштиришда маркетинг методологиясини самарали қўллаш каби масалалар тадқиқ этилиши мумкин.

Стратегик таҳлил маркетинг стратегиясининг барча босқичлари: уни шакллантириш, амалга ошириш ва назорат қилишда доимий амалга оширилиб, унда таҳлил учун ахборот манбасининг ишончлиги, таққослаш имконияти, такрорланмаслик ва иқтисодий моҳият муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай стратегиянинг асосида самарадорлик, яъни абонентлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда телекоммуникатсия хизматлари бўйича янги бозорларни эгаллашга интилиш ётиши тақозо этилади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг самарадорлиги, энг аввало, иқтисодий фаолият юритувчи субъектнинг мақсадлари белгилаб олинганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам нафақат субъектнинг фаолият мақсадлари, балки бу мақсадларни амалга оширишга

олиб келувчи стратегияси ва уни амалга оширувчи тактикаси ишлаб чиқиши шарт. Маркетинг стратегияси бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга йўналишлардан биридир.

Кичик бизнес корхоналари маркетинг фаолияти йўналишлари аниқлангандан сўнг устуворликлар белгилаб олинади. Белгилаб олинган хизмат турларидан айримлари хизматлар кадрини янада оширишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, экспертларни жалб этган ҳолда хизмат турларининг устуворлик нуқтаи-назаридан муҳимлик даражасини аниқлаб олиш тавсия қилинади. Бунда хизмат турларининг субъект фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги аҳамияти бўйича ранглаш энг мақбул усуллардан биридир (1-расм).



1-расм. Стратегик таҳлилнинг асосий босқичлари ва ахборот манбалари¹

Шундан кейин устувор йўналишларни ривожлантириш бўйича маркетинг режасини ишлаб чиқиш керак. Режада мутахассислар томонидан маркетинг-микс деб аталувчи мажмуавий ишлар кетма-кетлигини белгилаб олиш муҳимдир. Бу ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: коммуникатсиявий дастур, хизматларни ўтказиш каналлари, хизматлар соҳасидаги сиёсат ва кўрсатилувчи хизматларга баҳо белгилаш. Абонентлар билан телекоммуникатсия тизимини ишлаб чиқиш компаниянинг жорий вазифалари дастуридан ўрин олиши керак.

Маркетинг стратегиясининг муваффақиятини таъминловчи коммуникатсиявий хатти-ҳаракатларнинг асосида телекоммуникатсия хизмати кўрсатиш субъектлари ўз фаолиятида амал қилувчи тариф сиёсати ётади. Айнан тариф сиёсати истеъмолчиларнинг эҳтиёжини талаб даражасига кўтариш имкониятини бериши ва янги хизматлар бозорини шакллантиришга туртки бўлади.

Кичик бизнес корхоналарида маркетинг стратегиясини самарали шакллантириш ва амалга ошириш учун қуйидаги йўналишда ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини тизимлаштириш.

Бозор таҳлили ва сегментлаш: Корхона раҳбарияти ва маркетинг бўлими бозорни чуқур таҳлил қилиши, истиқболли сегментларни аниқлаши ва уларнинг эҳтиёжларини ўрганиши зарур.

Мақсадли аудиторияни аниқлаш: Маҳсулот ёки хизматларнинг асосий истеъмолчилари бўладиган аудиторияни белгилаш ва уларнинг талаблари асосида стратегик қарорлар қабул қилиш.

Рақобатбардош устунликни шакллантириш: Корхонанинг рақобатдош афзалликларини (нарх, сифат, хизмат кўрсатиш тезлиги) аниқлаш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Маркетинг стратегиясини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш.

Маркетинг воситаларини рақамлаштириш: Кичик бизнес учун арзон ва самарали рақамли маркетинг воситаларини жорий этиш (тармоқ маркетинги, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, SEO-оптималлаштириш).

Бренднинг оммалашуви: Корхона маҳсулотлари ёки хизматлари учун мустақкам бренд яратиш, уни оммалаштириш учун ижтимоий медиа ва PR воситаларидан фойдаланиш.

Таъминот занжирини оптималлаштириш: Товари ёки хизматни истеъмолчигача тез ва арзон етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш.

¹ Муаллиф ишланмаси.

3. Тадқиқот ва инновацияга йўналтириш.

Мижозлар фидбэкини ўрганиш: Истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини йиғиш ва улар асосида маҳсулотни такомиллаштириш ёки янги хизматлар жорий этиш.

Инновация ёндашувларни жорий этиш: Янги технологияларни жорий этиш орқали маркетинг жараёнларини автоматлаштириш ва арзонлаштириш.

4. Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш.

Маркетинг бўйича билимларни ошириш: Корхона ходимларига маркетинг стратегияси ва воситалари бўйича семинарлар ва тренинглар ўтказиш.

Рақамли технологияларга ўқитиш: Рақамли маркетингни самарали қўллаш учун ходимларга махсус ўқув курсларини ташкил этиш.

5. Ҳукумат ва бизнес ҳамкорликларидан фойдаланиш

Давлат дастурларидан қўллаб-қувватлаш олиш: Давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдам ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш.

Бизнес шерикчиликларни ривожлантириш: Тармоқдаги бошқа корхоналар билан ҳамкорлик орқали рекламани биргаликда ўтказиш ва чиқимларни қисқартириш.

6. Маркетинг самарадорлигини баҳолаш

Кўрсаткичлар тизимини жорий этиш: Маркетинг стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни (масалан, сотувлар ҳажми, бозор улуши, миждозлар қониқиш даражаси) белгилаш.

Таъсирлиликни мониторинг қилиш: Маркетинг фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиш ва керакли ўзгартиришларни киритиш.

Юқорида келтирилган таклифлар кичик бизнес корхоналарига ўз маркетинг стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишда самарадорликни оширишга кўмаклашади. Бу нафақат корхонанинг молиявий барқарорлиги, балки иқтисодиётнинг умумий ривожига ҳам ҳисса қўшиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

2. Президентнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағаликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар Тўғрисидаги ПҚ-330 сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” қонуни. www.lex.uz

4. www.lex.uz



KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

X.R. Axmedov

Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi tinglovchisi

Uzoq yillar mobaynida axborot va kommunikatsiya vositalari biznes modellari va jarayonlarini inqilob qilib kelmoqda. Raqamli transformatsiya davrida raqamli texnologiyalar salohiyatidan va tashkilotlarning raqamli vakolatlaridan samarali foydalanish qobiliyati butun sanoat va iqtisodiyotlar uchun raqobatdosh ustunlik manbaiga aylanib bormoqda. Buning mohiyati axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ilg'or yechimlari bilan qo'llab-quvvatlanadigan yangi biznes modellari asosida mijozlar bilan yanada samarali munosabatlar o'rnatishdan iborat.


Kichik biznesni raqamli o'zgartirish mexanizmi – bu kichik biznesni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish sohasida boshqaruv mexanizmini o'zgartirish orqali raqamli texnologiyalardan foydalanishni keng yoyishdir. Ba'zi ishlarda "nazorat mexanizmi" tushunchasi boshqaruvdagi hodisa yoki jarayonning qarama-qarshiliklarini hal qilish, asosiy tamoyillarga asoslangan harakatlarni izchil amalga oshirish, maqsadga yo'naltirilganlik, boshqaruvning tegishli shakllari va usullaridan foydalangan holda funksional faoliyat sifatida tavsiflanadi.

Raqamli transformatsiya mexanizmi bu joriy me'yoriy-huquqiy baza va barqaror rivojlanish maqsadlariga muvofiq raqamli texnologiyalarni tadbirkorlik sub'yektlarining biznes-jarayonlariga, raqamli texnologiyalar amaliyotiga joriy etish usullari va vositalari majmuini tushunamiz. Raqamli transformatsiyaning aniq vazifalarining mohiyatini tushunish uchun ushbu mexanizmning tarkibiy qismlari o'rtasida aniqlashtirish va tegishli munosabatlarni o'rnatishni zarur. So'nggi yillarda raqamli transformatsiya mexanizmlarini shakllantirish va rivojlantirishning muammoli masalalari ko'plab tadqiqotchilar tomonidan o'rganilmoqda. Ammo, raqamli transformatsiya jarayonida mexanizmning individual elementlarini shakllantirishni ularning tizimlilik, muvozanatlilik va maqsadga muvofiqligi nuqtai nazaridan ko'rib chiqish muhim ahamiyatga ega.

Shu sababdan, tadqiqot ishimizning maqsadi kichik biznes va tadbirkorlikni raqamli transformatsiya qilish mexanizmining elementlarini tahlil qilish va baholash hamda mavjud muammo va kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha takliflar ishlab chiqishdan iborat. Ushbu mexanizmning doimiy takomillashtirilishi natijasida ma'lumotlar oqimining yaxshilanishi, savdo jarayonlarining yaxshilanishi, samaradorlikning oshishi va natijada daromadning o'sishi kuzatiladi. Ammo, bu uchun har bir korxonada moslashuvchan va texnologik taraqqiyot va moliyaviy imkoniyatlar nuqtai nazaridan o'zgarishlarga tayyor bo'lishi kerak.

Raqamli transformatsiya mexanizmining asosiy elementi boshqaruv tizimi bo'lib, uning vakolatlariga raqamli transformatsiya jarayonlarini tartibga solish

funksiyalari, kichik biznes sub'ekting raqamlashtirish sohasidagi siyosati tartibga solish usullari, ya'ni tartibga solishning maqsadlari, vositalari: harakatlar, texnologiyalar, protseduralar kiradi (1-rasm).




1-rasm. Kichik biznes sub'yektlarida raqamli transformatsiya mexanizmi

Boshqaruv organlari tizimi kichik biznesni raqamli transformatsiya qilish mexanizmining asosiy elementi sifatida menejerlar va kompaniya egalaridan iborat.

Raqamli biznesni o'zgartirish loyihasini boshlashda kichik korxonalar harakat rejasini ishlab chiqishlari lozim, bunda asosiy e'tibor qayerdan boshlash va qaysi toifalarda o'zgartirish zarurligiga qaratilishi kerak. Birinchi qadam, o'zgartirish istagi va uning mohiyatini hamda erishish kerak bo'lgan maqsadni anglash kabi omillarni o'z ichiga oladi.

Quyidagi rasmda kichik biznes sub'ektlarida raqamli transformatsiyani joriy etish sxemasi ko'rsatilgan.



2-rasm. Kichik biznes sub'ektlarida raqamli transformatsiyani amalga oshirish sxemasi

Korxonani raqamli transformatsiyalash rejasini ishlab chiqishda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan asosiy yo'nalishlar quyidagilardir: mijozlar, raqobat, ma'lumotlar, innovatsiyalar va qiymat yaratish. Ushbu sohalarda joriy holatni tushunish va o'z afzalliklaringizni aniqlash muvaffaqiyatning asosi hisoblanadi. Mijozlar ushbu ro'yxatda birinchi o'rinda turishining sababi esa aynan ular o'zgarishlarning tashabbuskoridirlar. Shuni esda tutish kerakki, raqamli transformatsiyaga sarmoya kiritishning asl sharti bozor talablarini qondirish edi. Xaridorga individual yondashish va mahsulotlarni shaxsiylashtirish o'zgarishlarga olib keladigan tendentsiyadir. Shuni yodda tutish joziki, yangi texnologiyalar davrida xaridor mahsulot yaratilish davridan boshla to iste'molgacha bo'lgan oraliqda ishtirok etishi va fikr bildirishi, mahsulot sifatini yaxshilashda qatnashishi, brendni tanitishda faol ishtirok etishi va uni mustahkamlashi mumkin.

Shu munosabat bilan kompaniyalarda ishlatiladigan yangi vositalar va dasturiy ta'minotlar (masalan, Business Intelligence, CRM, ERP) marketing maqsadlari va mijoz bilan aloqani amalga oshirishni yengillashtiradi. Mijozlarni brendga ta'sir o'tkaza olishini inkor etib, ularni faqat maqsadli guruh sifatida qabul qilish natijasida kichik biznes sub'ektlari raqamli dunyo o'zgarishlariga moslasha olmasligi mumkin.

Bugungi kunda raqamli platformaga asoslangan biznes-model eng muvaffaqiyatlilardan hisoblanadi, unga asosida faoliyat yurituvchi korxonalar esa raqamli iqtisodiyotning eng tez o'suvchi segmenti hisoblanadi.

Platforma kompaniyalar yoki mijozlarga hamkorlik qilish imkonini beradi, o'z navbatida platformaning egasi unga oddiy egalik qilishdan, shuningdek, u foydalanishi mumkin bo'lgan ma'lumotlardan foyda oladi. Ba'zi kompaniyalar

mahsulotga yo'naltirilgan modelda ishlashni davom ettirish va platformaga asoslangan modeldan foydalanish uchun mahsulot va platforma modellarini birlashtirib, gibridd modellarni yaratadilar. Kompaniya uchun mos biznes modeli va strategiyasini izlashda qiymat zanjiridagi o'zgarishlardan kelib chiqadigan bozor tahdidlari va imkoniyatlarining yuqoridagi misollarini hisobga olish lozim.

Bizga ma'lumki, raqamlashtirish natijasida ma'lumotlar tobora ortib boradi. Shu sababdan kichik korxonalarini ulardan samarali foydalanish, malakali tahlil qilish va xavfsiz saqlash bo'yicha tayyorlash lozim. Korxonaning har bir elementi mavjud ma'lumotlardan foydalana olishi uchun ular to'liq kiritib borilish va bir birini to'ldirishi kerak. Ushbu ma'lumotlar korxonaning har bo'limi faoliyatida boshqaruv uchun muhimdir. Shu o'rinda, ma'lumotlar manbalarini birlashtiradigan tegishli dasturiy ta'minot(masalan ERP tizimlari)ga sarmoya kiritish qochib bo'lmas zaruriyatdir.

Taklif etilayotgan qiymat o'zgarishi uni yaratishga bo'lgan yondashuvga asoslanadi. Raqamli asrda mahsulot taklif etishning faqat qat'iy va doimiy ko'rinishiga tayanib qolish mumkin emas. Mahsulot yangi texnologiyalar va yechimlardan foydalangan holda ishlab chiqarilishi va mijozlar talablariga dinamik moslashishi kerak. Shu sababli, sotish bilan bog'liq jarayonlarga (marketing, kommunikatsiyalar, tarqatish va rag'batlantirish). teng darajada faol yondashish talab qilinadi.

Raqamli biznesni o'zgartirish keng ko'lamli tadbirlar majmuasidir, ammo u to'g'ri tashkil etilsa, kichik biznesni o'zgartiradi va ularni mijozlar talablariga yaxshiroq moslashtiradi. Raqamli transformatsiya mexanizmidan foydalangan holda kompaniya moslashuvchan va tez o'zgaruvchan voqelikka chidamli bo'ladi. Raqamli transformatsiyani amalga oshirish jarayoni joriy faoliyat davomida uning maqsadlarini belgilash, hamda tashkilotning imkoniyatlarini aniqlashdan boshlanishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi "O'zbekiston-2030" Strategiyasini tasdiqlash to'g'risidagi PF-158-son Farmoni.
2. Prezidentning 2024 yil 23 sentyabrdagi "Kambag'alikdan farovonlik sari" dasturini amalga oshirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-taduyirlar To'g'risidagi PQ-330 sonli Qarori.
3. www.lex.uz

**KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI OSHIRISHDA
MOLIYAVIY MABLAG‘LARNI OQILONA JALB ETISHNI
TAKOMILLASHTIRISH**

S.E. Marjonov

Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi tinglovchisi

Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyati iqtisodiy rivojlanishning muhim bo‘g‘ini hisoblanadi. Ular jamiyatda yangi ish o‘rinlarini yaratish, innovatsiyalarni rivojlantirish va ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda asosiy rol o‘ynaydi. Ammo kichik biznesning muvaffaqiyatli faoliyati ko‘p jihatdan moliyaviy resurslarning yetarliligi va ularni oqilona boshqarishga bog‘liq.

Bugungi kunda tadbirkorlar moliyaviy mablag‘larni jalb etishda bir qator qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Kredit olishdagi murakkabliklar, yuqori foiz stavkalari, investitsiyalarga yetarlicha kirish imkoniyatining yo‘qligi ushbu sohaning rivojlanishini sekinlashtiradi. Shu sababli kichik biznes va tadbirkorlik uchun moliyaviy mablag‘larni oqilona jalb etish mexanizmlarini takomillashtirish dolzarb masalaga aylanmoqda.

Kichik biznes sub‘ektlari faoliyatini yanada rivojlantirish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biriga aylangan bo‘lib, mamlakatimiz iqtisodiy o‘rishini ta‘minlash, yangi ish o‘rinlarini yaratish, bandlik masalasini hal etish, aholining turmush darajasini oshirishda ularning o‘rni beqiyosdir.

Ishbilarmonlik faoliyatini tubdan yaxshilash, uni qo‘llab-quvvatlash, shu jumladan, imtiyozli moliyaviy ko‘mak berishga aholida e‘tibor qaratilayotganidan dalolat beridi. SHular asosida kichik korxonalarining safi kengayib, ular istiqbolini ta‘minlash uchun zarur sharoitlar va moliyav-iqtisodiy imkoniyatlar yaratilmoqda. Bu soha vakillari faoliyatini erkinlashtirish, rivojlantirish, huquqiy himoya qilish, rag‘batlantirish borasida ham salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda.

Ayniqsa, “Kichik tadbirkorlik sub‘ektlarini milliy valyutada kreditlash tartibi to‘g‘risida”gi yangi Nizomning hayotna joriy etilgishi bu buradagi yana bir muhim qadamlardan biri deyish mumkin. Hujjatning eng muhim jihati shundaki, bunday kreditlash nafaqat yakka tartibdagi tadbirkorlar, mikrofirmalar, kichik korxonalar, balki dehqon va fermer ho‘jaliklari hamda oilaviy korxonalariga ham tatbiq etiladi. Bu jarayon mablag‘larni qaytarishlik, to‘lovlilik, ta‘minlanganlik, muddatlilik va maqsadli foydalanish shartlari asosida amalga oshiriladi.

Respublikamizda kichik korxonalar tomonidan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishning o‘rishini yaratilgan imkoniyatlardan faollik bilan foydalanish evaziga ta‘minlash mumkin. Hisobotlarga ko‘ra, 2015 yilda respublika bo‘yicha kichik biznesning ishlab chiqarilgan YAIM hajmidagi ulushi 61,1 foizga yetkazish kichik tadbirkorlik korxonalarining yillik mahsulot ishlab chiqarishning 2,5 foizdan kam bo‘lmagan holatlaridagina amalga oshadi. Bu holatda kichik tadbirkorlik



korxonalarining mamlakat YAIMni ishlab chiqarishdagi hissasining o'sishi 2015 yilda 2000 yilga nisbatan 213,2 foizni tashkil etishi ko'zda tutilgan. Buning uchun esa hududlardagi kichik tadbirkorlik korxonalarining respublika bo'yicha ishlab borishiga erishish zarur (1-jadval)

1-jadval

**Kichik korxonalarining yalpi hududiy mahsulotdagi ulushining o'sib borishi
(foizda)¹**

Respublika hududlari	2015 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.	2022 yilda 2015 yilga nisbatan o'sishi
O'zbekiston Respublikasi	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Qoraqalpog'iston Respublikasi	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
Andijon	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Buxoro	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Jizzax	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Qashqadaryo	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Navoiy	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Namangan	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Samarqand	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Surxondaryo	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Sirdaryo	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Toshkent	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Farg'ona	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Xorazm	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Toshkent sh.	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, ayrim hududlarla kichik tadbirkorlik korxonalarining yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi birmuncha yuqori bo'lib, Andijon viloyati va Qoraqalpog'iston Respublikasida 60 foizdan yuqori, Samarqand, Jizzax viloyatlari va Toshkent shahrida 80 foizga yaqin bo'lsa, Namangan, Surxondaryo, Sirdaryo, Xorazm va Farg'ona viloyatlarida 80 foizdan ortiqni tashkil etishi kutilmoqda.

So'nggi yillarda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, biznes yuritish, iqtisodiyotga mahalliy va horijiy investisiyalarni keng jalb etish uchun zarur sharoit va qulay muhit yaratish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi va oshirilmoqda.

Kichik korxonalarini moliyalashtirishda, boshqaruv ba'zi bir rivojlangan davlatlarning bu boradagi tajribalari tasdiqlashicha, yirik korpaniyalardan farqli ravishda kichik korxonalar qarz sarmoyalariga emas, balki ular asosan o'z mablag'lariga tayanadi. SHunday bo'lsa-da, tez rivojlanayotgan firmalar jalb

¹ Ўзбекистон Республикаси статистика ахборотномаси асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

qilinadigan mablag'lar hisobiga qisman moliyalanishiga ehtiyoj sezadi. Bu holda kredit imtiyozlari muhim moliyalashtirish manbai bo'lib hisoblanishi lozim.

Tadbirkorlik faoliyati rivojlanishida soliq va savdo sohalardagi davlat siyosati muhim rol o'ynaydi. SHu sohadagi cheklovlar kichik biznes rivojida aksariyat muammolarni yuzaga kelishiga sabab bo'ladi. Tadbirkorlarning 75 foizi moliya-kredit tizimini takomillashtirishni, 52,5 foiz soliqni, 69 foiz moddiy-texnika resurslari bilan savdo qilishni yaxshilash lozimligi zarur bo'ladi. SHuning uchun islohotlarning hozirgi bosqichida bu sohalarda tadbirkorlikka to'siq bo'layotgan omillarni tahlil qilish va ularni bozor talablari doirasida baholash muhim ahamiyatga ega.

Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatining moliyaviy qo'llab-quvvatlanishi iqtisodiy rivojlanishning ajralmas qismidir. Ularni samarali jalb qilish va boshqarish uchun quyidagi taklif va tavsiyalarni ilgari surish mumkin:

1. Kreditlash tizimini soddalashtirish

Imtiyozli kreditlar joriy etish: Kichik biznes uchun past foizli va uzoq muddatli kredit dasturlarini kengaytirish.

Onlayn kreditlash tizimlarini rivojlantirish: Kredit olish jarayonini soddalashtirish maqsadida onlayn platformalar orqali ariza topshirish imkoniyatini yaratish.

Garov talablarini yengillashtirish: Kichik biznesga garovsiz yoki minimal garov asosida kredit olish imkoniyatlarini taqdim etish.

2. Investitsiya jalb etish mexanizmlarini rivojlantirish

Venchur kapitalini rivojlantirish: Innovatsion va yuqori potentsialga ega loyihalarni moliyalashtirish uchun venchur kapital fondlarini kengaytirish.

Davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish: Investitsiya loyihalarini amalga oshirish uchun davlat va xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlikni mustahkamlash.

Biznes-akselerator va inkubator dasturlari: Startap va kichik biznes loyihalarini qo'llab-quvvatlash uchun maxsus platformalar tashkil etish.

3. Soliq va davlat qo'llab-quvvatlash tizimlarini takomillashtirish

Soliq imtiyozlarini kengaytirish: Yangi tashkil etilgan kichik biznes subyektlariga soliq holidays (soliq ta'tili) berish.

Subsidiyalar taqdim etish: Tadbirkorlik loyihalarining boshlang'ich bosqichlarida davlat subsidiyalarini kengaytirish.

Moliyaviy xatarlarga qarshi sug'urta mexanizmlari: Kichik biznesni qo'llab-quvvatlash uchun maxsus sug'urta dasturlarini ishlab chiqish.

4. Moliyaviy bilim va ko'nikmalarni oshirish

Moliyaviy ta'lim dasturlarini kengaytirish: Tadbirkorlarga moliyaviy rejalashtirish, investitsiyalarni boshqarish va mablag'lardan samarali foydalanish bo'yicha treninglar o'tkazish.

Konsultatsion xizmatlar: Tadbirkorlikni boshlash yoki rivojlantirish uchun bepul yoki subsidiyalangan maslahat markazlarini tashkil etish.

5. Raqamli texnologiyalarni joriy etish

Raqamli moliya platformalari: Kreditlash, investitsiya jalb qilish va hisob-kitob operatsiyalarini avtomatlashtirish uchun raqamli texnologiyalarni rivojlantirish.

Kraudsorsing va kraudfanding platformalari: Jamiyatdan kichik hajmdagi mablag'larni yig'ish orqali loyihalarni moliyalashtirish imkoniyatlarini yaratish.

6. Hududiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlash

Mahalliy banklarni jalb qilish: Hududiy kichik biznesni qo'llab-quvvatlash uchun mahalliy banklarning imkoniyatlarini kengaytirish.

Infratuzilmani rivojlantirish: Tadbirkorlik subyektlariga qulay sharoit yaratish uchun transport, kommunikatsiya va logistika infratuzilmasini takomillashtirish.

7. Monitoring va nazorat tizimlarini kuchaytirish

Moliyaviy mablag'lardan foydalanish ustidan nazorat: Davlat tomonidan ajratilgan kredit va subsidiyalarning maqsadli ishlatilishini ta'minlash.

Moliyaviy barqarorlikni tahlil qilish: Kichik biznes subyektlarining moliyaviy holatini muntazam ravishda monitoring qilish tizimini joriy etish.

Ushbu taklif va tavsiyalar kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish uchun moliyaviy mablag'larni oqilona jalb qilish va samarali boshqarish imkonini beradi. Moliyaviy qo'llab-quvvatlash tizimining soddalashtirilishi, yangi texnologiyalarni joriy etish va davlat tomonidan ko'rsatiladigan yordamning oshirilishi iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga va kichik biznesning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi.



Dynamics of echocardiography indicators in predicting long-term function of fixed prostheses.

Safarov M. T., Musayeva K. A., Tashpulatova K. M., Safarova N.T., Normurodova R.Z., Buribayeva M. G., Ruzimbetov H. B., Ahmadjonov M. A., Kushbekov B.K., Abdunazarov D.E., Xalilov I.Sh.

Department of Hospital Orthopedic Dentistry,
Tashkent State Dental Institute
khayotruzimbetov@gmail.com

Abstract: The proposed diagnostic method makes it possible to assess the density of alveolar bone tissue by measuring the speed of passage of an ultrasonic wave (ultrasound) of 2.5 MHz in the studied area of the alveolar process of the upper jaw and the alveolar part of the lower jaw. Echosteometry makes it possible to determine the density of the alveolar bone of the jaws with a high degree of accuracy, which makes it possible to recommend this research method for diagnosing the mineral density of the alveolar bone and predicting possible recurrence of anomalies in the position of the teeth after completion of orthopedic treatment.

The advantages of the method are high information content (it is sensitive to loss of bone density by 3-4%, and during X-ray examination, the phenomena of osteoporosis are diagnosed with a violation of bone mineralization from 25-30%), ease of implementation, accessibility, painlessness and safety.

The purpose of the study: to identify the dynamics of echosteometry indicators in predicting the long-term functioning of non-removable prosthetics.

Materials and methods of research: The echosteometric method for determining bone density is characterized by high diagnostic objectivity, primarily due to the possibility of obtaining a quantitative assessment of the "strength" properties of bone tissue.

The speed of passage of an ultrasonic wave in the area of bone inter-root septa is measured using intraoral cone-shaped sensors fixed in a silicone impression. The



sensors are installed at the intersection point of the midline of the inter-root septum and the conditional line drawn on the upper jaw 3 mm above, and on the lower jaw 3 mm below the gingival margin line. The method allows to obtain objective data on the risk of recurrence after orthodontic treatment by using cone-shaped sensors positioned directly in the oral cavity.

Research results: Echosteometry was performed using the diagnostic device EOM-01, which used a pulse method for measuring the propagation velocity of ultrasonic vibrations in tissues - the "base increment" method, which allows to exclude the influence of soft tissues on the measurement results. A total of 322 measurements of the velocity of ultrasound propagation through the bone tissue of the mandible were carried out using the echosteometer EOM-01.

A comparative analysis with the above-mentioned study performed by the method of external echosteometry shows that the claimed method has a higher accuracy of the results of the study due to the use of cone-shaped ultrasonic sensors positioned directly in the oral cavity. In addition, the claimed method differs from the known ones in that the diagnosis of the condition of the bone tissue of the jaws is carried out.

The technical result is achieved due to the fact that the time and speed of the ultrasonic wave are recorded between cone-shaped intraoral ultrasonic sensors located at the intersection point of the midline in the area of the inter-root septum and a conditional horizontal line drawn 3 mm above (on the upper jaw) or below (on the lower jaw) the line of the gingival margin.

Conclusions: The method of echosteometry more accurately reflects changes in bone density in periodontitis, since they occur primarily in the spongy bone tissue of the alveolar bone. This is due to the physical characteristics of the ultrasonic vibrations used in echosteometry, namely, their wavelength and, accordingly, the depth of penetration into bone tissue.

Kilohertz ultrasound is less dispersed in bone tissue, and therefore gives a more accurate characterization of its echo density. At a kilohertz frequency, ultrasound penetrates into the bone to a depth of several centimeters and thus scans not only the compact plate, but also the spongy bone. It is the spongy bone that is characterized



by an active metabolism, and it is obvious that the processes of demineralization in periodontitis occur mainly in it.

As a result of our research, we developed medical and technical requirements (MTT) for a dental echosteometer, which took into account the following aspects: the generated frequency of ultrasonic vibrations should be in the kilohertz range; sensors for the bones of the facial skeleton should take into account their anatomical structure; intraoral sensors should have a minimum area for contact with the probed area - the alveolar department; The software of the device must have a database for detecting osteopenia and osteoporosis in the bones of the facial skeleton.

Literature

1. Tashpulatova K. et al. Technique for eliminating traumatic occlusion in patients using Implant-supported bridges //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – T. 7. – No. 2. – pp. 6189-6193.
2. Safarov MT, Ro'zimbetov XB, Tashpulatova KM, Safarova NT (2023). Tish Implantatlarida To'liq Yoyli Protezlarning Biomexanikasi. Conferences , 35–36. extracted from <https://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/1030>
3. Safarov, M., Akhmadjonov, M., & Ruzimbetov, A. (2022). Study of microbiological status in patients with perimplantitis in the area of bridges. Conferences , 138. retrieved from <https://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/111>
4. Tashpulatova K. M., Safarov M. T., & Ruzimbetov H. B. (2023). Hemodynamic Changes In The Mucous Membrane Of The Alveolar Ridge Of The Lower Jaw With Partial Defects Of The Dentition. EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION IDEAS IN THE WORLD, 34(4), 42–48. Retrieved from <https://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/9797>
5. Safarov M.T., Tashpulatova K.M., & Ruzimbetov Kh.B. (2023). Analysis Of The Effectiveness Of Methods For Fixing Artificial Crowns And Bridges On Dental Implants. EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION IDEAS IN THE WORLD, 34(4), 36–38. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/9795>
6. Tashpulatova K.M., Safarov M.T., Sharipov S.S., Ruzimbetov H.B. (2023). Medium-term Forecast of the Efficiency of Fixed Dentures on Dental Implants. Conferences, 101–103. retrieved from <https://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/1117>
7. Safarov M.T., Shirinova Sh., Tashpulatova K.M., Ruzimbetov H.B. (2023). Adaptation of the Chewing Muscles in Patients with Prosthetic Bridges Fixed on Dental



- Implants. Conferences, 93–95. retrieved from <http://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/1113>
8. Ruzimbetov Kh.B., Safarov M.T., Tashpulatova K.M. (2023). Microbiological Studies for Inflammatory Complications in the Peri-Implant Areas. Conferences , 79–82. retrieved from <http://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/1107>
 9. Safarov M.T., Tashpulatova K.M., Ruzimbetov H.B., Shakirova D. (2023). Clinical and X-ray Study of Changes in Hard Tissues Around the Implant in Patients with Partial Edentia. Conferences , 89–90. retrieved from <http://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/1111>
 10. Safarov MT et al. Evaluation of the Compensatory-Adaptive Mechanisms of Bridge Prosthetics at the Terminal Dentition Defects with the Use of Intraosseous Implants by the Method of Electromyography //American Journal of Medicine and Medical Sciences. – 2020. – T. 10. – No. 9. – pp. 657-659.
 11. Safarov M. T. et al. Microbiological status of patients using artificial crowns supported by dental implants for peri-implantitis // Conferences. – 2023. – P. 376-379.
 12. Safarov M.T., Ruzimbetov Kh.B., Safarova N.T., Kholboev H. (2023). Study of the Functional Efficiency of Bridges Fixed on Dental Implants. Conferences , 372–374. retrieved from <http://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/902>
 13. Safarov, M., & Tashpulatova, K. (2022). Study Of The Microflora Of The Oral Cavity In Patients Using Dental Bridges With Dental Implants For Peri-Implantitis. Conferences , 172–173. retrieved from <http://journals.scinnovations.uz/index.php/aposo/article/view/78>
 14. Safarov MT et al. Permanent prosthetics on dental implants //Eurasian Journal of Otorhinolaryngology-Head and Neck Surgery. – 2023. – T. 2. – S. 70-74. <https://doi.org/10.57231/j.ejohns.2023.2.3.012>
 15. Safarov M.T., Akhmadzhonov M., Ruzimbetov A. Study of microbiological status in patients with perimplantitis in the area of bridges. – Conferences, 2022.
 16. Safarov MT, Tashpulatova KM, Ruzimbetov HB To Question About Osteointegration Dental Implants And Ways Her Stimulations //TADQIQOTLAR. – 2023. – T. 27. – No. 3. – pp. 82-89.
 17. Safarov MT, Tashpulatova KM, Ruzimbetov HB Modern Representation About Osteointegration Of Dental Implants //TADQIQOTLAR. – 2023. – T. 27. – No. 3. – pp. 98-106.
 18. Safarov MT, Tashpulatova KM, Ruzimbetov HB The Problem Of Inflammation In Peri-Implant Tissue And Factors Affecting Its Course //TADQIQOTLAR. – 2023. – T. 27. – No. 3. – pp. 90-97.
 19. Musaeva K. A. et al. Biomechanics of fixed full-arch prostheses supported by implants // Conferences . – 2023. – P. 370-372.



20. Musaeva, K. (2023). Prosthodontic treatment of patients with osteoporosis. Current problems of dentistry and maxillofacial surgery 4, 1(02), 103. retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/problems-dentistry/article/view/16170>
21. Musaeva K. A. On the Issue of Orthopedic Rehabilitation for Osteoporosis //Conferences. – 2022. – P. 90-91.
22. Musaeva, K., Asom, B., & Saliev, S. (2018). Improving the fixation of complete removable plate dentures in conditions of severe atrophy in the area of the maxillary tuberosities. Stomatologiya, 1(2(71), 27–28. retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/stomatologiya/article/view/1714>
23. Musaeva, K. (2017). Features of the dental status of patients with chronic kidney disease. Stomatologiya 1 (1 (66) , 62–64 . retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/stomatologiya/article/view/2364>
24. EXPERIENCE IN THE USE OF MATHEMATICAL MODELING TO PREDICT THE LONG-TERM DURABILITY OF PROSTHETICS ON DENTAL IMPLANTS. (APPLICATION OF MATHEMATICAL MODELING IN PROSTHETICS ON IMPLANTS.). (2024). Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods, 2(3), 14-23.
25. <https://westerneuropeanstudies.com/index.php/1/article/view/453>
26. Tashpulatovich S. M. et al. DENTAL IMPLANTS AS THE MOST APPROPRIATE METHOD OF ANCHORING FIXED PROSTHESES //INTERNATIONAL JOURNAL OF EUROPEAN RESEARCH OUTPUT. – 2024. – T. 3. – №. 5. – С. 79-85. <http://ijero.co.uk/index.php/ijero/index>
27. Tashpulatovich S. M. et al. STRUCTURAL CHARACTERISTICS OF PERI-IMPLANT SOFT TISSUE FACTORS INFLUENCING THE DEVELOPMENT OF INFLAMMATION IN THE IMPLANT CAVITY AND PERI-IMPLANT //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – T. 18. – №. 6. – С. 106-111.
28. Tashpulatovich S. M. et al. STRUCTURAL CHARACTERISTICS OF PERI-IMPLANT SOFT TISSUE FACTORS INFLUENCING THE DEVELOPMENT OF INFLAMMATION IN THE IMPLANT CAVITY AND PERI-IMPLANT //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – T. 18. – №. 6. – С. 106-111.
29. Tashpulatovich S. M. et al. RESEARCH TO ASSESS MICROCIRCULATION PARAMETERS AND MORPHOFUNCTION OF GINGIVAL TISSUE DURING PROSTHETICS ON DENTAL IMPLANTS //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – T. 18. – №. 6. – С. 93-96.
30. Сафаров М. Т. и др. СОПОСТАВЛЕНИЕ СПОСОБОВ ЗАКРЕПЛЕНИЯ НЕСЪЕМНЫХ ОРТОПЕДИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИМПЛАНТАТОВ //Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. – 2024. – T. 18. – №. 6. – С. 97-105.
31. Tashpulatovich S. M. et al. ANALYSIS OF COMPLICATIONS ARISING DURING PROSTHETICS WITH FIXED CONSTRUCTIONS OF DENTAL PROSTHESES FIXED ON TWO-STAGE OSTEOINTEGRATED SCREW IMPLANTS,

THEIR ELIMINATION AND PREVENTION //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 10. – №. 5. – С. 163-167.

32. Tashpulatovich S. M. et al. FREQUENCY AND STRUCTURE OF CLINICAL COMPLICATIONS DEPENDING ON THE METHOD OF FIXING A FIXED PROSTHETIC CONSTRUCTION ON DENTAL IMPLANTS //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 10. – №. 5. – С. 159-162.

33. Tashpulatovich S. M. et al. BIOMECHANICAL PROBLEMS OF CEMENT FIXATION OF ARTIFICIAL CROWNS ON IMPLANTS //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 10. – №. 5. – С. 151-158.

34. Tashpulatovich S. M. et al. CLINICAL ASPECTS OF THE APPLICATION OF AN INDIVIDUAL RECONSTRUCTIVE IMPLANT FROM LYOPHILIZED ALLOGENIC MATERIAL IN SEVERE ATROPHY OF JAW BONE TISSUE //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 136-146.

35. Tashpulatovich S. M. et al. SOCIOLOGICAL ASPECTS MODERN DENTAL IMPLANTATIONS WHEN PLANNING FIXED DENTAL PROSTHETICS //TADQIQOTLAR. UZ. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 127-135.

36. Tashpulatovich S. M. et al. COMPARATIVE MATHEMATICAL MODELING OF STRENGTH AND DEFORMATION PARAMETERS OF METAL-CERAMIC CROWNS WITH SCREW AND CEMENT FIXATION TO IMPLANTS //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 147-152.

37. Tashpulatova K. M. et al. EXPERIENCE IN THE USE OF MATHEMATICAL MODELING TO PREDICT THE LONG-TERM DURABILITY OF PROSTHETICS ON DENTAL IMPLANTS.(APPLICATION OF MATHEMATICAL MODELING IN PROSTHETICS ON IMPLANTS.) //Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 14-23.

38. Safarov Murod Tashpulatovich, Musayeva Karima Alisherovna, Tashpulatova Kamilla Maratovna, Buribayeva Madina Gafurjon qizi, Ruzimbetov Hayot Bazorboyevich, & Ahmadjonov Muhammadismoil Anvarjon o'g'li. (2024). APPLICATION OF ULTRASONIC TECHNOLOGIES IN ORTHOPEDIC DENTISTRY. Web of Medicine: Journal of Medicine, Practice and Nursing, 2(10), 127–132. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/5/article/view/1943>



**OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA OILA MASALALARI BO'YICHA
O'QITISH METODIKASI
TEACHING METHODOLOGY ON FAMILY ISSUES IN HIGHER
EDUCATION INSTITUTIONS
МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ПО ВОПРОСАМ СЕМЬИ В ВУЗАХ**

Andijon davlat pedagogika instituti

Tabiiy fanlar fakulteti talabasi

Xaydarova Nodirabonu Xayrullo qizi,

Ilmiy rahbar: **Axmedova Dildora Naildjan qizi**

Annotatsiya: Mazkur maqolada oliy ta'lim muassasalarida oila masalalarini o'qitishning dolzarbligi, metodik yondashuvlari va o'quv dasturlarini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar yoritilgan. Oila instituti jamiyatning asosiy bo'g'ini ekanligi ta'kidlanib, bu borada zamonaviy innovatsion metodlardan foydalanish zarurligi asoslab berilgan. O'quv dasturlari mazmuni, interaktiv va amaliy usullarning afzalliklari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: oila masalalari, oliy ta'lim, o'qitish metodikasi, interaktiv usullar, amaliy mashg'ulotlar, oilaviy qadriyatlar, jamiyat barqarorligi, o'quv dasturi.

Abstract: This article describes the relevance of teaching family issues in higher education institutions, methodical approaches and recommendations for improving educational programs. It is emphasized that the family institution is the main link of the society, and the need to use modern innovative methods in this regard is justified. The content of educational programs, advantages of interactive and practical methods are analyzed.

Key words: family issues, higher education, teaching methodology, interactive methods, practical training, family values, community stability, curriculum.

Аннотация: В данной статье описана актуальность преподавания вопросов семьи в высших учебных заведениях, методические подходы и рекомендации по совершенствованию образовательных программ. Подчеркивается, что институт семьи является основным звеном общества, и обоснована необходимость использования современных инновационных методов в этом отношении. Анализируется содержание образовательных программ, преимущества интерактивных и практических методов.



Ключевые слова: проблемы семьи, высшее образование, методика преподавания, интерактивные методы, практика, семейные ценности, стабильность сообщества, учебная программа.

Oila har bir jamiyatning asosiy ijtimoiy instituti bo'lib, uning mustahkamligi jamiyat barqarorligi va kelajagi uchun katta ahamiyatga ega. Shu bois, zamonaviy oliy ta'lim muassasalarida oila masalalarini o'qitish yoshlarni ijtimoiy, axloqiy va madaniy jihatdan shakllantirishda muhim omil hisoblanadi. Bu jarayonda o'qitish metodikasini takomillashtirish, innovatsion yondashuvlarni qo'llash va zamonaviy o'quv dasturlarini ishlab chiqish talab etiladi. Hozirgi globallashtirish davrida oila instituti turli ijtimoiy muammolarga duch kelmoqda. Ajralishlar sonining oshishi, oilaviy munosabatlardagi taranglik, ota-onalar va bolalar o'rtasidagi aloqa zaiflashuvi kabi holatlar bu sohani o'rganish va yoshlarni to'g'ri yo'naltirish zarurligini ko'rsatmoqda. Oliy ta'limda oila masalalarini o'qitish quyidagi maqsadlarni ko'zlaydi: Talabalarga sog'lom va mustahkam oila qurish ko'nikmalarini singdirish, Oilaviy qadriyatlarni targ'ib qilish, Oilaviy nizolarni hal qilish bo'yicha bilim berish, Oila masalalarida mas'uliyat hissini shakllantirish kabilardir. Oila jamiyatning asosiy ijtimoiy bo'g'ini sifatida uning barqarorligi va rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy dunyoda oila instituti turli murakkab muammolar bilan to'qnash kelmoqda. Ajralishlar sonining ortishi bu jamiyatda ijtimoiy barqarorlikka salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Oilaviy nizolar va aloqa muammolari oila a'zolari o'rtasida muloqot yetishmasligi muammolarni chuqurlashtiradi. An'anaviy oilaviy qadriyatlarning zaiflashuvi esa globallashtirish va modernizatsiya jarayonlari milliy va diniy qadriyatlarni yo'qotish xavfini tug'dirmoqda. Bu muammolarni bartaraf etish va yoshlarni sog'lom oila qurishga tayyorlash maqsadida oila masalalarini o'qitish zamon talabiga aylangan. Ushbu jarayonning dolzarbligini quyidagicha izohlash mumkin:

1. Yoshlarni hayotga tayyorlash:

Talabalar kelajakda oilaviy hayotning mas'uliyatini his qilishlari, oila qurishda to'g'ri qarorlar qabul qilishlari uchun zarur bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlari lozim.

2. Ijtimoiy muammolarni kamaytirish:

Oila masalalari bo'yicha yetarli bilimga ega yoshlar orasida ajralishlar sonini kamaytirish, oilaviy nizolarni konstruktiv hal qilish imkoniyati ortadi.

3. Milliy va ma'naviy qadriyatlarni targ'ib qilish:

Oila masalalarini o'rgatish orqali talabalar milliy madaniyat va diniy qadriyatlarni qadrlashni, ularni kelajak avlodga yetkazishni o'rganadilar.



4. Jamiyat barqarorligini ta'minlash:

Mustahkam oilalar jamiyatni barqaror rivojlantirishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Oila masalalariga e'tibor qaratish bu barqarorlikni mustahkamlashga xizmat qiladi.

5. Shaxsiy rivojlanishga ko'maklashish:

Oilaviy masalalar bo'yicha ta'lim shaxsiy hayotda muvaffaqiyatli bo'lish, muloqot va muammoni hal qilish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Oila masalalarini o'qitishning dolzarbligi shundan iboratki, u nafaqat shaxsiy hayotga, balki butun jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ham sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, oliy ta'lim muassasalarida bu mavzuni chuqur o'rganish va zamonaviy o'qitish metodikalarini joriy qilish muhim ahamiyatga ega. Oliy ta'lim muassasalarida oila masalalarini o'qitishga mo'ljallangan o'quv dasturi yoshlarni sog'lom va barqaror oila qurishga tayyorlashga, ularning shaxsiy va ijtimoiy mas'uliyat hissini rivojlantirishga xizmat qiladi. Oilaviy qadriyatlar va ularning ahamiyati: Yoshlarni milliy va ma'naviy qadriyatlar ruhida tarbiyalash, oilaning ijtimoiy roli haqida tushuncha berishdir. Nikoh va uning huquqiy asoslari: Nikoh tuzish jarayoni, uning huquqiy jihatlari, ajralish muammolari va ularni oldini olish bo'yicha bilim berish. Oilada nizolarni hal qilish strategiyalari nizo paytida konstruktiv muloqot olib boradi stressni boshqaradi va oilaviy muammolarni hal qilish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

O'qitish metodikasining asosiy tamoyillari

Tamoyillar	Tavsifi
1.Integratsiyalashgan yondashuv	Oila masalalari faqat ijtimoiy fanlar bilan cheklanib qolmay, psixologiya, huquq, iqtisod va pedagogika fanlari bilan bog'lab o'rgatilishi kerak.
2.Amaliy yo'naltirilganlik	Nazariy bilimlar bilan bir qatorda amaliy mashg'ulotlar, muhokamalar, treninglar orqali talabalarga real hayotiy vaziyatlarda qaror qabul qilishni o'rgatish.
3. Individual yondashuv	Har bir talabani o'ziga xos shaxs sifatida qabul qilish, uning oilaviy qadriyatlari, turmush tarzi va dunyoqarashini inobatga olish.



4. Innovatsion texnologiyalardan foydalanish	Multimediya vositalari, interaktiv usullar va zamonaviy treninglar yordamida darslarni qiziqarli va samarali tashkil etish.
--	---

Seminar va treninglar oliy ta'lim muassasalarida oila masalalarini o'rgatishda muhim o'rin tutadi, chunki ular nazariy bilimlarni amaliyot bilan bog'lash imkonini beradi. Seminar mashg'ulotlari talabalarni mavzu bo'yicha chuqur tahlil va muhokama qilishga undasa, treninglar ularda real hayotiy vaziyatlarda qaror qabul qilish va muammolarni hal qilish ko'nikmalarini rivojlantiradi. Treninglar va seminarlar quyidagi jihatlari bilan alohida ahamiyatga ega:

Interaktivlik: Talabalar faolligi oshadi, ular bilimlarni mustaqil izlash va o'z fikrlarini ochiq bildirishga o'rganadi.

Amaliyotga yo'naltirilganlik: Oila masalalariga oid turli muammoli vaziyatlarni tahlil qilish orqali talabalarda hayotiy ko'nikmalar shakllanadi.

Muloqot va jamoaviy ish ko'nikmalari: Treninglarda talabalar jamoada ishlash, muammolarni birgalikda hal qilish va muloqot strategiyalarini o'zlashtiradilar.

Shaxsiy rivojlanish: Seminarlarda shaxsiy mas'uliyat, oila qurish va nizolarni hal qilish bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lish imkoniyati yaratiladi.

Seminar va treninglar orqali o'rgatilgan bilim va ko'nikmalar talabalarni kelajakdagi oilaviy hayotga yaxshiroq tayyorlaydi, ularning jamiyatdagi oila instituti rivojiga ijobiy hissa qo'shishiga zamin yaratadi. Shu bois, bu metodlarni o'qitish jarayoniga kengroq joriy qilish ta'lim samaradorligini oshiradi. Oila masalalarini o'rgatish bo'yicha o'quv dasturlari mazmuni yoshlarni hayotiy muammolarni hal qilishga tayyorlash, sog'lom oilaviy munosabatlarni shakllantirish va jamiyat barqarorligini ta'minlashga qaratilgan. Ushbu dasturlar nazariy bilimlarni amaliy mashg'ulotlar bilan uyg'unlashtirgan holda ishlab chiqilishi lozim. Interaktiv va amaliy usullarning afzalliklari ko'p. Faollikni oshirib talabalar o'z fikrlarini ochiq bildirish va muammolarni mustaqil tahlil qilish ko'nikmalariga ega bo'ladilar. Nazariy va amaliyot uyg'unligi hayotiy vaziyatlarni modellashtirish orqali bilimlarni real hayotga tatbiq qilish imkonini beradi. Qiziqish uyg'otib treninglar, rolli o'yinlar va vaziyatli tahlillar dars jarayonini qiziqarli va samarali qiladi. Shunday qilib, o'quv dasturlarining mazmuni boy va keng qamrovli bo'lib, interaktiv va amaliy usullardan foydalanish orqali ta'lim samaradorligi sezilarli darajada oshadi. Bu yondashuv talabalarning nafaqat bilimlarini, balki oilaviy hayotdagi muhim ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Iqtisodiy mas'uliyat va oilaviy byudjetni boshqarishda esa o'laning iqtisodiy mustahkamligi uchun rejalashtirish va moliyaviy resurslarni boshqarishning ahamiyatini o'rgatadi. Bolalar tarbiyasining psixologik va pedagogik asoslari: Sog'lom oilada bolalarni tarbiyalash, ularning ehtiyojlari va rivojlanish xususiyatlarini inobatga olish ko'nikmalarini shakllantirish. Ushbu dastur nafaqat nazariy bilimlar, balki amaliy mashg'ulotlar, treninglar va muammoli vaziyatlarni tahlil qilish orqali talabalarni real hayotiy muammolarni hal qilishga o'rgatadi. Oila masalalari bo'yicha bilim va ko'nikmalar yoshlarning oilaviy hayotda muvaffaqiyatli bo'lishini ta'minlab, jamiyatdagi ijtimoiy barqarorlikni oshirishga xizmat qiladi.

Natijalar va istiqbollari:

Oila masalalarini o'qitish orqali talabalar nafaqat nazariy bilimlarga ega bo'ladilar, balki amaliy ko'nikmalarni ham shakllantiradilar. Bu ularga kelgusida sog'lom va barqaror oila qurish, shuningdek, oiladagi nizolarni konstruktiv hal qilish imkoniyatini beradi. Zamonaviy oliy ta'lim tizimida bu yo'nalishni rivojlantirish nafaqat yoshlarning, balki butun jamiyatning ahloqiy va ma'naviy salohiyatini oshirishga xizmat qiladi. Shu sababli, bu sohada tadqiqotlar olib borish va o'qitish usullarini yanada takomillashtirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Akhmedova, F. (2019). Oilaviy munosabatlar va ularning ijtimoiy ahamiyati. Tashkent: "Ijtimoiy Fikr" nashriyoti.
2. G'ulomov, N., & Mirzajonov, A. (2018). Oilaviy qadriyatlar va ularning tarbiyadagi roli. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi.
3. Rahmonov, X. (2020). O'qitish metodikasi va innovatsion pedagogik yondashuvlar. Toshkent: "Fan va ta'lim" nashriyoti.
4. Sherzodov, J. (2017). Oliy ta'lim muassasalarida interaktiv o'qitish metodlari. Toshkent: "Ma'naviyat" nashriyoti.
5. Karimov, D. (2016). Pedagogik texnologiyalar: Nazariya va amaliyot. Tashkent: "O'qituvchi" nashriyoti.



TUBAN O`SIMLIKLAR VA ULARNING KLASSIFIKATSIYASI

**Andijon davlat pedagogika instituti Biologiya yo`nalishi talabasi
Xamidillayeva Muxlisa Xayrullo qizi**

Аннотация: в статье представлены сведения о внешнем и внутреннем строении водорослей донных растений, их морфологии, классификации, хозяйственном значении, географическом распространении размножения, строения и видах бактерий, их внешнем и внутреннем строении.

Annotation: this article presents information about the external and internal structure of algae from benthic plants, their morphology, classification, economic importance, geographical distribution of reproduction, structure and types of bacteria and their external and internal structure.

Ключевые слова: дно, верх, слоистое слоевище, ткань, водоросли, прокариот, строение, размножение, бактерии, эвглена, слизь.

Key words: bottom, top, layered thallus, tissue, algae, prokaryote, structure, reproduction, bacteria, euglena, slime.

O`simliklar dunyosi ikkita yirik bo`limga bo`linadi. Bular tuban va yuksak o`simliklar hisoblanadi. Tuban o`simliklar (150 000) va yuksak o`simliklar (300 - 350 000) ga yaqin turni o`z ichiga oladi. Tuban o`simliklar yuksak o`simliklardan ayrim belgilari bilan farq qiladi. Avvalambor, Tuban o`simliklar tanasida vegetativ organlar bo`lmaganligi uchun ularning tanasi qattana yoki tallom deb nomlanadi. Bundan tashqari, Qattana (tallom) da o`tkazuvchi naychalar bo`lmaganligi bilan boshqa yuksak o`simliklardan farq qiladi yoki to`qimaga o`xshash tuzilmalari bo`lgan taqdirda ham (masalan ko`pchilik qo`ng`ir, qizil suvo`tlarida) ular kelib chiqishi haqiqiy hisoblanmaydi. Negaki ular yuksak o`simliklarnikiga o`xshash maxsus hosil qiluvchi to`qimaning maxsulotlari emas balki tarkibidagi deyarli barcha hujayralarining bo`linib ko`payishidan yuzaga keladi. Shuning uchun ham ular soxta to`qima deb ataladi. Ko`payish jihatidan esa tuban o`simliklar ancha sodda primitiv hisoblangan ko`payish usulini saqlab qolgan. Jinsiy ko`payish a`zolari o`simliklarning ayrim vakillaridan tashqari (misol uchun xarasimonlar) da jinsiy organlar bir hujayrali bo`ladi. Tuban o`simliklar juda keng tarqalgan. Ular chuchuk suvlarda, issiq buloqlarda, muzliklarda, tuproqda, daxart po`stlarida va boshqa yerlarda uchratish mumkin. Bunday o`simliklarda moddalar almashinuvi jadal boradi. Tuban o`simliklar juda keng tarqalgan. Suv muhitida hosil bo`ladigan organik moddalarning deyarli 80% suvo`tlarning mahsuloti hisoblanadi, suv



havzalarida yuzaga keladigan oziqa zanjirning boshlang'ich bosqichini tashkil qiladi. Ayrim bakteriyalar va suvo'tlari atmosferadagi azotni o'zlashtirib, tuproqni o'g'it bilan to'yintiradi. Tuban o'simliklar sistematikasida eng kichik kategoriya tur hisoblanadi.

Tuban o'simliklar (**Thallophyta**) 4 ga bo'linadi.

1. Hujayrasiz tuzilish-**protocybionta**
2. Shakllangan yadroga ega bo'lmagan- **Thallobionta**
3. Yadroga ega tallomli (tallofit)-**Thaleucaryota**
4. Plastidasiz tallomli(tallofit)- **Thaloplastidal.**

Shakllangan yadroga ega bo'lmaganlarga –Bakteriya (**Bacteriophyta**) va ko'k yashil(**Cyanophyta**) suvotlari kabilar kiradi. Bakteriyalar – xlorofillga ega bo'lmagan, ixtisoslashmagan, va yadroga ham ega bo'lmagan bir hujayrali , va ba'zan ko'p hujayrali organizmlar kiradi. Bakteriyalarning asosan uvh xil shakli mavjud: sharsimon (koklar), tayoqchasiimon (batsillalar), buralgan (sprion yoki vibrillalar) misol bo'la oladi. Ko'k yashil suvo'tlari hozirgi kunda prokariotlar bilan birgalikda o'rganiladi. Bunga asosiy sabab ularning hujayrasida membrana takomillashmagan, yadro, mitoxondriya, endoplazmatik to'r, kabilar bo'lmaydi. Ular hozirgi kunda 5 ta tartibga bo'linadi.

Yadroga ega tallomli(Thaleucaryota) lar 8ta bo'limga bo'linadi.

1. Qizil- **Rhodophyta**
2. Qo'ng'ir- **Phacopyta**
3. Yashil –**Chlorophyta**
4. Tillarang – **Chrysophyta**
5. Sariq- yashil- **Xantophyta**
6. Diatom –**Bacillariophyta**
7. Pirrofit –**Pyrrophyta**
8. Evglena – **Euglenaphyta**

Suvo'tlar suvda yashovchi hayvonlarga ularning nafas olishi uchun zarur bo'lgan kislorod gazini yetkazib beradi, va shuningdek ular uchun ozuqa ham bo'ladi. Ularning chirigan tanasi esa turli xil mineral elementlarga boy bo'lganligi sababli xo'jalikning turli sohalarida ishlatiladi. Bundan tashqari bunday organizmlar o'txo'r baliqlar uchun ham yaxshigina ozuqa bo'la oladi va suv transporti va gidrotexnikada esa dengiz chuqurligini o'lchash va boshqa naralarda ahamiyat kasb etadi. Oziq ovqat sifatida yashil suvo'tlarining tarkibiga kiruvchi dengiz salati deb nom olgan ulva va qo'ng'ir suvo'tlarining tarkibiga kiruvchi dengiz karami nomini olgan yapon laminariyasi kabi turlari muhim ro'l o'ynaydi.



Suvoʻtlari evolutsiyasida oʻziga xos oʻxshashlik kuzatilib, deyarli hamma boʻlim vakillarida ham tallomining tuzilishi jihatidan quyidagi morfologik strukturalar quyidagilardan iborat:

1. Monad struktura- bir hujayrali yoki kolonial tuzilishga ega boʻlib, vegetative hayoti davomida harakatchan.
2. Kokkoid struktura – bir hujayrali yoki kolonial , vegetativ hayoti davomida harakatsiz
3. Ipsimon struktura – hujayralari uzunasiga boʻlinishi natijasida shoxlangan yoki shoxlanmagan ip shaklidagi tallomli suvoʻtlari.
4. Har xil ipsimon (geterotrixial) struktura – iplari har xil boʻlib, yirik va undan oʻsib chiqqan ingichka iplardan iborat.
5. Plastinkasimon (toʻqimasimon) struktura – hujayralari uzunasiga va koʻndalangiga boʻlinishi natijasida parenximatik plastinka shaklida boʻladi.
6. Sifonal struktura – ipsimon yoki boshqacha koʻrinishdagi koʻpyadroli, alohida hujayralarga boʻlinmagan tallom.
7. Sifonokladial struktura – ipsimon yoki boshqacha koʻrinishdagi koʻp yadroli va koʻp hujayrali suvoʻtlari.
8. Rizopodial (ameboid) struktura – hujayra qobigʻi faqat sitoplazmatik membranadan iborat boʻlgan va rizopodiyalar hosil qiladigan va oʻz shaklini oʻzgartirib turuvchi suvoʻtlari.
9. Pallmelloid (kapsal) struktura – harakatsiz shilimshiqqa oʻraglan suvoʻtlarini oʻz ichiga oladi.

Koʻpchilik monad strukturali suvoʻtlarining vegetativ hujayralari va bir qator boshqa strukturali suvoʻtlarining zoospora va gametalari tashqi hujayra qobigʻiga ega boʻlmasdan, yalangʻoch holda faqat sitoplazmatik membrana bilan oʻraglanligi barchamizga maʼlum. Suvoʻtlarining koʻpchiligida hujayraning sitoplazmatik membranasi ustida gemotselluloza va p-wktin moddalaridan iborat amorf matriks shaklidagi ikki fazali Sistema koʻrinishidagi hujayra qobigʻi joylashgan. Qobiq ichida biriktiruvchi tolalar ham mavjud. Ayrim suvoʻtlarning hujayra qobigʻi qavatlarida qoʻshimcha komponentlar shaklida kalsiy karbonat (xara padina), align kislota, fukoidin, fuksin, (qoʻngʻir suvoʻtlari), temir (qizil suvoʻtlari) kabi moddalar toʻplanishi mumkin. Ana shunday suvoʻtlarining ustki qismida epifitlar koʻp miqdorda joylashib oladi. Eukariot suvoʻtlarining hujayra sitoplazmasi oʻzining strukturasi boʻyicha yuksak oʻsimliklardan keskin farq qilmaydi. Ammo ayrim sitoplazmatik orgonoidlar oʻziga xos joylashgan boʻlib, ular joylashgan oʻrni va strukturasi biroz soddalidi jihatida farqlanib turadi.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Botanika o`simliklar anatomiyasi va morfologiyasi 2012 A.S. Dariyev.
2. Botanika: O` Prator, L. Shamsualiyeva, E. Sulaymonov, X. Axunov, K. Ibodov, V. Mahmudov.
3. Botanika: O`simliklar morfologiyasi va anatomiyasi M.I. Ikromov, A.S. Yuldashov.
4. Botanika: O`simliklar morfologiyasi va anatomiyasi G.S. Tursinbayeva, J.S. Sadinov.



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

А.З.Шодиев

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири сифатида кўриб чиқилмоқда. Мазкур соҳа нафақат мамлакатлар иқтисодиётининг ўсишини таъминлайди, балки аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий барқарорликка эришишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш хизмат кўрсатиш соҳасида катта имкониятларни яратиш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Оилавий тадбиркорлик меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бозорни турли хил маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Бу тизим, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида, меҳмонхона ва туризм, савдо, умумий овқатланиш, таълим, тиббиёт, транспорт ва маиший хизматлар каби йўналишларда кенг имкониятларни очиб беради.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик орқали хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга эга. Бу жамоада бирдамликни мустаҳкамлаш, оилаларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва ёш авлодга тадбиркорлик кўникмаларини уйғотиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратади.

Мазкур тадқиқот хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти, ривожланиш истиқболлари ва уни амалга оширишдаги қийинчиликларни ўрганишга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган самарали ечимларни ишлаб чиқишни мақсад қилади.

Тадқиқотларимиз давомида, мазкур масаланинг моҳиятини чуқурроқ ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида оила хўжалигининг ривожланиши, унинг аҳоли фаровонлигига таъсири, мазкур масаланинг қандай кўрсаткичлар билан ўлчаниши, бу борада қандай натижаларга эришаётганлигимиз, фаровонлик тушунчасининг ўзи нима, унинг таърифи қандай изоҳланади каби масалалар назарий жиҳатдан деярли тадқиқ қилинмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Оила фаровонлиги ва у билан боғлиқ бир қанча масалалар мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилмаганлигини инобатга олиб, бу борада тадқиқотлар ўтказиш бугунги кунда олимлар ва мутахассислар олдида турган муҳим вазифалар сирасига киришини таъкидламоқчимиз.

Одатда, фаровонлик деганда, аҳолининг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларнинг етарли даражада мавжудлиги, инсоний эҳтиёжларнинг қондирилиши ва шу билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган тадбирлар билан биргаликда мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳам таъминланган бўлишлигини тақозо қилади. Бундай шароитда аҳолининг, хусусан, оилаларнинг маҳсулотлар, хизматлар ва шароитлар билан етарли даражада таъминланиши каби масалаларнинг тўлиқ ҳал қилинганлиги ҳам оила хўжаликларида, уларнинг фаровонлигини белгилаб беради.

Юқорида келтирилган таъриф ва назарий асослардан келиб чиқиб, фаровонлик тушунчасига қуйидагича таъриф беришни тавсия қилмоқдамиз. Фаровонлик деганда, аҳолининг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, яъни инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг миқдори ва сифати ҳамда тегишли шароитлар етарли даражада таъминланиши билан бирга аҳоли яшаётган мамлакатда тинчлик ва хотиржамликнинг ҳукм суриши тушунилади. Ушбу таъриф биз томонимиздан ишлаб чиқилган илмий тавсияда ҳам ўз аксини топган¹ эди.

Фаровонлик асосан макроиктисодиёт даражасида аниқланади. Бу миллий иқтисодиётимизнинг қай даражада ривожланганлигини ўзида ифода этади. Фаровонлик моҳияти жиҳатидан иқтисодий фаровонликка ва ижтимоий фаровонликка бўлинади. Шу икки фаровонликнинг йиғиндиси умумий фаровонликни белгилайди. Бундай кўрсаткич ҳозирги пайтда инсон камолоти индекси билан ифодаланади (1-расм).



1-расм. Аҳоли фаровонлиги ва инсон камолоти индексининг ўзаро боғлиқлиги

Макроиктисодиёт даражасидаги фаровонлик тушунчасини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу тизимда мамлакатнинг тинчлиги ва аҳолининг хотиржамлиги ҳам таъминланган бўлишлигини тақозо қилади.

Шуни эътироф этиш жоизки, фаровонликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида умумлашган кўрсаткичларни ажратиб ифодалаш ҳам мумкин. Аҳоли фаровонлигини ифодалаш учун макроиктисодиёт даражадаги

¹Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик - ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ. 2018. - 23 бет.

умумлашган кўрсаткич сифатида аҳолининг турмуш даражасини олиш мумкин. Бу ҳақда М.М.Муҳаммедов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар² асарларида қайд этилган. Микро иқтисодиёт даражасида оила хўжалигида фаровонликни белгиловчи кўрсаткич сифатида ҳар бир оила аъзосининг турмуш даражаси олинади. Икки ҳолатда ҳам турмуш даражасини аниқлаш учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий кўрсаткичларни ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, оила хўжалиги фаровонлиги тўғрисида гап кетганда иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни бирга ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда оила хўжалиги фаровонлигининг умумий тушунчаси билан унинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Аҳолининг иқтисодий фаровонлигини ўлчаш борасида А.Ўлмасов ва А.Вахабовларнинг “Иқтисодиёт назарияси” номли дарслигида “ ... жон бошига истеъмол этиладиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва сифати бўлиб, уларнинг бозор қиймати билан ўлчанади”³, деган фикр берилган. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, оила хўжалигининг иқтисодий фаровонлигининг таърифини ҳам такомиллаштиришга муваффақ бўлдик. Оила хўжалигининг иқтисодий фаровонлиги деганда, оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ва истеъмол қилинадиган сифати тегишли стандартларга жавоб берадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва қиймати билан ўлчанадиган кўрсаткичнинг ҳолати тушунилади.

Аммо мазкур дарсликда ижтимоий фаровонликка таъриф берилмаган ва у умумий фаровонлик таркибига киритилмаган. Шу туфайли оила хўжаликларининг ижтимоий фаровонлигига таъриф беришни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунда уларнинг тинчлиги ва хотиржамлиги билан бирга бир қанча ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олиши мумкинлиги инобатга олинди. Булардан келиб чиқиб, ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. “Оила хўжалигининг ижтимоий фаровонлиги деганда, оила аҳолининг ҳаёт кечирishiда тегишли қулайликни таъминлайдиган, унинг хавфсизлиги, хотиржамлиги, соғлиги, саводхонлиги каби маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги тушунилади”. Мазкур таърифда, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг негизи, тараққиётнинг стратегик йўналишларида белгиланган устувор вазифалар қамраб олинган. Шу боис ушбу таърифни иқтисодий адабиётларда ҳозиргача мавжуд бўлган таърифларнинг энг такомиллашгани, десак хато бўлмайди.

² Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. / М.М.Муҳаммедов ва бошқалар. - Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2017. - 113-126 бетлар.

³ Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: “Шарк”, 2006 - 432 бет.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, оила хўжалиги фаровонлиги тушунчасининг умумий такомиллашган таърифини ҳам ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги фаровонлиги деганда, оилаларнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, яъни инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг миқдори ва сифати ҳамда тегишли шароитлар етарли даражада таъминланиши билан бирга ҳаёт кечиришининг нақадар қулайлигига эришган, унинг хавфсизлигини, хотиржамлигини, соғлигини, саводхонлиги каби маънавий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги ҳамда оилалар яшаётган мамлакатда тинчлик ва хотиржамликнинг ҳукм суриши тушунилади⁴. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, оилавий фаровонлик оддий аҳоли фаровонлигига нисбатан кенг маънога эга экан. Шу туфайли мазкур тушунча ўз ичига қуйидагиларни олади:

- биринчи галда, оилавий фаровонлик оилаларнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланган бўлиши лозим;

- ушбу неъматлар инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг миқдори ва сифати ҳамда тегишли шароитлар етарли даражада таъминланиши билан белгиланади;

- бунда оилалар барқарор ҳаёт кечиришининг нақадар қулайлигига эришган, унинг хавфсизлиги, хотиржамлиги, соғлиги, саводхонлиги каби маънавий эҳтиёжлар билан таъминланган бўлишлигини ҳам тақозо қилади;

пировардида, оилалар яшаётган мамлакатда тинчлик ва

хотиржамликнинг ҳам ҳукм суришини ўз ичига олади.

Кўриниб турибдики, оила фаровонлиги ўз ичига жуда кўп йўналишларни қамраб олади ва мос равишда уни таъминлаш ҳам жуда катта тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, оила фаровонлиги қуйидаги йўналишлар билан ўлчанишини инобатга олиш лозим. Биринчидан оила эҳтиёжига етарли даража товар ва хизматлар билан таъминланган бўлиши лозим. Иккинчидан, хотиржам яшаши учун тинчлик ва осойишталик тўлиқ таъминланганлигини ҳам талаб қилади. Учинчидан, инсоннинг маънавий ва интеллектуал комолоти учун зарур бўлган таълим тизими ва бошқа интеллектуал салоҳиятни оширадиган омиллар ҳам тўлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Тўртинчидан, инсонлар келгуси фаровонлиги учун бугун замин яратиши лозимлигидан келиб чиқиб, бугунги истеъмолдан орттириб маълум миқдорда захира қилиб боришлигини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина аҳолининг, оилаларнинг фаровонлиги тўлиқ таъминланади.

⁴Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик - ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ.- 24 бет.

Оила хўжалиги фаровонлиги тушунчасининг мазмуни мамлакатимизда ва хорижда нашр қилинган иқтисодийга оид адабиётларда деярли ўрганилмаган. Аммо, ушбу масалани назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, бизнинг фикримизча, ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммонинг муҳимлигидан келиб чиқиб, оила хўжалиги фаровонлигини баҳолаш тизимини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш натижасида бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларнинг айримлари қуйида келтирилган:

1. Мамлакатимизда расман нашр қилинаётган йиллик статистик тўпламларда оилавий тадбиркорлик тўғрисида маълумотларни алоҳида берилиб борилиши лозим. Чунки “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни мавжуд. Унинг ижроси соҳалар бўйича қандай бажарилаётганлигига аниқлик киритилиб борилади. Шунингдек, оилавий корхона ва оилавий тадбиркорликнинг ўзгариш тенденциясига ҳам баҳо бериб борилади.

2. Оилавий тадбиркорликни соҳалар ва тармоқлар бўйича ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бунда аҳолининг қанча қисми, қайси соҳаларда ўзини ўзи иш билан банд қилиш тамойили асосида фаолият кўрсатаётганлигига ҳам баҳо берилади.

3. Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш туризм соҳасида қулай. Улар хусусан, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларини, меҳмон уйларини ташкил қилишда иштирок этишлари мумкин.

4. Оилавий тадбиркорликни аҳолининг шахсий транспортини такси сифатида тегишли рўйхатдан ўтказган ҳолда, рангини ўзгартирмасдан фойдаланишга рухсат бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Шу йўл билан ҳам кўплаб аҳолини иш билан таъминлаш имконияти туғилади.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга оширилса, ўйлаймизки, бир вақтнинг ўзида туризм соҳаси ривожланади, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади, фаровонлигини оширади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.

2. Президентнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалиқдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар Тўғрисидаги ПҚ-330 сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори



BUXGALTERIYA HISOBOTLARIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING ROLI VA RIVOJI

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

1-bosqich talabasi

Xamdamova Ra'no Bahodir qizi

Ilmiy Rahbar:

Xursandov Komiljon Maxmatkulovich

iqtisodiyot fanlari nomzodi v. b. dotsent, PhD

Annotatsiya: Buxgalteriya hisobotlarida axborot texnologiyalarining roli beqiyos bo'lib, bu mavzu zamonaviy iqtisodiyot va boshqaruv tizimlarining ajralmas qismiga aylangan. Ushbu maqolada axborot texnologiyalarining buxgalteriya sohasidagi dolzarbligi va ularning iqtisodiy jarayonlarni avtomatlashtirishdagi ahamiyati o'rganildi. Maqolada axborotlashgan tizimlarning samaradorlikka ta'siri, ular yordamida inson xatolarining kamayishi va axborot xavfsizligini ta'minlash masalalari tahlil qilindi. Shuningdek, O'zbekistonda buxgalteriya sohasida axborot texnologiyalarini keng joriy qilish va rivojlantirish istiqbollari ko'rib chiqildi. Ushbu jarayonlarni tartibga soluvchi qonunchilik asoslari ham yoritildi.

Kalit so'zlar: Buxgalteriya, Axborot texnologiyalari, Hisobot tizimlari, Avtomatlashtirish, Axborot xavfsizligi, Elektron hujjatlar, Ma'lumotlarni qayta ishlash

Аннотация: Роль информационных технологий в бухгалтерской отчетности бесценна, и эта тема стала неотъемлемой частью современной экономики и систем управления. В данной статье изучена актуальность информационных технологий в области бухгалтерии и их значение в автоматизации экономических процессов. Анализируется влияние информационных систем на эффективность, снижение человеческих ошибок и обеспечение информационной безопасности. Кроме того, рассматриваются перспективы широкого внедрения и развития информационных технологий в бухгалтерии в Узбекистане. Освещены также законодательные основы, регулирующие эти процессы.



Ключевые слова: Бухгалтерия, Информационные технологии, Системы отчетности, Автоматизация, Информационная безопасность, Электронные документы, Обработка данных.

Abstract: The role of information technologies in accounting reporting is invaluable, and this topic has become an integral part of modern economics and management systems. This article examines the relevance of information technologies in the field of accounting and their significance in automating economic processes. The impact of information systems on efficiency, the reduction of human errors, and the assurance of information security is analyzed. Additionally, the prospects for the widespread implementation and development of information technologies in accounting in Uzbekistan are discussed. The legislative foundations governing these processes are also highlighted.

Keywords: Accounting, Information technologies, Reporting systems, Automation, Information security, Electronic documents, Data processing.

Kirish

Buxgalteriya hisobotlari har bir tashkilotning moliyaviy holatini ko'rsatuvchi, ularning faoliyatini tahlil qilishda muhim rol o'ynaydigan jarayondir. Ammo bugungi kunda buxgalteriya tizimlarining samarali ishlashi uchun zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish talab etiladi. Axborot texnologiyalari buxgalteriya hisoboti jarayonlarini avtomatlashtirish, ma'lumotlarni tez va aniq qayta ishlash, hamda xatoliklarni kamaytirish orqali iqtisodiy samaradorlikni oshiradi. Elektron tizimlar va maxsus dasturiy ta'minotlar yordamida, buxgalterlar ishlov berayotgan ma'lumotlar yanada ishonchli, xavfsiz va tezkor bo'ladi.

Shuningdek, bugungi kunda dunyoning barcha rivojlangan mamlakatlarida, shu jumladan, O'zbekistonda ham buxgalteriya hisobotlarini axborot texnologiyalari yordamida avtomatlashtirish jarayoni keng tarqalmoqda. Bu texnologiyalar nafaqat buxgalteriya jarayonlarining samaradorligini oshirish, balki moliyaviy axborotlarni to'g'ri va o'z vaqtida taqdim etish imkonini yaratadi. Shu bilan birga, axborot xavfsizligini ta'minlash, ma'lumotlarning o'zgarishini va to'g'riligini nazorat qilish muhim ahamiyat kasb etadi.



Ayrim hollarda, tizimlarni avtomatlashtirish, shuningdek, inson faktori bilan bog'liq bo'lgan xatoliklarni kamaytirishga yordam beradi. Shuning uchun buxgalteriya sohasida axborot texnologiyalarining joriy etilishi, nafaqat moliyaviy hisobotlarni tez va samarali tayyorlash imkoniyatini yaratadi, balki butun iqtisodiy tizimning shaffofligi va barqarorligini ta'minlashga xizmat qiladi. Maqolada, buxgalteriya hisobotlari tizimida axborot texnologiyalarining o'rni va rivojlanish istiqbollari yoritiladi, shu bilan birga, O'zbekistonda bu texnologiyalarni keng joriy qilishdagi muammolar va ularga yechimlar ko'rib chiqiladi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

O'zbekistonda axborot texnologiyalarini rivojlantirishga qaratilgan ko'plab yirik farmonlar va qarorlar qabul qilingan. Masalan, Prezidentning 2022-yilgi PQ-357-son qaroriga ko'ra, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirish uchun bir qator chora-tadbirlar belgilangan. Ularning orasida davlat boshqaruvi tizimini raqamlashtirish, "Digital office" tizimini yaratish va axborot tizimlarini integratsiya qilish kabi tashabbuslar mavjud.

Bundan tashqari, 2018-yilgi Prezident qarorida axborot texnologiyalarini rivojlantirish dasturlari va ustuvor loyihalar ro'yxati tasdiqlangan bo'lib, bunda telekommunikatsiya infratuzilmasini yaxshilash, "aqlli" va "xavfsiz" shaharlar yaratish, elektron davlat xizmatlarini kengaytirish kabi maqsadlar ko'zda tutilgan.

Bularning barchasi axborot texnologiyalarining buxgalteriya tizimida joriy etilishi va rivojlanishiga turtki berish maqsadida amalga oshirilmoqda. Bundan tashqari shuni takidlash lozimki, buxgalteriya tizimlarining raqamlashtirilishi global miqyosda o'sib borayotgan tendensiya bo'lib, buxgalteriya sohasida axborot texnologiyalarining qo'llanilishi samaradorlikni oshirish, xatoliklarni kamaytirish va moliyaviy jarayonlarni avtomatlashtirish imkonini beradi. Xususan, sun'iy intellekt, blokcheyn, va bulutli hisoblash texnologiyalari buxgalteriya tizimlarida keng qo'llanilmoqda, bu esa ma'lumotlar xavfsizligini va audit jarayonlarini yaxshilashga yordam beradi.

Dunyo bo'yicha olib borilgan ilmiy izlanishlar axborot texnologiyalarining buxgalteriyada qo'llanilishi haqida ko'plab yangi yo'nalishlarni ochmoqda. Misol uchun, Kumar va boshqa tadqiqotchilar 2018-yilda buxgalteriya tizimlarida axborot texnologiyalarini integratsiyasining samaradorligini o'rgangan. Ularning



tadqiqotlarida kichik va o'rta korxonalar uchun buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning foydalari ko'rsatilgan. Kaplan esa buxgalteriya tizimlarida raqamli texnologiyalarni joriy etish zarurligini ta'kidlagan, chunki bu soha odatda an'anaviy va konservativ yondashuvlarga ega bo'lgan. Buxgalteriya sohasidagi ilg'or texnologiyalar, masalan, blokcheyn, buxgalteriya va audit tizimlarini yanada shaffof va samarali qilishga yordam beradi.

O'zbekistonda ham buxgalteriya tizimlarining raqamlashtirilishi va axborot texnologiyalarining qo'llanilishi haqida ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasining axborot texnologiyalarini rivojlantirishga qaratilgan strategiyalari va farmonlari, masalan, "Axborot texnologiyalarini rivojlantirish strategiyasi" va "Elektron davlat xizmatlarini joriy etish" dasturlari, buxgalteriya tizimlarining zamonaviylashtirilishi va avtomatlashtirilishiga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, axborot texnologiyalarining buxgalteriya tizimlarida qo'llanilishi moliyaviy ma'lumotlarni to'plash, saqlash va tahlil qilish jarayonlarini samarali boshqarishga yordam beradi. Jahon va O'zbekiston olimlarining olib borgan tadqiqotlari buxgalteriya tizimlarining raqamlashtirilishi va axborot texnologiyalarining qo'llanilishi bu sohada aniqlik va samaradorlikni oshirishi mumkinligini ko'rsatadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqot ishlarini amalga oshirishda ilmiy tadqiqot metodologiyasida keng qo'llaniladigan usullardan foydalanildi. Buxgalteriya hisobotlarida axborot texnologiyalarining roli va rivojini o'rganishda umumiylikdan individuallikka va aksincha tartibda deduksion yoki induksion usullardan foydalanish samara bersa, abstrakt-mantiqiy fikrlash usuli esa jarayonini tizimli tahlil qilishda ahamiyatlidir. Ilmiy tahlil jarayonida ana shu ilmiy tadqiqot usullaridan, xususan, kuzatish, umumlashtirish, solishtirish, tahlil qilishda esa sintez va tahlil usullaridan keng foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Buxgalteriya tizimlarida axborot texnologiyalarining qo'llanilishi, so'ngi o'tgan yillarda, global va mahalliy miqyosda sezilarli darajada o'zgarishlarga olib keldi. Jahon bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra, 2010-yildan boshlab axborot

texnologiyalari buxgalteriya tizimlariga kiritildi. Ayniqsa, bulutli hisoblash va avtomatlashtirilgan hisobot tizimlari, shuningdek, blockchain texnologiyasi keng qo'llanila boshlandi. Masalan, 2017-yilda "Xerox" kompaniyasi buxgalteriya tizimlarini avtomatlashtirishda blockchain texnologiyasidan foydalanishni boshladi. Bu, ayniqsa, hisob-kitoblar va audit jarayonlarida ma'lumotlarning xavfsizligi va aniqroq natijalar olishga yordam berdi. 2018-yilda "PwC" va "Deloitte" kabi yirik audit kompaniyalari raqamli texnologiyalarni hisob-kitoblarni tezlashtirish va xatoliklarni kamaytirish uchun qo'llashni kengaytirdi.

Shuni ta'kidlash mumkinki, O'zbekistonda ham axborot texnologiyalarini buxgalteriyada qo'llashga katta e'tibor qaratildi. 2018-yil 1-yanvardan boshlab, O'zbekistonning "Raqamli iqtisodiyot" dasturi doirasida buxgalteriya tizimlarining raqamlashtirilishi va avtomatlashtirilishi boshlangan. 2020-yilda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan "Axborot texnologiyalarini rivojlantirish strategiyasi" qabul qilindi, bu davlat sektori va kichik bizneslarda raqamli hisobot tizimlarini joriy etishni nazarda tutgan. Dastlabki natijalar ko'rsatdiki, raqamli buxgalteriya tizimlariga o'tgan tashkilotlar samaradorlikni 30% gacha oshirgan.


Bundan tashqari, 2020-yilda O'zbekiston Respublikasining moliya va iqtisodiyot vazirliklari tomonidan moliyaviy hisobotlarni avtomatlashtirish uchun yangi platformalar joriy qilindi. Bu platformalar davlat byudjeti va xususiy sektorning moliyaviy ma'lumotlarini raqamli tarzda yig'ish va tahlil qilish imkonini berdi. 2021-yilda "Elektron hukumat" tizimi orqali, ayniqsa, kichik va o'rta biznes subyektlari uchun buxgalteriya va hisobot tizimlarini avtomatlashtirish bo'yicha yangi platformalar ishlab chiqildi. Natijada, 2022-yilga kelib, mamlakat bo'yicha 70% dan ortiq tadbirkorlar raqamli buxgalteriya xizmatlaridan foydalana boshladi.

Tahlil qilingan ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, axborot texnologiyalarining buxgalteriya tizimlarida qo'llanilishi nafaqat samaradorlikni oshirdi, balki audit va moliyaviy nazoratni ham sezilarli darajada kuchaytirdi. Masalan, O'zbekistonda 2019-2021 yillarda raqamli buxgalteriya tizimlarini joriy etish orqali davlat byudjetining shaffofligi 25% ga yaxshilandi. O'zbekistonning iqtisodiyotini raqamlashtirish bo'yicha erishilgan muvaffaqiyatlar boshqa rivojlanayotgan davlatlarga ham o'zining ilg'or tajribasini taqdim etdi.

Shu bilan birga, global miqyosda axborot texnologiyalarining buxgalteriya tizimlarida qo'llanilishi xatoliklarni kamaytirishda va moliyaviy jarayonlarni

tezlashtirishda muhim rol o'ynadi. Mavjud texnologiyalar yordamida buxgalteriya hisobotlarini yanada aniqroq va tezkor bajarish imkoniyati yaratildi. Buning natijasida, 2020-yilga kelib, dunyo bo'ylab ko'plab yirik kompaniyalar va tashkilotlar raqamli tizimlarga o'tishni boshladi, bu esa ularning moliyaviy samaradorligini sezilarli darajada oshirdi.

Shu o'rinda shuni aytib o'tish joizki, axborot texnologiyalarining buxgalteriya tizimlarida qo'llanilishi bu sohada yangiliklarni kiritishda, ma'lumotlarni tahlil qilishda va audit jarayonlarida aniq natijalarga erishishga yordam berdi. Bu tahlil va tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, kelajakda buxgalteriya tizimlarining yanada avtomatlashtirilishi va raqamlashtirilishi davom etadi, bu esa butun dunyo bo'ylab iqtisodiy samaradorlikni oshirishga xizmat qiladi.



1-diogramma. O'zbekiston Respublikasining bank tizimida raqamlashtirishning rivojlanish bosqichlari (foizlarda)

2015-2023 yillarda O'zbekiston Respublikasining bank tizimi raqamlashtirish jarayonida sezilarli o'zgarishlarni boshdan kechirdi. Ushbu davrda bosqichma-bosqich amalga oshirilgan islohotlar bank xizmatlarini zamonaviylashtirish, qulaylik darajasini oshirish va iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasiga erishishga qaratilgan edi. 2015-2017 yillar raqamlashtirish jarayonining boshlang'ich bosqichi bo'ldi. Banklar bu yillarda internet-banking, mobil ilovalar



va elektron to'lov tizimlarini joriy qilishga kirishdi. Ushbu davrda raqamli xizmatlarning asosiy infratuzilmasi shakllantirilgan, ammo xizmatlarning qamrovi cheklangan edi. 2015-yilda bank tizimining 20% i raqamli xizmatlardan foydalangan bo'lsa, 2017-yilda bu ko'rsatkich 25% ga yetdi. Bu davr asosan texnologiyalarning dastlabki tatbiqi va mijozlarni yangi xizmatlarga jalb qilish bilan kechdi.

2018-2020 yillar raqamlashtirishni kengaytirish bosqichi sifatida namoyon bo'ldi. Banklar mobil ilovalar va masofaviy xizmatlarni to'liq ishga tushirishga e'tibor qaratdi. Bundan tashqari, blockchain va big data texnologiyalarini tatbiq etish bo'yicha dastlabki tashabbuslar amalga oshirildi. Ushbu yillarda raqamli xizmatlar nafaqat bank mijozlari uchun, balki iqtisodiy hamkorlik va savdo munosabatlari uchun ham muhim omilga aylandi. 2020-yilda bank tizimining raqamlashtirish darajasi 40% ga yetdi, bu esa elektron xizmatlar ommaviylashayotganidan dalolat berdi.

2021-2023 yillar raqamlashtirish jarayonida yangi texnologiyalarning faol integratsiya qilinishi bilan ajralib turdi. 2021-yilda yirik davlat va xususiy banklar moliyaviy texnologiyalarni keng joriy qildi. Ayniqsa, elektron to'lov tizimlari va mobil banking xizmatlari ommalashdi. 2021-yil oxirida raqamlashtirish darajasi 70% ga yetdi. 2023-yilga kelib esa bank tizimining 85% raqamlashtirildi. Bu yillarda aholi va tadbirkorlik subyektlariga xizmat ko'rsatish sifatining sezilarli yaxshilanishi kuzatildi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, 2015-2023 yillar O'zbekiston Respublikasining bank tizimini raqamlashtirishda muhim bosqichlarni o'z ichiga oldi. Bu jarayon mamlakat iqtisodiyoti va moliya sektorining raqamli rivojlanishiga xizmat qildi va iqtisodiyotning zamonaviy talablariga moslashtirildi.

Xulosa va takliflar

Buxgalteriya hisobotlarining raqamlashtirilishi so'nggi yillarda O'zbekiston iqtisodiyotining jadal rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Axborot texnologiyalari, ayniqsa, bank tizimida joriy etilgan yangi raqamli xizmatlar va tizimlar, hisobotlarni avtomatlashtirish orqali iqtisodiy jarayonlarning samaradorligini oshirdi. 2015-2017 yillar davomida bank tizimi internet-banking va mobil ilovalar kabi dastlabki raqamli xizmatlarga o'tgan bo'lsa, 2018-2020 yillar davomida raqamli xizmatlar kengaytirildi. Bugungi kunda, 2023 yilga kelib, bank tizimining raqamlashtirish darajasi 80-85% gacha yetdi. Bu o'zgarishlar nafaqat

moliyaviy jarayonlarni tezlashtirishga, balki hisobotlarning aniqligi va xavfsizligini ta'minlashga ham xizmat qilmoqda. Buxgalteriya hisoboti jarayonida texnologiyalarni joriy etish xatoliklarni kamaytirish, resurslardan samarali foydalanish va vaqtni tejash imkonini beradi.

Axborot texnologiyalarini joriy qilishning iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'ldi. Avtomatlashtirilgan tizimlar orqali kichik biznes va tadbirkorlar uchun byurokratik to'siqlar kamaydi. Banklar va moliyaviy institutlar tomonidan ishlab chiqilgan yangi elektron xizmatlar tizimi, masalan, mobil banking va elektron to'lovlar tizimlari orqali foydalanuvchilar uchun qulaylik yaratildi. Natijada, nafaqat katta kompaniyalar, balki kichik va o'rta biznes vakillari ham tezkor va samarali xizmatlar olish imkoniyatiga ega bo'ldi. Shuningdek, texnologiyalarning kirishi orqali banklar o'z mijozlari bilan yanada yaqin aloqada bo'lib, ularga yanada individual xizmatlar ko'rsata boshladi. Raqamlashtirishning o'sishi banklar va moliya bozorida raqobatni kuchaytirdi, bu esa o'z navbatida xizmatlarning sifatini oshirdi va narxlarni pasaytirishga olib keldi.

Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalarini kengaytirish uchun hali ko'plab imkoniyatlar mavjud. Boshqa sohalarda bo'lgani kabi, bank tizimida ham texnologik innovatsiyalarni yanada joriy qilish zarur. Shu sababli, birinchi navbatda, kichik va o'rta biznes sub'ektlariga raqamli tizimlarni joriy etish uchun imtiyozlar va subsidiya dasturlarini ishlab chiqish lozim. Bu, o'z navbatida, kichik tadbirkorlikning raqamli infratuzilmani qabul qilishini tezlashtiradi. Ikkinchidan, bank tizimida kadrlar tayyorlash masalasiga alohida e'tibor qaratish zarur. Hisobotlarni yuritish va raqamli texnologiyalarni qo'llash bo'yicha yangi o'quv dasturlarini ishlab chiqish hamda amaliyotlar o'tkazish muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, xalqaro tajribalarni o'rganish va ularni O'zbekiston sharoitiga moslashtirish, ilg'or texnologiyalarni qo'llash masalasiga jiddiy yondashish zarur. Bu nafaqat bank tizimining samaradorligini oshiradi, balki barcha iqtisodiy jarayonlarga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Bundan tashqari, sun'iy intellekt va mashinani o'qitish kabi zamonaviy texnologiyalarni qo'llash orqali hisobotlarni tahlil qilish va prognozlashda yangiliklarni kiritish mumkin. Raqamlashtirish jarayonining davom ettirilishi va innovatsiyalarni joriy etish O'zbekiston bank tizimini yanada raqobatbardosh qiladi, moliya bozorini kengaytiradi va barcha iqtisodiy sektorlarga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.



Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoevning 2020 yil 25 yanvardagi 2020 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojatnomasi. <https://kun.uz/uz/99444746>
2. "Axborot tizimlari va texnologiyalarini joriy etish bo'yicha davlat dasturi" <https://lex.uz/uz/docs/-6166539?ONDATE2=18.10.2022&action=compare>
3. <https://kun.uz/uz/72822830>
4. Ziyov, M. (2020). "Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalarining bank tizimiga ta'siri", O'zbekiston moliya ilmiy izlanishlari jurnali.
5. Islomov, A., va Kadirova, D. (2022). "Buxgalteriya hisobini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligi: O'zbekiston tajribasi". O'zbekiston xalqaro iqtisodiyot ilmiy jurnali.
6. <https://www.mdpi.com/2674-1032/2/2/15>
7. <https://research.thea.ie/bitstream/handle/20.500.12065/1114/An%20investigation%20on%20the%20impact%20of%20Information%20Technology%20in%20accounting%20firms.pdf?sequence=1>
8. <https://www.mdpi.com/2674-1032/2/2/15>
9. O'zbekiston Milliy Banki (2022). "Bank tizimining raqamlashtirilishi va innovatsion texnologiyalarning joriy etilishi". Milliy bank hisobotlari.
10. www.uzbekbank.uz - O'zbekiston banklarining elektron xizmatlari va raqamlashtirish jarayonlari haqidagi ma'lumotlar.
11. www.uzdigital.gov.uz - O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalarining rivojlanishiga oid rasmiy veb-sayt.
12. Karimova, S. (2021). "Raqamli texnologiyalar va moliyaviy sektorda ularning roli". Tashkent State University of Economics Conference Proceeding.




Ammonium peroxogermanate and ammonium peroxotellurates structure

Sodikova Manzura Shukhratovna Urganch state university graduate student
Ataullayev Zokir Makhsudovich, Urganch state university chemistry department
associate professor, p.f.f.d, (PhD) zokirjon16081987@gmail.com

Ammonium peroxogermanate $[(\text{NH}_4)_6[\text{Ge}_6(\mu\text{-OO})_6(\mu\text{-O})_6(\text{OH})_6]\cdot 6\text{H}_2\text{O}]$ and ammonium peroxotellurate are modern as rare chemical compounds chemistry and materials in engineering wide is used. Due to their complex structures, high stability and versatility, these compounds are important in catalysis, semiconductors and other technological fields. This document describes the structure, synthesis methods, and characteristics of these compounds and application possibilities wide will be lit.

Ammonium peroxogermanate and There are a number of chemical methods for the synthesis of ammonium peroxotellurate. These processes are usually peroxide and ammonia compounds mutually to the reaction introduction demand does [1].

For example, in the synthesis of ammonium peroxogermanate, the reaction of germanium(IV) oxide and hydrogen peroxide in ammonium hydroxide medium is used. This process is represented by the following reactions:



Ammonium peroxogermanate and to determine the physicochemical properties of ammonium peroxotellurate one row analytical methods is used [2]. These include:

- X-ray structural analysis (XRD);
- Infrared spectroscopy (IR);
- Thermogravimetric analysis (TGA);

This compounds different used in different fields. Below are the main areas of application:

- Semiconductors : Germanium compounds used in the production of high-quality semiconductor materials.
- Catalysis : Ammonium peroxogermanate and ammonium peroxotellurate oxidant catalyst as is used.

Ammonium 3D view of peroxogermanate $[(\text{NH}_4)_6[\text{Ge}_6(\mu\text{-OO})_6(\mu\text{-O})_6(\text{OH})_6]\cdot 6\text{H}_2\text{O}]$ molecule in the model of substance geometry, $\mu\text{-OO}$ and $\mu\text{-O}$ bridges, as well as surrounding ammonium ions reflection achieved (Fig. 1).




Figure 1. Ammonium 3D view of the peroxogermanate $[(\text{NH}_4)_6[\text{Ge}_6(\mu\text{-OO})_6(\mu\text{-O})_6(\text{OH})_6] \cdot 6\text{H}_2\text{O}]$ molecule

Ammonium peroxogermanate and Ammonium peroxotellurate is a very important material for modern science and industry. Due to their high stability and environmental safety, these compounds are new technologies in development main role-plays.

Used literature list

1. Sladkevich S., Gun J., Prikhodchenko PV, Gutkin V., Mikhaylov AA, et. al. Peroxide induced tin oxide coating of graphene oxide at room temperature and its application for lithium ion batteries // *Nanotechnology*. 2012. V. 23. P. 485601-485609.
2. Sladkevich S., Gun J., Prikhodchenko PV, Gutkin V., Mikhaylov AA, et. al. The formation of a peroxoantimonate thin film coating on graphene oxide (GO) and the influence of the GO on its transformation to antimony oxides and elemental antimony // *Carbon*. 2012. V. 50. P. 5463-5471.



Yangi O‘zbekistonning xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar bilan hamkorligi
Сотрудничество нового Узбекистана с международными и
региональными организациями
Cooperation of the new Uzbekistan with international and regional
organizations

Madraximova Gulshanoy Sotiboldieva

O‘R Qurolli Kuchlari Akademiyasi

Milliy iftixor va harbiy vatanparvarlik

kafedrasi professori

Annotatsiya

Mazkur maqola bugungi kunda Yangi O‘zbekistonning xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar doirasida ko‘p tomonlama diplomatiyasini mustahkamlashi, bunday holatda jahon miqyosida yuz berayotgan globallashuv jarayonlari bilan bog‘liq holda, o‘z nufuzini oshirib borayotganligi yoritilgan va mamlakatimizning xalqaro maydondagi nufuzini asrab qolish masalalarining dolzarbligi muhokama qilingan.

Kalit so‘zlar: Yangi O‘zbekiston, rezolyutsiya, sammit, barqarorlik, xavfsizlik, hamdo‘stlik, islohot, davlat, jamiyat, jahon hamjamiyati, xalqaro tashkilotlar, siyosiy faollik.

Аннотация

В данной статье освещается укрепление многосторонней дипломатии Узбекистана в рамках международных и региональных организаций, повышение его авторитета в связи с глобализационными процессами, происходящими в данном случае в мировом масштабе, и обсуждается актуальность вопросов сохранения авторитета нашей страны на международной арене.

Ключевые слова: новый Узбекистан, резолюция, саммит, стабильность, безопасность, Содружество, реформы, государство, общество, мировое сообщество, международные организации, политическая активность.

Annotation

This article today highlights the strengthening of multilateral diplomacy of the New Uzbekistan within the framework of international and regional organizations, increasing its prestige in connection with the globalization processes taking place on a global scale in this case, and discusses the relevance of the issues of preserving the prestige of our country in the international arena.

Keywords: New Uzbekistan, resolution, summit, stability, security, Commonwealth, reform, state, Society, world community, international organizations, political activism.

Kirish

Bugungi kunga kelib jahon hamjamiyatining teng huquqli a'zosi sifatida tobora barqaror rivojlanayotgan Yangi O'zbekistonning xalqaro imidji tobora yuksalib borayotganligi barchamizga ma'lum. Jahon miqyosida 200 dan ortiq mamlakatning so'nggi yillardagi rivojlanish sur'ati bilan taqqoslaydigan bo'lsak, O'zbekiston nafaqat iqtisodiy, balki siyosiy barqarorlik va rivojlanish dinamikasi jihatdan ham katta marralarga erishmoqda. Inson huquqlaridan tortib, so'z erkinligi, vijdon erkinligi, siyosiy faollik, siyosiy madaniyatning yuksalishi kabi ko'rsatkichlar borasida ham O'zbekiston ilgarilab bormoqda.

Aytish mumkinki, O'zbekistonning nufuzli xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar – Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT), Yevropada xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti (YeXHT), Mustaqil davlatlar hamdo'stligi (MDH), Shanxay hamkorlik tashkiloti (SHHT), Islom hamkorlik tashkiloti, Turkiy davlatlar tashkiloti va Iqtisodiy hamkorlik tashkiloti (IHT) kabilar bilan ko'p tomonlama diplomatiyasi hamda xalqaro xavfsizlik va mintaqaviy rivojlanishning dolzarb muammolarini hal etish borasidagi tashabbuslari jahon hamjamiyati tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda¹.

Jumladan, Prezident Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida ilgari surgan tashabbuslari natijasida Markaziy Osiyo davlat rahbarlarining Maslahat uchrashuvi yo'lga qo'yildi. Shuningdek, 2018-yilda BMT Bosh Assambleyasining "Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va izchil taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash" rezolyutsiyasi va "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasi qabul qilindi, hamda BMT shafeligida Orolbo'yi mintaqasida inson xavfsizligini ta'minlash bo'yicha ko'p tomonlama Trast fondi faoliyati joriy qilindi. Bundan tashqari, O'zbekiston tomonidan Orolbo'yi mintaqasini ekologik innovatsiya va texnologiyalar hududi, deb e'lon qilish bo'yicha bildirgan taklifi asosida 2021-yilning 18-may kuni BMT Bosh Assambleyasining maxsus rezolyutsiyasi qabul qilinishi xalqaro darajada ilgari surilayotgan tashabbuslarning amaliy natijasi bo'ldi.

¹<http://nhrc.uz/oz/news/ozaro-ishonch-va-manfaatli-aloqalarni-rivojlantirishga-qaratilgan-takliflar-ilgari-surildi>.



Shuningdek, mamlakat tarixida birinchi marta O‘zbekiston 2020 yilda MDH raisligini qabul qildi. Ko‘p tomonlama hamkorlikni izchil kengaytirish va samaradorligini oshirish raislikning asosiy ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilanib, qisqa muddatda O‘zbekistonning mazkur xalqaro tashkilotga raisligining konsepsiyasi va uni amalga oshirish bo‘yicha harakatlar rejasi ishlab chiqildi².

Shuni ta’kidlash joizki, SHHT O‘zbekistonning har tomonlama diplomatiyasi tizimida alohida o‘rin tutadi. Mamlakatimiz mazkur tashkilotning oltita ta’rischi davlatlaridan biri sifatida uning asosiy tamoyillari va ta’ris hujjatlarini ishlab chiqish, institutsional asoslarini yaratish va rivojlantirishda faol ishtirok etdi. Shuningdek, Yangi O‘zbekiston tashqi siyosatining ustuvor yo‘nalishlari tizimida SHHT ochiq, pragmatik va keng ko‘lamli manfaatli hamkorlik yo‘lini amalga oshirish nuqtai nazaridan ko‘p tomonlama platforma sifatida har qachongidan ham muhim ahamiyatga ega.

Bu jarayonda O‘zbekistonning Shanxay hamkorlik tashkiloti faoliyatidagi ishtiroki alohida ahamiyat kasb etadi. 2024- yilning 4 iyul kuni Qozog‘istonning Ostona shahrida bo‘lib o‘tgan Shanxay hamkorlik tashkiloti Davlat rahbarlari kengashining navbatdagi majlisi va “SHHT plyus” formatidagi uchrashuv doirasida ham tashkilotning o‘tgan vaqt davomidagi faoliyati tahlil qilindi, tashkilotga a’zo mamlakatlar taraqqiyotini yuksaltirishga qaratilgan bir qator tashabbuslar ilgari surildi.

Xususan, davlatimiz rahbari o‘z nutqida ushbu sammit xalqaro vaziyat keskinlashayotgan bir sharoitda tashkil etilganligini ta’kidlab, hozirda dunyo sahnasida yangi vayronkor mojarolar paydo bo‘layotgani, global va mintaqaviy xavfsizlikka xavf va tahdidlar kuchayib borayotganiga to‘xtalib o‘tdi. Oqibatda xalqaro huquq me‘yorlari va tamoyillari tez-tez buzilayotgani, tobora kuchayib borayotgan inqiroz va muammolarni hal qilish bo‘yicha jahon hamjamiyatida mavjud vositalar afsuski, o‘zining samaradorligini yo‘qotib borayotganiga e’tiborini qaratdi³.

Davlatimiz tomonidan 2017-2021 yillar davomida xalqaro moliya institutlari va savdo tashkilotlari – Jahon banki, Xalqaro valyuta fondi, Osiyo taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki, Jahon savdo tashkiloti va boshqalar bilan hamkorlikni kengaytirishga alohida ahamiyat qaratib kelinmoqda. Shu o‘rinda, Yevropa tiklanish

² <https://president.uz>.

³ <http://nhrc.uz/oz/news/ozaro-ishonch-va-manfaatli-aloqalarni-rivojlantirishga-qaratilgan-takliflar-ilgari-surildi>.

va taraqqiyot banki bilan hamkorlikning tiklanganligi muhim voqea bo'lib, buning natijasida mamlakatda qator ijtimoiy loyihalarni ham moliyalashtirish imkoniyati ta'minlandi.

Islom taraqqiyot banki (ITB) Boshqaruvchilari kengashi yillik anjumanining 2021 yilda Toshkent shahrida tashkil etilganligi muhim ahamiyatga ega. Mazkur xalqaro anjumanga tashrif buyurgan ITB rahbari O'zbekiston Prezidenti bilan uchrashib, muzokaralarda ko'p qirrali sheriklikni kengaytirish istiqbollari, xususan, 2022-2025 yillarga mo'ljallangan yangi hamkorlik dasturini qabul qilish hamda Toshkentda Bankning to'laqonli vakolatxonasini ishga tushirish kabi masalalar muhokama qilingan edi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha "Harakatlar strategiyasi" doirasida mamlakatimizda izchil amalga oshirilgan islohotlar o'z samarasini ko'rsatib, xususan, tashqi siyosat yo'nalishida erishilgan natijalar "2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi"ga mustahkam poydevor bo'ldi. Qolaversa, amalga oshirilayotgan ichki va tashqi siyosatdagi ijobiy o'zgarishlar mustaqil O'zbekistonning xalqaro maydondagi nufuzi ortishiga xizmat qilmoqda.

Taraqqiyot strategiyasining "ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish"ga oid bir qator strategik maqsadlar va vazifalari O'zbekistonning xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar doirasidagi ko'p tomonlama diplomatiyasini yanada faollashtirishga qaratilgan.

Shu bilan birga, davlatimiz rahbari tomonidan SHHT makonida zamonaviy va ishonchli energetika infratuzilmalarini kengaytirish, raqamli iqtisodiyotga o'tish, "sun'iy intellekt"ni, ilg'or IT qarorlarni joriy etish, ijtimoiy rivojlanish va himoya sohasida SHHT mamlakatlari hamkorligi bo'yicha "yo'l xaritasi"ni qabul qilish kabi tashabbuslar hamda ularni amalga oshirish mexanizmlari taklif etilgan.

Prezidentimiz Turkiy davlatlar tashkilotining sammitida, - "Mamlakatlarimiz bugungi kunda dunyoning asosiy bozorlariga chiqish hamda Buyuk ipak yo'lini yangi tarixiy sharoitda qayta tiklash uchun qattiq bel bog'lagan. Albatta, so'nggi yillarda Tashkilot doirasida bu sohadagi hamkorlikning huquqiy asoslari mustahkamlanmoqda, raqamli tizimlar ishga tushirilmoqda. Natijada Transkaspiy xalqaro transport yo'lagi orqali yuk tashish hajmi muttasil o'sib bormoqda. Biznes uchun eng ma'qul tariflarni joriy etish ushbu yo'lakning raqobatdoshligi va jozibadorligini keskin oshirishi shubhasiz⁴", - deya ta'kidladi.

⁴ <https://www.gazeta.uz/oz/2024/>.

Mustaqil O‘zbekistonning BMT, MDH, SHHT, JST, Turkiy davlatlar tashkiloti, Islom hamkorlik tashkiloti hamda boshqa mintaqaviy va xalqaro siyosiy, savdo-iqtisodiy hamkorlik tuzilmalari doirasida ishtiroki va ko‘p tomonlama diplomatiyasi nafaqat Markaziy Osiyo, balki dunyoning boshqa mintaqalari, xususan, Yevropa, Amerika, Kavkaz, Janubiy-Sharqiy Osiyo, Arab davlatlari, Hind va Tinch okeani mintaqalaridagi davlatlar bilan savdo-iqtisodiy va investitsiyaviy aloqalarning rivojlanishi va kengayishiga xizmat qiladi⁵.

Mazkur mintaqalar transport-logistika yo‘nalishlarini o‘zaro bog‘lash uchun yangi istiqbollar yaratilmoqda, hududlararo savdoni rivojlantirish bilan birga yangi bozorlarga chiqish, transport yo‘laklarini diversifikatsiya qilish imkoni yaratilmoqda. Natijada nafaqat O‘zbekiston, balki mintaqamiz – Markaziy Osiyo ham ulkan imkoniyatlar va hamkorlik makoni bo‘lib, Sharq va G‘arb, Shimol va Janubni bog‘lovchi mintaqalararo bog‘liqlikning ajralmas va muhim qismiga aylanmoqda. Shularni inobatga olgan holda, xalqaro maydonda kechayotgan murakkab geosiyosiy jarayonlar sharoitida mintaqada tinchlik, barqarorlik va xavfsizlik muhitini ta‘minlash, ahil qo‘shnichilik va o‘zaro manfaatli aloqalarni yanada mustahkamlash, yaqin hamkor xorijiy davlatlar hamda mintaqaviy va xalqaro tashkilotlar doirasida milliy manfaatlarni har tomonlama diplomatiyaning samarali vositalari orqali faol ilgari surish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonning xalqaro maydonda obro‘-e‘tibori oshib bormoqda. Bu, bir tomondan, O‘zbekistonning jahon sivilizatsiyasi beshiklaridan biri ekanligi, ikkinchi tomondan, ajdodlar an‘analariga sodiqlik, ya‘ni xalqlar, davlatlar, millatlar, dinlar o‘rtasidagi tinchlik va barqarorlikni ta‘minlashdagi faolligi bilan belgilanadi. Bularning barchasi istiqloq sharofati bilan xalqimiz turmush tarzining farovonlashib borayotganligidandir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://president.uz>.
2. <http://nhrc.uz/oz/news/ozaro-ishonch-va-manfaatli-aloqalarni-rivojlantirishga-qaratilgan-takliflar-ilgari-surildi>.
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2024/>.
4. O‘zbekiston Respublikasining Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligidagi ishtiroki. [Elektron manba]. — URL: <https://mfa.uz/uz/cooperation/international/204/>.

⁵ O‘zbekiston Respublikasining Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligidagi ishtiroki. [Elektron manba]. — URL: <https://mfa.uz/uz/cooperation/international/204/>



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абдунабиева Зилола Махмудовна

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб, давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда марказий ўрин тутди. Солиққа тортиш механизми орқали давлат аҳолининг даромадларидан белгиланган тартибда қисм ажратиш орқали бюджет даромадларини шакллантиради ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиради.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг моҳияти умумий солиқларнинг моҳиятидан келиб чиқади ва улар солиқ тизимининг асосий қисмини ташкил этади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар солиқ-бюджет сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида, улар даромадларининг муайян қисмини давлатнинг марказлашган фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳамда жисмоний шахсларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳам жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни ундириш механизмларини такомиллаштириш масаласи муҳим устувор масала сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ги ПФ-158-сон Фармонида Солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий сектор - нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни таъминлаш белгиланган.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг назарий-ҳуқуқий асослари қонунчилик, иқтисодий талаблар ва ижтимоий адолат принципларига асосланади. Бу тизимда солиқ юкини адолатли тақсимлаш, шахсий манфаатлар билан давлат эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу йўналишни чуқур ўрганиш нафақат давлат бюджети учун барқарор молия манбаларини таъминлаш, балки солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилашда ҳам катта аҳамият касб этади. Солиқ тизимининг классик тамойиллари деярли барча мамлакатлар солиқ тизимига асос бўлиб келмоқда. Булар адолатлилик, аниқлилик, қулайлилик ва тежамкорлилик

тамойилларидир.

Биринчи тамойил адолатлилик тамойили бўлиб, унга мувофиқ барча жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳамма учун тенг солиққа тортилиши ва тенг тақсимланиши лозим. А.Смит адолатлиликни фуқаролар даромадларини барча учун умумийлик ва мутаносиблик асосида солиққа тортиш сифатида тушунса ҳам, бадавлат одамлар прогрессив усулда солиққа тортилиши лозим деб қараган. Буни унинг қуйидаги фикрлари яққол тасдиқлайди: “Бойлар давлат харажатларини нафақат даромадларига нисбатан қоплашга ҳисса кўшишлари, балки бундан-да кўпроқ ҳисса кўшишлари мақсадга мувофиқдир”¹ Шунингдек, фуқаролар алоҳида олинган солиқ тури бўйича бир хил солиққа тортилмаслиги, аксинча фуқаролар турли манбалардан даромад олишлари ва шунга мос равишда алоҳида-алоҳида солиқ тўлашлари кераклиги таъкидланади.

Иккинчи тамойил аниқлилик тамойили бўлиб, унга асосан ҳисобланган солиқ суммаси, солиқни ундирилиш тартиби ва солиқни бюджетга тўлаш муддати солиқ тўловчиларга олдиндан маълум бўлиши керак. А.Смит ўз асарида бу тамойилга алоҳида тўхталиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Ҳар бир шахс солиқ тўлаши зарурлигининг аниқлиги солиққа тортишда шунчалик аҳамиятга эгаки, барча халқлар тажрибасидан маълум бўлганидек, солиққа тортишнинг тенгсизлиги кичкина ноаниқликка нисбатан камроқ зарар келтиради”. Бундан ташқари, у аниқлилик бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талабини қуйидагича изоҳлайди: “Қаерда бўлмасин, солиққа тортиладиган ҳар бир шахс солиқ йиғувчининг таъсирига тушади, натижада у ўзи ёқтирмаган солиқ тўловчиси учун солиқ оғирлигини кучайтириши мумкин ёки дўқ-пўписа билан ўзи учун манфаат излайди”².

Шуни таъкидлаш керакки, классик иқтисодчи-олимлар солиққа тортишда юридик шахсларга нисбатан кўпроқ жисмоний шахсларни назарда тутган ҳолда, уларнинг мулклари ва даромадларининг барча шаклларини солиққа тортиш тўғрисидаги ғояларни илгари сурганлар.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни назарий жиҳатдан асослашда “жисмоний шахс” ва “жисмоний шахслар даромадлари” тушунчаларига тўхталиб ўтиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, жисмоний шахс тушунчаси юридик аҳамиятга эга бўлган тушунча бўлиб, тарихий ривожланиш даврида турли атамалар билан ифодаланган (“раият”, “фуқаро”, “аҳоли” ва шу кабилар). Шунингдек, замонавий иқтисодий адабиётларда ва ҳатто солиқ амалиётида ҳам турли атамалар билан ифодалаб келинмоқда.

Маълумки, солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Солиқ

¹Соколов А. Теория налогов. -М.: ООО “ЮрИнфоР-Пресс”, 2014. -133 с.

²Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / Антология экономической классики. Предисл. И.А. Столярова. - М.: МП “ЭКОНОВ”, “КЛЮЧ”, 1993. -588 с.

кодексининг 13-моддасига мувофиқ, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир³.

Солиқ тўловчиларнинг “жисмоний шахс” ва “юридик шахс” атамалари билан номланиши юридик аҳамиятга эга бўлиб, солиқ муносабатларида улар зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини юклашга хизмат қилади. Кўпчилик адабиётларда қўлланиб келинаётган “аҳоли” тушунчаси умумий тушунча бўлиб, жисмоний шахсларга доир маълумотларни умумлаштиришда фойдаланилади, у субъектларга солиқ тўлаш мажбуриятини юклашда ишлатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 16-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади⁴.

Демак, солиққа тортиш мақсадида яшаш жойидан қатъи назар, барча фуқаролар - жисмоний шахслар деб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, солиқларга доир адабиётлар, илмий ишлар ва амалиётда “жисмоний шахс” тушунчасидан кенгроқ фойдаланишга эришмоқ керак. Бизнингча, аҳолининг солиқ маданиятини оширишда бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар киритилмаган. Чунки, солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар. Шу боис, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблашда тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад кўзда тутилмаган. Бу ҳолат, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда алоҳида солиққа тортиш тартибининг қўлланилиши билан ифодаланади. Лекин, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби борасида гап борганда, албатта тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад ҳисобга олиниши керак.

Н.Ҳайдаров жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёزلарни икки турга ажратади, яъни тўлиқ озод қилиш ва қисман озод қилиш. Унинг фикрича, жисмоний шахсларнинг айрим даромадларини солиққа тортилиши мамлакатнинг макроиктисодий кўрсаткичларига таъсир этишини таъкидлайди. Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларига қўйилган депозитларидан, давлат заёмларидан олган даромадлари даромад солиғига тортилса, аҳоли ортиқча пул маблағларини тижорат банкларига депозит шаклда қўймасликка олиб келишини таъкидлайди.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи юқорида зикр қилиб ўтганимиздек, шундай бир ижтимоий-иктисодий хусусиятга эгаки, бошқа

³ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Т.: “Адолат”, 2019 й.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Т.: “Адолат”, 2019 й.



солиқларда бу ҳолатни сезиш мушкулроқ. Чунки ушбу солиқ ҳар бир солиқ тўловчининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан мамлакатимизда аҳолидан олинадиган даромад солиғининг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Биз қуйида уларга тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда аҳолининг реал пул даромадларини кўпайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, солиқ тизими орқали уй хўжаликларининг истеъмол талабини рағбатлантириш, солиқ ставкаларини такомиллаштириш орқали аҳоли реал даромадларини ошириш муаммоларини ўрганишга устувор аҳамият билан қаралмоқда. (1-жадвал)

1-жадавал

**Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жисмоний
шахслар даромадларини солиққа тортишнинг илмий
тадқиқинамуналари**

Муаллифлар	Илмий тадқиқ олиб борилган манбалар	Илмий тадқиқ предметининг умумий шархи
Ваҳобов А.	Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. - Т.: “Шарқ”, 2003. - 285 б.	Аҳоли пул даромадларини оширишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини истеъмол ва жамғариш кўрсаткичига таъсири, солиқ тизими орқали уй хўжаликларининг истеъмол талабини ўрганиш масалалари концептуал жиҳатлари алоҳида махсус ўрганилмаган
Хасанов Р.	Бозор даромадлари: моҳияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. - Т.: Академия, 2004 - 187 б.	Аҳоли пул даромадларини оширишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган
Ўлмасов А.	Оила иқтисоди. - Т.: “Меҳнат”, 1998. - 48 б.	Жамиятнинг мустақил бўғини оила даромадлари ва уни оширишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган
Яхёев Қ.	Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан ва технологиялар, 2003. - 247	Солиққа тортиш тизимининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган
Маликов Т.	Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.;	Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиёти тадқиқига бағишланган
Жўраев А.	Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. - Т.: Фан, 2004.	Давлат бюджети даромадларини шакллантириш борасидаги муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган
Тошмурадова Б.	Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. - Т.: Янги аср авлоди, 2002. - 128 б.	Мамлакатимизда солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқига бағишланган



Юлдашев И.	Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация	Жисмоний шахслар даромадларини легаллаштириш ва уларни солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили тадқиқига бағишланган.
Муталова Д.	Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини такомиллаштириш / иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: БМА, 2010. - 21 б	Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллаш, тизимдаги солиқлар (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ)нинг хусусиятлари ва тизимнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга оид илмий таклифлар ишлаб чиқилган.
Гадоев Э., Кўзиёева Н.	Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. - Т.: Ўзбекистон, 2013. - 281 б	Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ўрганилган, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар

Аммо ушбу илмий ишларда иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитидаги янги солиқ сиёсати доирасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиёти тизимли тарзда ўрганилмаган.

Умуман, ҳозирги шароитда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалаларининг комплекс таҳлил этилмаганлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг олиб борилишини тақозо этмоқда.

Шу боисдан, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз солиқ тизими тараққиётида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти тадқиқига янгича ёндашув зарур.

Давлат солиқ сиёсати кўпроқ давлатнинг ижтимоий функциялари бажарилишини таъминлашга ҳамда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга эмас, балки кўпроқ жорий фискал эҳтиёжларни қондиришгагина қаратилмоқда.

Шундай қилиб, жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тизимли ёндашув асосида таъкидлаш мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - қонун асосида ўрнатилган миқдорда ва муддатда давлат бюджетига жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларидан ундириладиган мажбурий тўловдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ги ПФ-158-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил январь.

3. Сборник №1 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2017.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эргашев Ихтиёр Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Бугунги кунда жаҳон молиявий бозорида рақамли технологиялар тижорат банклари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши банк хизматларининг сифати, тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, рақамли технологияларни жорий этиш жараёни тижорат банклари учун янги имкониятлар билан бир қаторда бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Замонавий банк хизматлари рақамли платформалар, мобил иловалар, сунъий интеллект, блокчейн, булутли ҳисоблаш ва маълумотларни таҳлил қилиш технологияларига асосланиб, миқдорларга қулайлик яратишни мақсад қилган. Аммо ушбу технологияларни қўллашдаги тизимли муаммолар ва барқарор ривожланишга боғлиқ хавф-хатарлар бу соҳанинг истиқболларини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида банкларда аборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш ҳам функционал, ҳам техник-технологик кенг тарқалган тизимлари билан ажралиб туради. Шунга қарамай ҳар қандай банк ахборот тизимида куйилдиган умумий талаблар мавжуд. Уларга куйидагилар киради:

- кўп сонли истеъмолчиларнинг глобал тармоққа уланиш имконияти;
- банкларнинг барча операцияларини масофадан амалга ошириш;
- исталган фойдаланувчининг исталган географик ҳудуддан тизимга киришининг мослашувчан хусусияти;
- турли форматдаги электрон платформаларини ўзаро интеграциялаш ва қўллаб-қувватлаш тизими;
- банк фаолиятига оид ҳисобот шакллари автоматик равишда тақдим этиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш имкониятлари ва бошқалар. Албатта, бугунги кунда ИТ-маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг аксарияти томонидан банк муассасалари учун мазкур талаблар қондириб келинмоқда.



Рақамли технологияларининг энг муҳим вазифаси бизнеснинг стратегик ва жорий мақсадларига эришишдир. АТ соҳасидаги ҳар қандай фаолият якуний натижага эришишга қаратилган бўлса ва банкнинг ривожланиш стратегияси билан боғлиқ бўлсагина мантиқий бўлади. Агар кредит муассасасини бошқариш тўғри ташкил етилган бўлса, ИТ менежери мақсадларни белгилаш ва уларга еришиш стратегиясини ишлаб чиқишда бевосита иштирок етиши керак. ИТ соҳасида еришиш воситалари ресурслар, уларнинг мувозанати ҳисобланади. Асосий ИТ ресурслари технология, ахборот, ходимлар, дастурий таъминот ва аппарат воситаларидир.

Умумий манба - бу пул, вақт. Рақамли технологиялар ресурсларини қўллаб-қувватлаш соҳасида учинчи томон ресурсларидан фойдаланиш, яъни. аўторсинг, баъзи вазифалар учун кўпроқ афзалроқ ва тобора кенгайиб бормоқда.

Бундай усуллар рақамли технологияларини бошқариш тузилмасининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаш, функциялар таркиби, технологиялари, уларни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил етишни ўз ичига олади.

“Таниқли методологияларнинг афзалликлари халқаро ҳуқуқий ва техник стандартларга мос келадиган тасдиқланган ёндашувлар ва ечимларни таклиф қилиш, мақсад ва натижаларга эришишни ўз ичига олади”.

BS7799- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

CobIT - рақамли технологияларининг барча жиҳатларини бошқариш, назорат қилиш ва аудит (Америка амалиётида қўлланилади);

TickIT - ИТ ва дастурий маҳсулотлар сифатини бошқариш

ISO 9000 - рақамли технологиялари ва дастурий маҳсулотлар сифатини бошқариш

ITIL, ITSM - рақамли тизимлари хизматларини бошқариш (Европа мамлакатларида қўлланилади)

ДСТ (ГОСТ) - АТни яратиш ва фаолият юритиш учун маълум норма ва қоидаларни белгиловчи давлат норматив-техник ҳужжатлари



1 -расм. Банк рақамли технологиялари соҳасида қўлланиладиган методология ва стандартлар¹

Ушбу методологияларни қўллаш жуда қийин ва уларни ташқи ёрдамсиз амалга ошириб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки уларни амалга ошириш жараёнлари кетма-кетлигини баҳолаш ва энг мақбул тизимни шакллантири. Дунёнинг йирик банклари фаолиятида синовдан ўтган услубиятларни танлаш ва улардан фойдаланиш билан бир қаторда, уларни услубий ва меҳъёрий таъминот орқали бошқаришни марказлашган кўринишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ-

Шундай қилиб, янги рақамли технологиялар банкларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатларни ўзгартириш ҳамда даромад олишнинг янги усулларини излаб топишга хизмат қилади. Банк ва бошқа кредит ташкилотлари рақамлаштириш суръати жадал ривожланаётган иқтисодиёт соҳаларидан етакчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи бозорни молиявий маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг юқори даражаси ва бунинг натижасида улар ўртасидаги кучли рақобат билан тавсифланади. Бундай шароитда янги молиявий технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, маҳсулот ассортиментини модернизациялаш, мижозларга хизмат кўрсатишнинг муқобил каналлари ва усулларини ривожлантиришга қодир бўлган тижорат банклари сезиларли рақобат устунликларига эга бўлмоқдалар. Бу билан банклар инновацион жараёнларни амалга оширадилар ва натижада банк хизматлари бозорида инновациялар пайдо бўлади.

Ўзбекистонда тижорат банклари бошқаруви томонидан инновацияларни жорий этиш сўнгги йилларда жадал тенденцияга эга эканлиги сабабларини ва буни иқтисодий жиҳатдан қай даражада мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, барча инновациялар ва уларни амалга ошириш истиқболларига қарамай, Ўзбекистонда банк бошқарувидаги асосий муаммо - бу инновацион ишланмаларга сарфланган инвестицияларни қайтариш муддатлари ҳисобланади.

¹ Адабиётлар шарҳи асосида муаллиф томонидан тузилган



Янги банк хизматлари рақобат устунликларини ошириш учун замонавий банк ахборот тизими воситаларни такомиллаштириш ва инновацион ташкил этувчиси юқори бўлган маҳсулотларни яратиш ҳисобланади.

Биринчи турдаги маҳсулотларга, Интернет-банкнинг, Интернет-савдо ва тезкор пул ўтказмалари соҳасидаги банк хизматларини киритиш мумкин. Бироқ, кўплаб банкларда Интернет-савдо ва тезкор пул ўтказмалари тизимлари соҳасида бундай банк маҳсулотларнинг тўлиқ рўйхатини ўз ичига олмайди.

Рақамли банкка ўтиш банк бошқаруви ва маркетинги моделларини мижозларга йўналтирилиши билан тавсифланади. Улар олдида кўндаланг бўладиган энг асосий муаммо бу мижозлар эҳтиёжларини қандай самарали қондириш ва мос равишда фойда олиш бўлиб қолади.

Тан олиш керакки, Ўзбекистонда банкларни рақамлаштириш даражаси паст ва мамлакатимизда бирорта ҳам тўлиқ рақамли банк мавжуд эмас.

Маҳаллий банкларимизни рақамли ўзгартиришга қуйидаги асосий тўсиқлар таъсир кўрсатмоқда:

- банкларнинг мавжуд ташкилий тузилмалари ва бюрократик жараёнлар;
- ривожланишнинг узокроқ даврийлиги
- эски тизимни модернизациялаш ёки янги рақамли технологияларни қўллашнинг мураккаблашиб бораёганлиги;
- банкларда истеъмолчиларнинг ўзгарувчан хатти-ҳаракатларига мос технологик ютуқларни қўллаш фалсафаси кенг татбиқ этилмаган.
- мобил банкнинг ва бошқа рақамли хизматларни кўрсатишда мижозлар ишончли мустақамловчи хавфсизлик тизимини такомиллаштириш;
- киберхавфсизликни бошқариш ва янги технологиялар ёрдамида киберфирибгарликнинг олдини олишда қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш;

Банклар рақамли технологияларни тизимли жорий этишларида ва дастурий таъминлашда қуйидагиларга жиддий аҳамият бериш зарур:

- рақамли ва ахборот технологиялар энг аввало автоматлаштириш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлиб, мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасига бевосита таъсир қилади;
- рақамли лойиҳаларни жорий этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва оқим жараёнларини тизимли таҳлил қила олишга қодир ходимларни етиштириш;



• банк хизматларини рақамлаштиришда Биг Дата технологияси асосида хизматларнинг тўлиқ ассортиментини тақдим этига қодир ишончли, хавфсиз ва мослашувчан технологик платформаларни яратиш ва бошқалар. .

Хулоса қилиб айтганда тижорат банклари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида рақамли технологияларни қўллаш миқозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондиришга асосланган рақобат устунлигини таъмиловчи стратегик қурол десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ги ПФ-158-сон Фармони.

2. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини.

3. Абдуллаева Ш.З. Банк иши Дарслик. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2017.

4. Ильюкевич А.Н., Костюк Я.С., Пастарнак К.Г. Информационные технологии в банковской сфере. Электронная библиотека БГУ. 2016.

5. Дубинин М.В. Банковские технологии: сущность, история развития и перспективы // Финансы и кредит. №34 (274), 2007. – 58 с.



СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Арипжанова Нигора Кудратовна

Ўзбекистон Республикаси Вахирлар Маҳкамаси ҳузуридаги БТОМ
тингловчиси

Солиқ имтиёзлари ҳар қандай давлат солиқ сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, улар орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва муайян соҳаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга эришилади. Ўзбекистонда ҳам солиқ имтиёзлари орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва стратегик тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бирок, солиқ имтиёзларини белгиловчи назарий асослар ва ҳуқуқий меъёрларнинг аниқ ва шаффоф бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки уларнинг нотўғри қўлланилиши давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатиши ёки бозорда носоғлом рақобат муҳитини келтириб чиқариши мумкин.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш, биринчи навбатда, катта миқдорда маблағни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга ошириш механизмларидан бири, бу давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларга солиқларни тўлашда имтиёзлар беришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида «Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур. Ўз эҳтиёжи учун объектлар кураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман» - деб таъкидлаган эдилар.

Шундан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар учун соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ ва божхона сиёсатини юритиш, яъни улар учун солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш, солиқ имтиёзларининг таъсирчанлигини

ошириш бўйича муайян ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Демак, иқтисодийни барқарорлаштиришнинг омили вазифасида солиқ имтиёзлари ҳам муҳим таъсирга эгаллиги маълум бўлиб қолмоқда. Давлат солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари беришдан фойдаланади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Шундан келиб чиқиб қараганда, мамлакатимизда иқтисодийни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ ислохотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодийнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодийнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тадқиқ қилишдан олдин, биринчи навбатда, «солиқ имтиёзлари» тушунчаси мазмунини тушуниш, унинг хусусиятларини белгилаш, бошқача айтганда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш керак. Демак, «солиқ имтиёзи» атамасига берилган таърифлар ва илмий қарашларни кўриб чиқишимиз лозим. Бу бўйича меъёрий - ҳужжатлар ҳамда тадқиқот олиб борган хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг «солиқ имтиёзи» тушунчасига нисбатан қарашларини келтириб ўтаемиз.

Солиқ кодексининг¹ 30-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларга қуйидагича таъриф берилган: «...солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» дея таъриф берилган.

И.М.Александров фикрича, солиқ имтиёзи - солиқ тўловчига (субъектига) бошқа солиқ тўловчига нисбатан солиқ миқдорини камайтириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Адолат. Т., 2016. 26-бет.

ёки афзаллик тақдим этиш деб тушунилади.

Н.Г.Дмитриева ва Д.Б.Дмитриев эса солиқ имтиёзи - солиқ тўловчини солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этилиши деб ҳисоблашади.

Б.Х.Алиева талқинича солиқ имтиёзи - солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчилар учун солиқ юкини енгиллаштириш имконияти (камайтириш, чегирма, солиқ кредити).

Т.Маликов солиқ имтиёзлари - деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади.

И.А.Завалишина фикрича, солиқ имтиёзи - деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ(ийғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.

А.Жўраев ва бошқалар солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Ф.Рахматуллаева солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: «имтиёзлар - бу иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир»².

О.Т.Юлдашевнинг фикрича эса: Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш мақсадида бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ўрнатилишининг қонунийлиги, индивидуаль ва дискриминацион характерда бўлмаслиги, қўлланилишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ афзаллик (қулайлик)ларнинг яратиш тарзида берилиб, солиқ мажбуриятларини камайтирувчи енгилликларга солиқ имтиёзлари дейилади.

2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, солиқлар ва

² Рахматуллаева Ф. “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодий рағбатлантиришдаги роли” Молия илмий журнали №2/2016 108 бет

тўловлар бўйича амалдаги мамлакат қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, солиқ имтиёзларини аниқлаб олиш ва уларни солиққа тортишга доир бошқа ҳужжатлардан келиб чиққанда, аввало, қонунийлик бўйича аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига асосан «Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар», деб эътироф этилади.

Бизнинг фикримизча «солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти» солиқ имтиёзлари деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддатида фойдаланилмаган имтиёз суммаслари имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида мақсадли ишлатилиши мумкин. Бунда кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ўтказилади.

Биз шу ўринда, Солиқ кодексда эътибор берилмаган айрим жиҳатларни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу ҳозирги солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотларга бевосита боғлиқдир. Биз бугун барча изох-эътирозларни инобатга олган ҳолда айрим қўшимча ва ўзгартиришларни қонунчиликка киритишимиз лозим. Жумладан, Солиқ кодексда аниқ равшан қилиб киритишимиз лозим бўлган бандлар бор, яъни инсн мднфддтлдрини тдъминлдшнинг индивидуаллашишига йўл қўйилмдслик, фсйдд слишнинг кдмсителишигд йўл қўйилмдслик ҳамда имтиёзлдрни и\тиёрий қўллдш каби моддаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Энди буларнинг ҳар бирига изох берсак, биринчиси, инсн мднфддтлдрини тдъминлдшнинг индивидуаллашишига йўл қўйилмдслик масаласи, шу кунгача жорий қилинган солиқ имтиёзлари одатда айрим юридик шахсларнинг манфаатларига хизмат қилиб, давлат бюджетининг бойишига йўл бермаган. Ҳали бу бўйича кейинги параграфларда танқидий



таҳлил қилиш жараёнида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Иккинчиси, фсйдд слишнинг кдмсителишигд йўл қўйилмдслик, яъни мулкчилик шдкли, жисмний шдкселдрнинг фуқдрелиги ёки сдрмеянинг кслиб чиқиши туригд кдрдб сслиқ имтиёзлдрини белгилдшгд йўл қўймаслик лозим. Негаки, биз барча ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорга имкони борича бир хилда муносабатда бўлишимиз лозим. Айрим, эркин иқтисодий зоналарни инобатга олмаганда.

Учинчиси, имтиёзларни ихтиёрий қўллаш, солиқ тўловчилар имтиёзларни ихтиёрий танлай олиши керак, яъни ундан фойдаланиши ёки бош тортиш ёки ундан фойдаланишни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини тартибга солиш иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва стратегик тармоқларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги уларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, шаффофлиги ва адолатли қўлланилишига боғлиқ. Бу жараёнда назарий асосларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш учун зарурдир. Солиқ имтиёзларини самарали бошқариш орқали бюджет барқарорлиги таъминланади, инвестициявий жозибадорлик ошади ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ги ПФ-158-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил январь.
3. Ашурова Н.Б. “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари”. “Иқтисод ва молия / Экономика и финансы” № 11; 2012



SOLIQ TEKSHIRUVLARINING NAZARIY ASOSLARI

Xaliqova Shohista Ne'matullayevna

Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi tinglovchisi

Davlat moliya nazoratining sohalaridan biri soliq munosabatlari sohasi bo'lib, davlat tomonidan soliq nazorati amalga oshirilishini taqozo etadi. Bunday nazorat moliya nazoratiga xos jihatlarga, biroq ayni paytda o'ziga xos xususiyatlarga ham ega. Soliq nazoratining o'ziga xos jihati shundaki, u davlat moliya nazoratiga nisbatan torroq faoliyat doirasida amalga oshiriladi. Davlat moliya nazoratining obyektini moddiy ishlab chiqarish va nomoddiy sohada, moliya tizimining barcha bo'g'inlarida moliyaviy resurslarni shakllantirish va ulardan foydalanishda yuzaga keladigan pul munosabatlari bo'lsa, soliq nazoratining obyektini soliq munosabatlari, ularning huquqiy bazasi hisoblanadi.

Soliq munosabatlari davlat (soliq nazorati subyektlari) bilan soliq subyektlari - shaxsiy mablag'lari hisobidan soliqlar to'lash huquqiy majburiyati yuklatilgan yuridik va jismoniy shaxslar o'rtasida yuzaga keladi. Soliq munosabatlaridan avval soliq nazorati subyektlari tomonidan belgilangan normalar, qoidalar doirasida nazorat funksiyalarini amalga oshirish uchun tegishli shart-sharoitlarni yaratishga doir (boshqaruv, huquqiy) chora-tadbirlar tizimi qabul qilinishi mumkin.

Soliq nazoratining maqsadi soliq qonunchiligi buzilishini aniqlash, ularga chek qo'yish, soliqlar va yig'implarning to'liqligi va o'z vaqtida to'langanligi to'g'risidagi ma'lumotlarning ishonchliligini ta'minlash, shuningdek, amalga oshirilgan operatsiyalar va xatti-harakatlarning qonuniyligini tekshirish hamda soliq to'lovchilarni javobgarlikka tortishdan iborat. Shu bilan birga, soliqlar soliq nazoratining elementi sifatida iqtisodiy xavfsizlikning muhim tarkibiy qismidir, chunki ular iqtisodiy tizimning barcha darajalarini iqtisodiyotning xavfsiz holatini ta'minlash imkonini beradigan moliyaviy resurslar bilan ta'minlaydi.

Soliq nazorati - bu soliq qonunchiligiga rioya etilishini tekshirish bo'yicha chora-tadbirlar majmui, shuningdek, iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlaydigan va tashkilotning iqtisodiy faoliyati faktlariga faol ta'sir ko'rsatadigan omildir.


Soliq organlari soliq nazoratini amalga oshiruvchi, korxonadan soliq qonunchiligini buzish faktlarini aniqlagan holda, korxonadan soliq imtiyozlaridan maqsadli foydalanilganligini, davlat va munitsipalitetlar oldidagi moliyaviy majburiyatlarning bajarilishini tekshirib, davlat daromadlarini shakllantirish o'rnatadi va tegishli nazoratni ta'minlaydi.

Soliq tekshiruvlarining shakllari va usullarini belgilash alohida masala hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining tegishli moddalariga ko'ra soliq nazorati soliq tekshiruvlari, soliq to'lovchilar, soliq agentlari va yig'im to'lovchilardan, sug'urta mukofotlari to'lovchilaridan tushuntirishlar olish,

buxgalteriya hisobi va hisobot ma'lumotlarini tekshirish, daromad (foyda) olish uchun foydalaniladigan binolar va hududlarni tekshirish orqali amalga oshiriladi.

Soliq tekshiruvi soliq nazoratining eng samarali shakllaridan biridir. Soliq tekshiruvlari stol tekshiruvlariga bo'linadi - soliq idorasida o'tkaziladigan va barcha soliqlar bo'yicha tekshiruvlarni qamrab oladigan tekshirishlar va joyida o'tkaziladigan tekshirishlar – soliq to'lovchida o'tkaziladigan va faqat deklaratsiya qilingan soliqni tekshirishni qamrab oladigan tekshirishlarga bo'linadi¹.

Shunga asoslanib, nazariy jihatdan soliq nazoratining turli shakllarini tasniflash mumkin bo'lgan asosiy yo'nalishlarni aniqlash mumkin (1-rasm).



1-rasm. Soliq nazorati klassifikatsiyalari².

Birlamchi soliq nazorati soliq to'lovchiga nisbatan birinchi marta ma'lum vaqt oralig'ida zarur chora-tadbirlarni amalga oshirish bilan tavsiflanadi. Takroriy soliq nazorati, agar tekshirish bir soliq to'lovchiga nisbatan va bir xil turdagi soliqdarga nisbatan bir necha marta o'tkazilgan bo'lsa, zarur.

Uzluksiz soliq nazorati bilan har xil turdagi buxgalteriya hisobining tegishli shakllaridagi hujjatlar va yozuvlarning butun hajmi uzoq vaqt davomida tekshirilishi kerak, tanlangan nazorat esa birlamchi hujjatlarning faqat bir qismini, odatda qisqa vaqt ichida tekshirishni o'z ichiga oladi.


Amalga oshirish vaqtiga ko'ra, dastlabki soliq nazorati hisobot davridan oldin amalga oshiriladigan, joriy - hisobot davrida amalga oshiriladigan va hisobot davri

¹ ABEBE H. ASSESSMENT OF TAX AUDIT PRACTICE AND ITS CHALLENGES: IN THE CASE OF LARGE TAXPAYERS OFFICE, ERCA : дис. – St. Mary's University, 2017.

² Ayt Khozhina G., Miller A. State tax control strategies: Theoretical aspects // Contaduría y administración. – 2018. – T. 63. – №. 2. – C. 0-0.

tugaganidan keyin amalga oshiriladigan keyingi soliq nazoratiga ajratiladi. Shakllarning har biri soliq tekshiruvining muayyan shaklini o'tkazishning o'ziga xos xususiyatlari ta'siri ostida shakllanadigan o'ziga xos usullarga ega. Ushbu usullar diagramma shaklida taqdim etilishi mumkin (2-rasm).

Amalda, u yoki bu usul deyarli hech qachon individual ravishda qo'llanilmaydi. Soliq tekshiruvlari davomida bir nechta tur va usullar birlashtiriladi. Tekshirilayotgan sub'ekt faoliyatining o'ziga xos xususiyatlariga, uning soliq tizimiga, umuman tekshirish turiga va, xususan, tekshirish predmetiga, shuningdek, boshqa ko'plab omillarga qarab, bir (yoki bir nechta) eng ko'p belgilanishi mumkin. qolganlar orasida ustunlik qiladi.



1.2-rasm. Soliq tekshiruvi usullari³.

to'liq amalga oshirishini nazorat qilish va ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi. Barcha funksiyalar to'liq va barqaror ishlayotgan oila – sog'lom va mustahkam oila hisoblanadi va bundan oilalarda tarbiyalanayotgan farzandlar jismoniy va ruhiy jihatdan ham sog'lom, ma'nan yetuk shaxs sifatida shakllanadi. Albatta, bunday yuqori salohiyatga ega shaxslar jamiyatimizning kelajagi bo'lsa, sog'lom va mustahkam oila davlatimiz tayanchi hisoblanadi.

REFERENCES

1. Sh.M.Mirziyoev “Insonparvarlik, ezgulik va bunyodkorlik – milliy g'oyamizning poydevoridir” T.: “Tasvir”-2021;
2. Андреева Т. В. Семейная психология: Учеб. пособие. - СПб.: Речь, 2019
3. G'oziyev.E.G. Ijtimoiy psixologiya. — Toshkent., 2020.
4. Karimova.V.M. Sotsiyal psixologiya— Toshkent., 2022.
5. Elektronnaya biblioteka, <http://www.koob.ru>
6. Сайт “Психология на русском языке”:
<http://www.psvchology.ru/Librarv>



Linguistic and Cultural Analysis of Words of Wisdom in Abdulhamid Chulpan's Kecha va Kunduz (Night and Day) and Stéphane Dudoignon's La Nuit

Kouchkorova Dilnozakhon Shukhratbekovna, Phd doctorant de l'Université nationale d'Ouzbékistan du nom de Mirzo Ulugbek. Portable : +998 97 277 00 93. Mail : adilnoza920@gmail.com

ABSTRACT. This article provides a linguistic and cultural analysis of the words of wisdom in Kecha va Kunduz (Night and Day) by Abdulhamid Chulpan and La Nuit (The Night) by Stéphane Dudoignon. Through the examination of selected aphorisms and philosophical reflections in both works, the article explores the intersections of language, culture, and the human condition. Chulpan's Kecha va Kunduz, a cornerstone of early 20th-century Uzbek literature, offers insights into Central Asian moral and existential dilemmas, emphasizing themes like peace, trust, and the lasting impact of human emotions. In contrast, Dudoignon's La Nuit, influenced by existential thought, delves into themes of introspection, solitude, and the search for hidden truths, reflective of French cultural and philosophical values. The article compares how these words of wisdom reflect their respective cultural contexts, focusing on linguistic nuances, philosophical underpinnings, and the universal themes of self-realization, happiness, and the human quest for meaning. Ultimately, the study highlights how translation between Uzbek and French brings forth both linguistic and cultural transformations, revealing the commonalities and differences in human thought across cultures.

Keywords: linguistic analysis, cultural analysis, words of wisdom, introspection, trust, human condition, cross-cultural comparison.

Introduction

Words of wisdom, deeply embedded in cultural and philosophical contexts, serve as windows into the values, beliefs, and worldviews of a society. Both Abdulhamid Chulpan's Kecha va Kunduz (Night and Day) and Stéphane Dudoignon's La Nuit (The Night) feature profound reflections on human nature, society, and the cosmos. These literary works offer rich examples of words of wisdom that reflect their respective cultures' moral and philosophical landscapes.



Chulpan's *Kecha va Kunduz*, written in the early 20th century, deals with the complexities of identity, social struggle, and existential themes within Uzbek society. On the other hand, Dudoignon's *La Nuit*, a more modern French work, explores themes of isolation, introspection, and the search for truth, which align with broader philosophical inquiries within Western thought. Both works include aphorisms and wisdom sayings that illustrate their cultural contexts, and their linguistic and cultural translation provides a unique lens through which to compare Uzbek and French perspectives on universal human issues.

This article conducts a linguistic and cultural analysis of the words of wisdom in both *Kecha va Kunduz* and *La Nuit*, focusing on how these expressions resonate within their respective cultural and philosophical contexts and how their meaning might shift when translated across languages and cultures.

1. Abdulhamid Chulpan's *Kecha va Kunduz*: Words of Wisdom in Uzbek Literature

Abdulhamid Chulpan (1897-1938) is one of the leading figures in early 20th-century Uzbek literature. *Kecha va Kunduz* (Night and Day) is a seminal novel that reflects the social struggles, identity crises, and existential dilemmas faced by the individuals in the rapidly changing socio-political landscape of Central Asia. Chulpan's novel is rich with aphorisms, maxims, and philosophical reflections that express moral and social wisdom in the context of Uzbek society.

Key Words of Wisdom in *Kecha va Kunduz*

1. "Baxt — bu tinchlik, tinchlik esa o'z-o'zini anglashda."

Translation: "Happiness is peace, and peace lies in self-realization."

- **Cultural Context:** This saying reflects the deeply rooted idea in Uzbek culture that true happiness and peace come from self-awareness and harmony with one's inner self. The notion of peace, both internal and external, is central in Uzbek ethics, especially in relation to family, society, and religion.

- **Linguistic Nuances:** The term "tinchlik" (peace) in Uzbek holds a dual meaning, encompassing both physical peace (absence of conflict) and internal tranquility (spiritual peace). The term "o'z-o'zini anglash" (self-realization) highlights the importance of personal development and spiritual awakening in achieving happiness.



2. “Hayot o‘tadi, lekin qalbdagi izlar qoladi.”

Translation: “Life passes, but the marks on the heart remain.”

- **Cultural Context:** This phrase emphasizes the enduring nature of emotional and spiritual experiences. It resonates with the Islamic notion of the eternal soul and the importance of spiritual legacy in Uzbek society, where one’s actions and emotions are believed to leave an indelible mark on one’s character.

- **Linguistic Nuances:** The term “izlar” (marks) carries a dual meaning, suggesting both physical and metaphorical traces. It is a metaphor for memories and emotions that remain with the individual long after life’s events have passed.

3. “Ishonchni yo‘qotgan odam, o‘zini yo‘qotgan odamdir.”

Translation: “A person who loses trust, loses themselves.”

- **Cultural Context:** This phrase reflects the high value placed on trust and relationships in Uzbek culture. Family, loyalty, and trust are foundational to Uzbek social fabric. The loss of trust is seen not only as a personal failure but as a rupture in the individual’s sense of self and their relationship with others.

- **Linguistic Nuances:** The word “ishonch” (trust) is deeply tied to social bonds and moral integrity.

The expression suggests a deep interconnection between personal identity and the ability to trust and be trusted.

2. Stéphane Duhaime’s *La Nuit*: Words of Wisdom in French Literature

Stéphane Duhaime’s *La Nuit* (The Night) is a modern French novel that delves into themes of introspection, isolation, and the search for truth. Duhaime’s writing is steeped in existential philosophy, influenced by thinkers like Sartre and Camus, which gives the novel a strong emphasis on personal reflection and the struggle to find meaning in an often indifferent universe.

Key Words of Wisdom in *La Nuit*

1. “Le silence est une forme de vérité.”

Translation: “Silence is a form of truth.”

- **Cultural Context:** In French philosophy, particularly existentialism, silence is often seen as a form of resistance or a pathway to deeper understanding. It reflects the French tradition of intellectual reflection, where silence is valued as a way to confront personal truths and contradictions.

- **Linguistic Nuances:** The term “silence” in French has both literal and metaphorical connotations. In existential thought, silence represents an absence of external distractions, creating space for personal truth to emerge.

2. “La nuit nous enseigne la vérité cachée.”

Translation: “The night teaches us the hidden truth.”

- **Cultural Context:** The theme of night as a metaphor for hidden truths is deeply ingrained in French existential thought. The night is often portrayed as a time for reflection, where one confronts the darker aspects of existence and the self.

- **Linguistic Nuances:** The word “nuit” (night) is often used in French literature as a symbol of introspection, mystery, and existential questioning. The term “vérité cachée” (hidden truth) suggests that deeper meanings lie beneath the surface, waiting to be discovered through personal introspection.

3. “L’homme est un être de solitude.”

Translation: “Man is a being of solitude.”

- **Cultural Context:** This phrase resonates with the French philosophical tradition, particularly existentialism, which often grapples with the themes of isolation and the individual’s search for meaning in a seemingly indifferent world. The French existentialist tradition places a strong emphasis on solitude as an essential part of the human condition.

- **Linguistic Nuances:** The phrase “être de solitude” (being of solitude) connotes not only physical loneliness but also the existential solitude inherent in human life.

3. Linguistic and Cultural Comparison of Words of Wisdom

When comparing the words of wisdom from Kecha va Kunduz and La Nuit, we notice several key linguistic and cultural differences:

1. Concept of Peace and Happiness:

- In Uzbek culture, peace is deeply linked to social harmony, familial bonds, and religious faith. The wisdom in Kecha va Kunduz suggests that happiness comes from inner peace and self-realization within the context of these societal values.

- In contrast, the French philosophical tradition often emphasizes peace and happiness as individual achievements, found through introspection and sometimes through isolation, as seen in La Nuit. The French perspective places more weight on personal struggle and existential questioning.

2. Time and Memory:

- The idea that “life passes, but marks on the heart remain” in Kecha va Kunduz underscores the long-lasting effects of personal and emotional experiences. This reflects the Uzbek cultural view that memories and experiences shape one’s identity and are passed down through generations.

- In La Nuit, time and the night are metaphors for personal reflection and the uncovering of hidden truths. French existentialism often explores how time and memory are tied to personal authenticity and the search for meaning in an unpredictable world.

3. Trust and Relationships:

- In Kecha va Kunduz, the loss of trust is equated with the loss of self, reflecting the importance of relationships and loyalty in Uzbek culture.

- In La Nuit, the individual’s search for truth often involves solitude and internal reflection, where trust is not external but found within oneself. This reflects the French cultural emphasis on individualism and personal authenticity.

4. Conclusion

The words of wisdom in Kecha va Kunduz and La Nuit provide a fascinating lens through which we can explore the linguistic and cultural values embedded in both Uzbek and French societies. While Uzbek wisdom emphasizes social harmony, trust, and the enduring nature of emotional experiences, French wisdom focuses on introspection, individual struggle, and the pursuit of hidden truths.



Linguistically, the translation of these aphorisms between Uzbek and French demonstrates how language reflects cultural values and philosophical perspectives. Despite the differences, both sets of wisdom ultimately express a universal human quest for meaning, truth, and self-understanding, which transcends cultural and linguistic boundaries.



**SUVDA HAMDA QURUQLIKDA YASHOVCHILARNING
TASHQI VA ICHKI TUZILISHI
EXTERNAL AND INTERNAL STRUCTURE OF AQUATIC AND
LAND-LIVING ORGANISMS
ВНЕШНИЙ И ВНУТРЕННИЙ СТРУКТУР ОБИТАТЕЛЕЙ В
ВОДЕ И НА СУШЕ**

Andijon davlat pedagogika instituti

Biologiya yo'nalishi talabalari: **Xamidillayeva Muxlisa Xayrullo qizi,**

Biloldinova Maqsuda Xayotbek qizi

Annotatsiya: Ushbu maqolada suvda hamda quruqlikda yashovchilarning ichki va tashqi tuzilishi haqida, ularning skeleti, tana tuzilishi, tashqi organlarining joylashuvi, oyoqlarining tuzilishi, va ichki tuzilishidan hazm qilishi, oziqlanish usuli, ozuqasi, kloakasining tuzilishi, qon aylanish sistemasi va qon tomirlari, yuragining tuzilishi, nafas olish organlari hamda jinsiy organlari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Teri qoplami, amfibiyalar, progress, nog'ora parda, skelet, uch kamerali yurak, bir juft buyrak, bir juft jinsiy organlar, aramorfoz, shilimshiq, ichak, oshqozon, o'pka, traxeya, tuxumdon, siydik pufagi.

Abstract: This article provides information about the internal and external structure of aquatic and terrestrial animals, their skeleton, body structure, location of external organs, structure of the legs, and digestion from the internal structure, method of nutrition, food, structure of the cloaca, circulatory system and blood vessels, structure of the heart, respiratory organs and reproductive organs.

Key words: Skin, amphibians, progression, tympanic membrane, skeleton, three-chambered heart, one pair of kidneys, one pair of reproductive organs, aramorphosis, mucus, intestine, stomach, lungs, trachea, ovary, urinary bladder.

Аннотация: В данной статье рассказывается о внутреннем и внешнем строении водных и наземных животных, их скелете, строении тела, расположении внешних органов, строении ног и внутреннем строении их пищеварения, способе питания, питании, строении их клоаки, кровеносная система и сосуды, засол сердца, представлены сведения об органах дыхания и половых органах.

Ключевые слова: Покровы, земноводные, прогресс, барабанная перепонка, скелет, трехкамерное сердце, пара почек, пара репродуктивных



органов, араморфоз, слизь, кишечник, желудок, легкие, трахея, яичник, мочевой пузырь.

Suvda hamda quruqlikda yashovchi yashovchilar sinfining vakillari birinchi marta suvdan quruqlikka chiqqan umurtqali hayvonlar bo`lsa ham, suv muhiti bilan aloqasini saqlab qolgan. Ularning quruqlikka chiqishi tanasining baliqlardan takomillashganini ko`rsatadi. Ular yer yuzining ma`lum qismlaridagina tarqalgan bo`lib, chuchuk suv havzalarining chetki qismlaridagina yashaydi. Dengiz va okeanlarda va orollarda deyarli uchramaydi. Amfibiyalarning progressiv belgilari bilan bir qatorda ularning quruqlikda yashovchi primitiv hayvonlar ekanligini ko`rsatuvchi belgilar yaqqol ko`zga tashlanadi.

Tashqi ko`rinishi va teri qoplami: Amfibiyalarning tanasi yapaloq - yelka – qorin tomonga yassilangan. Dumi yo`q, keying oyoqlari oldingi oyoqlaridan uzun va kuchli (dumsizlar turkumi) boshqa vakillarining gavdasi cho`ziq, boshi nisbatan katta, dumi uzun, oyoqlari kalta va teng (dumlilar turkumi). Baqa bosh, tana, bir juft olgingi va bir juft orqa oyoq qismlaridan tashkil topgan. Uning gavdasi bezlarga boy, terisi yupqa, yumshoq shilimshiq modda bilan qoplangan. Amfibiyalarning rangi har xil vazifani bajaradi; yashirinish ogohlantirish va qo`rqitish va jinslarni farq qilish. Baqa terisi ma`lum joylardagina yopishgan bo`lib, bu faqat baqalarga xos sususiyat hisoblanadi. Baqa boshining ikki yon tomonida bo`rtib chiqqan ko`zlari bor. Ularda ustki va ostki qovoqlar joylashgan. Ustki qovoqlari ko`z olamsiga birikkan bo`lib, ostki qovoqlari erkin va harakatchan bo`ladi. Amfibiyalarda yupqa pirpiratuvchi parda yoki uchinchi qovoq bo`ladi. Kozlarining orqa qismida ustini nog`ora parda qoplagan quloqlari joylashgan. Nogo`ra parda, asosan o`rta quloq bo`shlig`ini tashqi muhitdan ajratib turuvchi devor bo`lib, ularning quloqlari baliqlarnikidan murakkablashtirishni ko`rsatadi. Bulardagi aramorfoz ular da o`rta quloq rivojlanganligi hisoblanadi.

Skeleti. Baqalarning skeletida bir qancha progressive belgilar mavjud. Xususan, oyoqlarining besh barmoqli tipda tuzilganligi, kamar va oyoq suyaklarining uchta gomodinam elementlardan tuzilganligi, chanoq kamarining o`q skeleti bilan bog`liq bo`lishi, bosh skeletining autostiliya tipda tuzilganligi ya`ni tanglayning bosh skeletiga qo`shilganligi, til osti yoyining boshqa elementlarga aylanganligi, Jabra qopqoqlarini butunlay, yoylarini esa qisman reduksiyalanganligi va nihoyat, umurtqa pog`onasining bir nechta bo`limlarga bo`linganligi ularning progressiv belgilaridir. Bosh skeletida suyaklarning kam bo`lishi, umurtqa pog`onasi bo`yin va quymich bo`limlarining kam taraqqiy etganligi, qovurgalarning bo`lmasligi, dum umurtqalarining bitta suyak- urosilga aylanganligi, chanoq kamari

yonbosh suyagining uzun bo`lishi va sakrab yurishiga moslanish tufayli baqa oyoqlar skeletining quruqlikda yashovchi boshqa hayvonlarnikiga nisbatan boshqacha tuzilganligi, baqaning adaptiv belgilari hisoblanadi.

Ovqat hazm qilish sistemasi. Amfibiyalar turli umurtqasiz hayvonlar, yosh baliqlar va itbaliqlar, suvda yashovchi qushlarning jo`jalari, suvga tushgan mayda kemiruvchilar bilan oziqlanadi. O`ljasini tutish usullari ham deyarli bir xil. oyoqlari hidlash va sezish yordamida, dumlilar ko`rish va hidlash yordamida oziqa topadi. Ular oziqani tiliga yopishtirib yoki jag`lari bilan tutadi. Oziq avval og`iz bo`shlig`iga tushadi va undan qizilo`ngachga o`tadi. Tishlari mayda ko`nus shaklida bo`ladi. Amfibiyalarning tili og`iz va halqum bo`shlig`ining tagiga birikadi. Tanglayning oldingi qismida og`iz halqum bo`shlig`ida juft ichki burun teshiklari-xonalar ochiladi. Og`iz- halqum bo`shlig`ining tepa qismida so`lak bezlari bor. So`lak bezining tarkibida ovqatni parchalovchi fermentlar yo`q, bu bez og`iz bo`shlig`ini ho`llash va oziqni yutish uchun xizmat qiladi. Oziqni yutishda ko`zlar ham yordam beradi. Uncha uzun bo`lmagan qizilo`ngach oshqozonga ochiladi. Oshqozondan o`n ikki barmoqli ichak boshlanadi va ingichka ichakka ulanadi undan esa to`g`ri ichak boshlanadi. To`g`ri ichak kloakaga ochiladi. Amfibiyalarning ichak nayi tana uzunligidan 2-4 marta uzun bo`ladi. Uch pallali jigarning o`eta pallasida o`t pufagi bor. O`t yo`li o`n ikki barmoqli ichakka ochiladi. oziqning hazm bo`lishi uchun 8-12 soat vaqt talab qilinadi. Past temperaturada ular bir yilgacha och yashay oladi.

Nafas olish sistemasi. Baqalarning nasaf olishi kislorod yutib, korbanat anhidrid chiqarishdan iborat bo`ladi, lichinkalarining teri, tashqi va ichki jabralari, vpyaga yetganlarida esa o`pka, teri og`iz halqum bo`shlig`ining shilimshiq pardasi ishtirok etadi. Voyaga yetgan baqaning nafas olish organi o`pka va teri hisoblanadi. Teriga yirik qon tomirlar keladi. opka bir juft sodda xaltachadan iborat, uning devoir yupqa, ichki yuzasi katakchali bo`ladi. Nafas yo`llari hiqildoq-traxeya kamerasidan iborat. Bu kameralar to`g`ridan to`g`ri o`pka bo`shlig`iga aylanib ketadi. Hiqildoq-traxeya teshigi bir juft cho`michsimon tog`ay bilan o`raglan, tovush bog`ichlari shu tog`ay;arga tortilgan. Tovush bog`ichlari hiqildoq teshigining yon tomonidan o`rab olingan ikkita shilimshiq parda burmasidan iborat. Bu pardalar tortilib taranglana oladi. Shunda o`pkadan chiqqan havo ularni tebratadi, bunda o`sha pardalardan tovush chiqadi. Amfibiyalarda ko`krak qafasi yo`qligi munosabati bilan nafas olishi o`ziga xos yo`l bilan o`tadi. Baqa avvalo, og`iz bo`shlig`iga havo oladi, buning uchun og`iz tubini pasga tushirib, burun teshiklarini ochadi. Keyin u burun teshiklarini klapanlar bilan berkitadi va og`iz tubini yuqoriga ko`taradi, natijada

havo hiqildoq teshigidan o`pkaga boradi. Shunday qilib amfibiyalar xuddi o`pkaga nafas olgandek havo oladi, havo u yerda o`pka elastic devorining puchayishi tufayli tashqariga chiqadi.

Qon aylanish sistemasi. Amfibiylarning lichinkalari qon aylanish sistemasi baliqlarning qon aylanish sistemasiga o`xshash, lekin voyaga yetganlarida o`pkaning paydo bo`lishi bilan qon aylanish sistemasida ham kuchli o`zgarishlar yuzaga kelgan. Baqalarning yurak bo`lmalaridagi to`siq yaxshi rivojlanmagan. Baqaning yuragi uch kamerali, ya`ni bir-biridan to`siq parda bilan ajralgan ikkita yurak bo`masi va bitta yurak qorinchasidan iborat, lekin bundan tashqari, yurakda o`ng yurakga ochiladigan vena sinusi bilan yurak qorinchasiga ochikadigan arterial konusi ham bor. Yurak qorinchasining devori ancha qalin bo`ladi va uning ichki yuzasidan uzun-uzun muskul iplari chiqadi, bu iplarning uchi atrioventrikulyar teshiklarni berkitib turadigan ikkita klapaning erkin, birinchi bo`lib arterial konusning orqa tomonidan o`ng va chap o`pka-teri arteriyasi chiqadi. Arterial konusning qorin tomonidan juft aorta yoylari chiqadi ular 2-juft Jabra yoylariga gomolog hisoblanadi. Aorta yoylari o`zidan ensa-umurtqa va o`mrovosti arteriyalarini ajratadi. Bular qorin muskullari va oldingi oyoqlari qon bilan boyitadi aorta yoylari umurtqa pog`onasi ostida o`zaro qo`shilib, orqa aortani hosil qiladi. Orqa aorta o`zidan kuchli hazm qilish nayi- tutgich arteriyani ajratadi. Amfibiyalarda yurak urishi past bo`ladi. Arterial konus yurak qorinchasining o`ng qismidan chiqadi. Shuning uchun yurak qorinchasi qisqarganda arterial ko`nusga dastlab vena qoni kiradi va o`pka – teri arteriyasini to`ldiradi. Yurak qorinchasining qisqarishi davom etganda arterial konusda bosim biroz oshadi. Yurak qorinchasining markaziy qismidan aralash qon aorta yoylariga chiqadi. Yurak qorinchasi to`liq qisqargand arterial ko`nusga yurak qorinchasining chap qismidan, asosan arterial qon o`tadi.

Ayirish organlari. Amfibiyalarning suvdan quruqlikka chiqishi suv va tuz almashinuvi harakatiga va organizmda azotli maxsulotlar almashinuviga ham sezilarli ta`sir ko`rsatadi. Ularda birlamchi bosh buyrak (pronefroz) taraqqiy etgan. Baqalarningg buyragi baliqlarnikidan farqli o`laroq yalpoqlashgan tana shaklida bo`lib, dumg`aza umurtqasining atrofida umurtqa pog`onasining ikki yonida joylashgan. Har bir buyrakdan siydik yo`li chiqib, kloakaga ochiladi. Kloakaning tagidan chiqqan teshik siyfik pufagiga ochiladi oziqa maxsulotlarining parchalanishidan hosil bo`lgan mochevina ajratadi va birlamchi siydik- buyrak naylari orqali o`tadi. Buyrak naychalaridan oqayotgan suvni va qimmatli oziqa moddalarini yo`qotishni kamaytiradi. Siydik pufagining ichki devorida ham suv



qayta so`riladi. Siydik pufagi to`lganda, uning devoridagi muskullarining qisqarishi natijasida siydik kloaka orqali tashqariga ochiladi. Keraksiz mahsulotlarning bir qismi teri orqali ham ham ajraladi. Terining ahamiyati, ayniqsa, suv almashinuvida katta bo`ladi. Namlik yuqori bo`lganda amfibiyalarning terisi suvni so`rib oladi, hamda teri osti limfa bo`shlig`iga yig`adi.

Jinsiy organlari. Suvda hamda quruqlikda yashovchilarning jinsiy organi juft bo`ladi. Jinsiy va siydik yo`llarining o`zaro munosabati tog`ayli baliqlarnikiga o`xshash. Donador tuxumlari tutqichga osilgan va baxorda butun tana bo`ylab to`lgan bo`ladi. Tuxumdonning yonida ko`p bo`lmali yog` tanasi joylashgan bo`ladi. Yog` tanasida qish mavsumida jinsiy hujayralar yetilishini taminlaydigan oziqa moddalar yig`iladi yo`lining ustki qismi kengayib, tana bo`shlig`iga ochiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zoologiya. Xordalilar 2- qism Dadayev S, Saparov O.
2. Zoologiya. J.L.Jahanov.
3. Zoologiya.Dadayev S, Mavlonov O.
4. Umurtqali hayvonlar zoologiyasi.S.P.Naumov.



O‘simlik mahsulotlariga sharbat olishdan oldin ishlov berish usullari va ulardan uzum, shaftoli va meva sharbatlari ishlab chiqarish energetik samaradorligini oshirishda qo‘llash imkoniyatlari.

**MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI
FILIALI**

**“Kompyuter injiniring (“Kompyuter tizimlarini loyihalashtirish”)
mutaxassisligi**

Amirova Shahlo Xusun qizi

Annotatsiya: Ushbu maqolada shaftoli va uzum mahsulotlaridan sharbat ishlab chiqarish texnologiyasi, ishlab chiqarish samaradorligi haqida yoritilgan. O‘simlik mahsulotlariga sharbat olishdan oldin ishlov berish usullari va ulardan uzum, shaftoli va meva sharbatlari ishlab chiqarish energetik samaradorligini oshirishda qo‘llash imkoniyatlari haqida aytib o‘tildi.

Kalit so‘zlar: energetik samaradorlik, sok ishlab chiqarish, meva sabazavotlari, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, qayta ishlash sanoati.

Annotation: this article describes the technology of juice production from peach and grape products, production efficiency. The methods of processing plant products before extracting juice and the possibilities of using them increasing the energy efficiency of production of grape, peach and fruit juices were mentioned.

Key words: energy efficiency, juice production, fruit and vegetable crops, agricultural products, processing industry.

Meva sharbatlari ishlab chiqarish qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash sanoatining eng muhim sohalaridan biri bo‘lib, aholining vitaminlarga bo‘lgan talabini yil bo‘yi qondirib kelmoqda.



Meva sharbati ishlab chiqarish va iste'mol qilish jadal o'sib bormoqda. Hozirgi vaqtga kelib O'zbekistonda sharbat ishlab chiqarish 60 mln litrni yoki aholi jon boshiga 2 litrdan tog'ri kelmoqda. Aholi orasida sharbat iste'mol qilish keng targ'ib qilinmoqda. Aholining meva sharbatlariga bo'lgan talabi esa to'xtovsiz oshmoqda. Buning asosiy sababi meva sharbatlarida hamma ozuqa moddalari (qand, organik kislotalar, mineral tuzlar, vitaminlar) yaxshi saqlanadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib meva sharbatlari ishlab chiqarish davr talabi va foydali biznes yo'nalishi hisoblanadi.

Shaftoli sharbati meva sharbatlari orasida mazasi va energetik quvvati bilan farq qiladi. Bu shaftoli mevasining kimyoviy tarkibi bilan bog'liq.

Meva sharbatlari turli tuman bo'lishiga qaramay, ularni ishlab chiqarish texnologiyasi va tizimi juda o'xshash. Shu sababli sharbat ishlab chiqaruvchi korxonalarda turli sharbatlarni ishlab chiqarish uchun bir ishlab chiqarish tarmog'i juda kam o'zgarishlar bilan qo'llaniladi.

Meva sharbatlari yangi uzilgan, pishgan mevalarni siqib yoki shibbalab olinadi. Shaftoli 70-80% sharbat chiqaradi. Meva sharbatlari tayyorlash texnologiyasiga va ularning sifat ko'rsatkichlariga qarab 3 turga ajratiladi: tiniq, quyuq (tindirilmagan) va mag'izli sharbatlar.

So'nggi yillarda o'tkazilgan bir qator tadqiqotlar natijasida sharbatni ajratib olish masalasiga yangi yo'nalish taklif qilindi, bu sharbatni ajratishning plazma nazariyasi deb nomlandi.

Ushbu nazariyaga ko'ra olinadigan sharbatning miqdori o'simlik hujayralarining hayotiy faoliyatining tashqi muhitning ularga ta'siri bilan buzilish darajasiga bog'liq.

Sharbat chiqish darajasi meva to'qimasining fiziologik va anatomik xossalari bilan bog'liq. Tirik hujayra protoplazmasi hujayra ichidagi ekstraktiv moddalarni yaxshi o'tkaza olmaydi. Protoplazma sharbatni tashqariga chiqishiga to'sqinlik qiladi.



Presslashda sharbat chiqish miqdorini belgilovchi asosiy omil – o‘simlik to‘qimasining hujayra o‘tkazuvchanligidir. Protoplazmaning yarim o‘tkazuvchanligi faqat tirik hujayrada mavjud. Hujayra tirik holda bo‘lishi uchun yetarli bo‘lmagan sharoitda protoplazmaning fizik-kimyoviy xossalari o‘zgaradi. Uning qovushqoqligi oshadi, so‘ngra esa oqsillar koagulyatsiyalanadi. Oqsilning holati protoplazma o‘tkazuvchanligini belgilaydi. Oqsilning hujayra qobig‘idan qatlamlanuvchi alohida qotgan tugunlari hosil bo‘ladi. Nomaqbul omillar ta’siri juda kuchli va davomiy bo‘lmasa ushbu omillar bartaraf bo‘lgandan so‘ng protoplazma avvalgi holiga qaytadi, ya’ni ma’lum chegarada jarayon barqaror. Kuchli ta’sir ostida protoplazma to‘liq koagulyatsiyalanadi. Hujayra bunda halok bo‘ladi. Bunday hujayraning protoplazmasi sharbatni tutib tura olmaydi, u hosil bo‘lgan yirik tirqishlar orqali osonlikcha tashqariga chiqadi [73].

Hujayraning halok bo‘lishini mevani mexanik maydalash, uni qizitish, muzlatish, u orqali elektr toki o‘tkazish, unga ultratovush bilan ishlov berish va boshqa turdagi ta’sirlar orqali ta’minlash mumkin.

Yuqorida keltirilgan qonuniyatlar barcha turdagi o‘simlik xomashyosi uchun to‘g‘ri. Ayni vaqtda protoplazma tashqi ta’sirlarga turli ravishda javob beradi. O‘simlik xomashyosining sharbatini ajratish protoplazmaning qovushqoqligi, elastikligi va boshqa xususiyatlariga bog‘liq. Protoplazmaning bu ko‘rsatkichlari xomashyoga dastlabki ishlov berish va uni presslash kabi tashqi ta’sirlarga qarshilik ko‘rsatish qobiliyatini belgilaydi. Protoplazmada dastlabki ishlov natijasida qanchalik katta buzilish ro‘y bergan bo‘lsa sharbat chiqishi shunchalik ko‘p bo‘ladi.

Olma, uzum, olcha protoplazmalari o‘simlik to‘qimalarini maydalaganda osonlikcha buziladi va presslashda sharbat chiqish miqdori nisbatan ko‘p bo‘ladi. Shuning uchun bunday xomashyo presslashdan ilgari faqat mexanik usulda maydalanadi. Olxo‘ri, o‘rik, qora qorag‘at protoplazmasiga mexanik maydalash kam ta’sir ko‘rsatadi. Bunday mahsulotlarni presslaganda sharbat chiqishi juda kam.



Sharbat miqdorini oshirish uchun ushbu mevalarning hujayra protoplazmasini ko‘proq buzuvchi ta’sirlardan foydalanish kerak [87]. Meva va uzum to‘qimalari va xujayralaridan sharbat chiqishini oshirish uchun ularga turli xil ta’sirlardan foydalanib ishlov beriladi.

Mexanik maydalash. Qariyb barcha meva va rezavorlar presslashgacha maydalab kesiladi, eziladi, chaqiladi va hokazo. Bunda hujayra tirik organizm sifatida halok bo‘ladi. Mexanik ishlov berish natijasida hujayralarning asosiy qismi buzilsa, shundagina bu turdagi ishlov ijobiy samara beradi. Ammo hujayraning o‘lchamlari kichik bo‘lgani uchun ularning oz miqdori maydalanadi. Masalan, agar meva 3 mm qalinlikda maydalansa hujayraning o‘lchami 50 mkm bo‘lganda ularning faqat 15% -i bevosita buziladi. Olma uchun bunday o‘lchamda maydalash yetarli, chunki presslaganda 70- 80% sharbat chiqadi. Ayrim mevalarda kam miqdordagi hujayra maydalansa ham ko‘p miqdorda sharbat chiqishi shu bilan izohlanadiki, bir hujayra buzilsa qo‘shni hujayralar ham buzilib ketaveradi. Bunday holatlarda sharbat chiqishining asosiy omili uni maydalash darajasi bo‘lib qoladi. Olma parrak qilib kesilsa undan 30-35% sharbat chiqadi, agar kichik bo‘laklarga bo‘linsa undan 70% sharbat chiqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 29 avgustdagi 251-son “2015 - 2020 yillar davrida O‘zbekiston Respublikasi aholisining sog‘lom ovqatlanishini ta’minlash Konsepsiyasini va chora-tadbirlar kompleksini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori. (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015 y., 35-son, 467-modda; 2016 y., 14-son, 132- modda; 2017 y., 19-son, 342-modda, 37-son, 996-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 10.12.2018 y., 09/18/995/2287-son; 23.02.2019 y., 09/19/161/2600-son).



2. O'z DSt 3290:2017. Органические сельскохозяйственные и пищевые продукты. Правила производства, хранения и транспортирования.
3. O'z DSt ISO 5515:2013. Фрукты, овощи и продукты их переработки. Разложение органического вещества перед анализом. Влажный метод.
4. O'z DSt ISO 2172:2014. Сок фруктовый. Определение содержания растворимых сухих веществ. Метод с применением пикнометра.
5. Ade-Omowaye B.I.O., Angersbah A., Eshtiaghi N.M., Knorr D. Impact of high intensity electric field pulses on cell permeabilisation and as pre processing step in coconut processing // Innovative Food Sci. Emerging Technol. 2000. V.1(3). P.203 - 209.



**Elektr ishlov berilayotgan uzum va mevalarning elektrofizik xususiyatlarini
tadqiq etish**

**MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI
FILIALI**

**“Kompyuter injiniring (“Kompyuter tizimlarini loyihalashtirish”)
mutaxassisligi**

Amirova Shahlo Xusun qizi

Annotatsiya: Barchamizga ma'lumki, mevalar inson organizmini qimmatli biologik faol moddalari bilan ta'minlashda katta ahamiyatga ega. Mevalar insonni nafaqat turli xildagi organik moddalar bilan ta'minlaydi, balki uni uzoq umr ko'rishda ham asosiy omillardan biridir. Inson organizmi uchun zarur bo'ladigan vitaminlar va minerallarning qariyb 50% dan ortig'ini mevalardan oladi. Jahonda aholining sok mahsulotlari bilan taminlash dolzarb muammo hisoblanadi. Yosh bollarda, o'rta yoshlarda hamda keksa yoshdagilarda sokka bo'lgan talab yuqori hisoblanadi.

Kalit so'zlar: qishloq xo'jaligi, meva, uzum, sharbat, qizitish, presslash, aktiv moddalar, poliz mahsulotlari.

Meva sharbatlari ishlab chiqarish qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash sanoatining eng muhim sohalaridan biri bo'lib, aholining vitaminlarga bo'lgan talabini yil bo'yi qondirib kelmoqda.

Meva sharbati ishlab chiqarish va iste'mol qilish jadal o'sib bormoqda. Hozirgi vaqtga kelib O'zbekistonda sharbat ishlab chiqarish 60 mln litrni yoki aholi jon boshiga 2 litrdan tog'ri kelmoqda. Aholi orasida sharbat iste'mol qilish keng targ'ib qilinmoqda. Aholining meva sharbatlariga bo'lgan talabi esa to'xtovsiz oshmoqda. Buning asosiy sababi meva sharbatlarida hamma ozuqa moddalari (qand, organik



kislotalar, mineral tuzlar, vitaminlar) yaxshi saqlanadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib meva sharbatlari ishlab chiqarish davr talabi va foydali biznes yo'nalishi hisoblanadi.

Biologik ob'ektlarga impulsli elektr ishlov berishni amaliy qiziqishlari avvalo hujayralarni o'tkazuvchanligini elektr maydonida notermik oshishi bilan bog'liqdir. Biologik hujayralarni dielektrik teshilishi yoki elektroplazmoliz deb nomlanishi, qutblangan elektr maydonidagi hujayralar membranalarida mayda teshikchalar paydo bo'lishi va rivojlanishi oqibatida hosil bo'ladi. Oziq-ovqat texnologiyasida impulsli elektr ishlov berish suyuq mahsulotlarni notermik pasterizatsiyalash va o'simlik hujayralarida massa almashinuv jarayonini jadallashtirishda ishlatiladi. o'simlik xomashyosini qayta ishlash bilan bog'liq ishlab chiqarishda presslash, ajratuvchi sentrifugalash, ekstragirlash, osmotik suvsizlantirish, quritish kabi jarayonlarni samaradorligini oshirish uchun elektroplazmoliz qo'shimcha usul hisoblanadi. Ma'lumki, bu jarayonlarning samaradorligini xomashyoning tarkibiy xususiyatlari bilan aniqlanadi. Shuning uchun bu xususiyatlarni elektroplazmoliz natijasida o'zgarishi ham elektr ishlov berishni va yana xomashyoni boshqa usullar bilan qayta ishlashda o'zini optimallashtirish shroitining muhim faktori hisoblanadi.

Shuni e'tiborga olish kerakki, elektroplazmolizning tabiati va mayda teshikchalarni lokallashishi hali yetarlicha o'rganilmagan. Suspenziyalangan hujayralarni elektr yemirilishini umumiy qabul qilingan mexanizmi, masalan mikroorganizmlar va eritrotsitlar kabilarda, hujayra membranalarining lipidli matritsasida mayda teshikchalarni paydo bo'lishidir. Biologik to'qimalar hujayralarini (o'simlik va hayvonlar) elektroplazmolizi hujayra membranalarini elektroporatsiyasi va hujayra devorlarini butunligini buzilishi bilan tushuntiriladi. Bunda hujayralarni shaxsiy plazmolizi, undan sharbatni oqib chiqishi va vakuol hajmini kamayishi bilan kuzatiladi. Biroq hujayra devoriga elektr maydonini ta'sir etish mexanizmi kam o'rganilgan va ko'p jixatdan noma'lum qolmoqda.



Uzum va mevalarga elektroimpulsi ishlov berish qurilmasining umumiy ko‘rinishi.

Ma’lumki, tirik hujayrani elektr o‘tkazuvchanligini o‘lchash chastotaning keng diapazonida o‘zgaruvchan tokni minimal qiymatlarida o‘tkaziladi. Bu birinchi navbatda elektrodli qutblanish bilan tushuntiriladi, u tadqiq etilayotgan modda bilan elektrod chegarasida hajmiy zaryad to‘planishi oqibatida bo‘ladi. Butun meva, olma va uzum qobig‘i va mag‘izlari elektr o‘tkazuvchanligini eksperimental tadqiqotlari mavjud metodikalar bo‘yicha olib borildi. O‘lchash kuchlanishi chegarasidan chiqmaganligi va o‘lchash vaqti minimal bo‘lgan holda, elektrodlar bilan kontaktlashganda hujayralarni mexanik shikastlanishi ruxsat etilmaydi.

Olma, uzum va ularning tarkibiy elementlari elektr o‘tkazuvchanligini (elektr qarshiligini) o‘rganish uchun uch elektrodli qurilma yaratildi, u zanglamaydigan po‘latdan yasalgan plastinkali potensial va xalqali elektrodlardan iborat.

Xulosa. Meva va uzumdan sharbat chiqishining mevani presslashdan oldin elektr impulsi ishlov berish natijasida protoplazma qobig‘ining buzilish darajasiga bog‘liqligi aniqlandi. Hujayra protoplazma qobig‘ining buzilish darajasining (ϕ_1^H) qiymatini shikastlanish darajasining (S) har bir qiymati uchun grafo-analitik usulda aniqlash yaratildi.



Nazariy tadqiqotlar natijasida elektr impulsli ishlov berish parametrlari bilan sharbat chiqishi orasidagi analitik ifodalar aniqlandi. Shikastlanish darajasini elektr impulsli ishlov berish parametrlari kondensator sig'imi, razryad kuchlanishi va impulslar soniga bog'liqligi aniqlandi.

Yaratilgan xususiy metodika va uch elektrodli tizim yetarli darajada mevalar va uzum mag'izlari va qobig'ini elektr o'tkazuvchanliklarini aniqlaydi. Tadqiq qilinayotgan ob'ektga berilayotgan kuchlanish gradiyenti tirik hujayralarni

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 29 avgustdagi 251-son "2015 - 2020 yillar davrida O'zbekiston Respublikasi aholisining sog'lom ovqatlanishini ta'minlash Konsepsiyasini va chora-tadbirlar kompleksini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori. (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015 y., 35-son, 467-modda; 2016 y., 14-son, 132- modda; 2017 y., 19-son, 342-modda, 37-son, 996-modda; Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.12.2018 y., 09/18/995/2287-son; 23.02.2019 y., 09/19/161/2600-son).
2. O'z DSt 3290:2017. Органические сельскохозяйственные и пищевые продукты. Правила производства, хранения и транспортирования.
3. O'z DSt ISO 5515:2013. Фрукты, овощи и продукты их переработки. Разложение органического вещества перед анализом. Влажный метод.
4. O'z DSt ISO 2172:2014. Сок фруктовый. Определение содержания растворимых сухих веществ. Метод с применением пикнометра.
5. Ade-Omowaye B.I.O., Angersbah A., Eshtiaghi N.M., Knorr D. Impact of high intensity electric field pulses on cell permeabilisation and as pre processing step in coconut processing // Innovative Food Sci. Emerging Technol. 2000. V.1(3). P.203 - 209.



MANTIQUIY FIKRLASH – PRAGMATIK HODISALARNI ANIQLASHNING ASOSI

Yaqubova Yoqutjon Abdullayevna
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent
davlat o‘zbek tili va adabiyoti
universiteti 2-kurs tayanch doktoranti

yaqubovayaqubova94@gmail.com

(99) 933 70 44

(77) 088 70 44

Annotatsiya

Ushbu maqola mantiqiy fikrlashning pragmatik hodisalarni aniqlashdagi ahamiyatini tahlil qilishga bag‘ishlangan. Maqolada mantiqiy fikrlashning mohiyati va uning muammolarni hal etish jarayonlarida tutgan o‘rni yoritiladi. Shuningdek, pragmatik hodisalar tushunchasi kengroq ochib berilib, ularni aniqlashda turli fikrlash usullari, xususan, mantiqiy tahlil va dalillarga asoslangan yondashuvning afzalliklari ko‘rsatib o‘tilgan. Maqolada mantiqiy tafakkurning turli sohalardagi qo‘llanishi hamda uning kundalik hayotdagi amaliy foydasiga e‘tibor qaratildi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, mantiqiy fikrlashni rivojlantirish shaxsiy va professional darajadagi qarorlarni samarali qabul qilishga yordam beradi.

Kalit so‘zlar: pragmatik lingvistik, nutqiy akt, lokutiv, illokutiv, perlokutiv, pragmatik hodisalar, eksplikatsiya, implikatsiya.

MANTIKSAL DÜŞÜNÇE – PRAGMATİK OLAYLARI BELİRLEMENİN TEMELİ

Özet

Bu makale, mantiqsal düşüncenin pragmatik olayları belirlemedeki önemini analiz etmeye ayrılmıştır. Makalede mantiqsal düşüncenin özü ve sorunları çözme sürecindeki rolü açıklanmaktadır. Ayrıca, pragmatik olaylar kavramı daha geniş bir şekilde ele alınmakta, onları belirlemede çeşitli düşünce yöntemleri, özellikle mantiqsal analiz ve kanıtlara dayalı yaklaşımların avantajları gösterilmektedir. Makalede mantiqsal düşüncenin çeşitli alanlardaki uygulamaları ve günlük hayatta pratik faydasına da dikkat çekilmektedir. Araştırma sonuçları, mantiqsal düşüncenin geliştirilmesinin kişisel ve profesyonel düzeyde etkili kararlar almaya yardımcı olduğunu göstermektedir.



LOGICAL THINKING – IS THE BASIS FOR DETERMINING PRAGMATIC PHENOMENA

Annotation

This article focuses on the importance of logical thinking in identifying pragmatic phenomena. It explores the essence of logical thinking and its role in problem-solving processes. Additionally, the concept of pragmatic phenomena is elaborated, emphasizing various thinking methods, particularly the advantages of an approach based on logical analysis and reasoning. The article focused on the application of logical thinking in various fields and its practical benefits in daily life. The research findings indicate that developing logical thinking helps make effective decisions both at a personal and professional level.

Keywords:pragmalinguistics, speech act, locution, illocution, perlocution.

Ma'lumki, ko'plab fanlar bir-biridan o'sib chiqqan. Bu fanlarning o'zaro chambarchas bog'liqligini anglatadi. Zamonaviy tilshunoslikda olib borilayotgan tadqiqotlardan shuni ko'rish mumkinki, ko'plab fanlar bir nuqtada kesishgan holda ish olib bormoqda. Jumladan, tilshunoslik sohasi falsafa, madaniyatshunoslik, psixologiya, mantiq, sotsiologiyatika kabi fanlar bilan bir nuqtada kesishadi. Chunki bugungi kunda bularning barchasida inson omili tadqiqi bosh maqsad qilib olingan.

Mantiq arabcha so'z bo'lib, to'g'ri tafakkur yuritishning asosiy qonunlari va shakllari haqidagi fan; gap, fikr, harakat va shu kabilarning aqlga monandligi, asosiligi; ichki qonuniylik, qonuniyat degan ma'nolarni bildiradi [539].

Mantiqiy fikrlash inson aqliy faoliyatining eng muhim ko'nikmalaridan biri bo'lib, ma'lumotlarni tahlil qilish, xulosalar chiqarish va murakkab vaziyatlarda to'g'ri qaror qabul qilishni ta'minlaydi. Ushbu ko'nikma, ayniqsa, pragmatik hodisalarni aniqlashda muhim ahamiyatga ega. Chunki pragmatizm faqatgina nazariy bilimlarga emas, amaliy va real hayotiy vaziyatlarga asoslanadi. Mazkur maqolada mantiqiy fikrlash va pragmatik hodisalar o'rtasidagi bog'liqlik yoritiladi va ushbu yondashuvning muhim tomonlari tahlil qilinadi. Mantiqiy fikrlash inson fikrlash jarayonida muammo va masalalarni tahliliy ko'rib chiqish, mantiqiy aloqalarni aniqlash va ularning yechimini topish qobiliyatidir. Mantiqiy fikrlash yordamida shaxs haqiqatga yaqin va asosli qarorlar qabul qilishga muvaffaq bo'ladi.

Aniq fanlardagi kabi tilshunoslikda ham masalaga mantiqiy yondashish ustuvor masala hisoblanadi. Ayniqsa, tilshunoslik bilan mantiqni ayricha tasavvur



qilib bo‘lmaydi. Jumladan, qoidalar xususida so‘z yuritilganda, tahlillar jarayonida, albatta, mantiqqa murojaat qilinadi. Umuman olganda, tilshunoslik bilan mantiq har doim birga, yonma-yon ularni ajratib bo‘lmaydi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki, so‘zlaganimizda, gapirganimizda, fikr yuritganimizda doimo mantiq bilan bog‘liq holda, mantiqqa suyangan holda o‘z nuqtayi nazarimizni ifodalashimiz kerak bo‘ladi. Aks holda, ifodalagan fikrimiz, gaplarimiz tinglovchi tomonidan to‘g‘ri va aniq anglanmaydi. Mantiq bilan bog‘lanmagan, mantiqiy o‘ylab ifodalanmagan har qanday gap kishilar o‘rtasidagi kommunikatsiyani to‘liq ta‘minlay olmaydi. Buning uchun so‘zlovchi to‘g‘ri va aniq gap tuzib fikr bildirishi lozim. Nutq jarayonida til vositalarining mantiq qonuniyatlariga mos ravishda bog‘lanishi aniq va to‘g‘ri mulohaza qilishning asosidir. So‘zlovchi o‘z fikrini bayon etar ekan, avvalo til birliklarining birikish imkoniyatlarini yaxshi bilishi lozim, qolaversa, fikrini to‘liq tafsilotlari bilan birga hamda mantiq qonuniyatlariga amal qilgan holda bildirishi zarur. Mantiqan yondashib bildirilgan fikrning ta‘sir kuchi ham yuqori bo‘ladi. Tinglovchi uni osonlik bilan qabul qiladi.

Mantiq, mantiqiylik sifati ilmiy fikr yuritilganda, ayniqsa, muhim ahamiyat kasb etadi. “Mantiqiylik sifati nutqning barcha ko‘rinishlari uchun xosdir, ammo bu sifat, ayniqsa, ilmiy uslubda favqulodda ayricha ahamiyat kasb etadi. Mantiqiylik ilmiy nutqning mohiyati bilan bog‘liq sifatdir. Zotan, ilmiy tafakkur va ilmiy bayon mantiq qonuniyatlariga muntazam tobelikdagi faoliyat sifatida yashab keladi” [128].

M. Hakimov pragmatolingvistika haqidagi dastlabki tushunchalarning shakllanishi va fanning alohida sohasi sifatida ajratilishi Ch.S.Pirsning tilga mantiqiy-falsafiy kategoriya deb qarashi bilan bog‘liq ekanligini ta‘kidlaydi [4]. Pragmatik hodisalar mohiyatini o‘rganish tilshunosdan mantiqiy va falsafiy mushohadalarni ham talab qiladi. Shuning uchun lingvistik pragmatika masalalari hodisani faqat lisoniy tahlil etibgina qolmasdan, balki uning mantiqiy, falsafiy va sotsial xususiyatlarini ham o‘rganadi [17].

Pragmatizm falsafiy oqim sifatida XIX asrda shakllangan bo‘lib, uning asosiy tamoyili amaliy natijadorlikdir. Pragmatizm nazariyasiga ko‘ra, har qanday bilim yoki xatti-harakat uning amaliy natijasi bilan baholanadi. Shuning uchun pragmatik hodisalar real hayotdagi manfaatlar, ehtiyojlar va amaliy natijalar bilan bog‘liqdir. Ushbu hodisalarni aniqlashda faqat nazariy tushunchalar yetarli bo‘lmaydi, balki mantiqiy va tanqidiy fikrlash talab etiladi.

Pragmatik hodisalarni aniqlash uchun shaxsdan tahliliy yondashuv, aniq faktlarga asoslanish va mantiqiy aloqalarni tushunish talab qilinadi. Quyida mantiqiy fikrlashning bu jarayondagi roli bayon qilinadi.

1. **Ma'lumot to'plash va tahlil qilish.** Dastlabki bosqichda hodisaning barcha jihatlari, ya'ni ma'lumotlar va dalillar yig'iladi. Bu jarayonda muammoning aniq ko'rinishi va uni qanday aniqlash mumkinligini tahlil qilish uchun ma'lumotlar sinchiklab tekshiriladi.

2. **Sabab-oqibat munosabatlarini aniqlash.** Mantiqiy fikrlash sabab va oqibatlarni aniqlashga yordam beradi, bu esa hodisaning mohiyatini, tub mazmunini tushunish uchun muhimdir.

Высокий динамизм жизни современного общества - глобализация, массовизация, цифровизация - отчетливо демонстрируют и констатируют проблемы подготовки специалиста, связанные с его умением жить и развиваться в условиях быстро меняющейся, непредсказуемой реальности. Постоянное обновление и совершенствование технологий, перенасыщение информационного поля, трансформация научно-технической и гуманитарной картины мира предъявляют особые требования к подготовке педагога, к соответствию его профессиональных и личностных компетенций новым условиям системы образования. Следует отметить, что вопросы, связанные с тем, каким должен быть педагог, что должно лежать в основе образования, каким образом совмещать традиции и инновации в обучении и воспитании подрастающего поколения, носят вневременной характер и выступают основополагающими в российской педагогической парадигме.

Психолого-педагогическая поддержка педагогов дошкольных образовательных организаций представляет собой важный компонент профессиональной деятельности, направленный на обеспечение психологического благополучия педагогов, развитие их профессиональных компетенций и предотвращение профессионального выгорания. В условиях быстро меняющегося образовательного ландшафта, включая технологизацию образовательного процесса, данная поддержка становится необходимой для эффективной адаптации педагогов к новым требованиям и вызовам. Она должна включать комплекс мероприятий, направленных на укрепление психологической устойчивости педагогов, повышение их эмоциональной и профессиональной мотивации, а также развитие навыков взаимодействия с современными образовательными технологиями.

В настоящее время дошкольной образовательной организации нужен специалист, владеющий новейшими достижениями в области науки и культуры, современными методами обучения, современными информационными технологиями, программным обеспечением, предназначенным для обучения и развития детей дошкольного возраста.

Таким образом, психолого-педагогическая поддержка должна быть интегрированной, сочетая элементы психологического консультирования,

профессионального развития и коллективной работы, что позволяет учитывать как индивидуальные потребности педагогов, так и потребности образовательного учреждения в целом. Разработка и внедрение системной модели психолого-педагогической поддержки педагогов способствует не только повышению их профессиональной компетенции, но и созданию здоровой психологической атмосферы в коллективе, что, в свою очередь, влияет на качество образовательного процесса и развитие детей.

Использованная литература

1. Закон Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года №ЗРУ-637 «Об образовании», <https://lex.uz/docs/5013009>
2. Закон Республики Узбекистан от 16 декабря 2019 года №ЗРУ-595 «О дошкольном образовании и воспитании», <https://lex.uz/ru/docs/4646931>
3. Указ №УП-98 от 02.07.2024 г. «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере дошкольного и школьного образования», <https://lex.uz/docs/6994142>
4. Указ №УП-152 от 30.09.2024 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению качества и эффективности дошкольного образования», <https://lex.uz/ru/docs/7128180>
5. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4312 от 08.05.2019 года «Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года», <https://lex.uz/ru/docs/4327240>
6. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-345 от 30.09.2024 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию Национальной системы квалификаций Республики Узбекистан», <https://lex.uz/ru/docs/7132771>
7. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на II Всемирной конференции по воспитанию и образованию детей младшего возраста, <https://www.gazeta.uz/ru/2022/11/15/pre-education/>
8. Аминов Н. А. Психофизиологические и психологические предпосылки педагогических способностей // Вопросы психологии. 1988. № 5.
9. A. Liberman, E. Saxl & M. Miles - 1988 - In Ann Lieberman (ed.), Building a professional culture in schools. New York: Teachers College Press. pp. 300--877. <https://www.amazon.com/Teacher-Leadership-Ann-Lieberman/dp/0787962457>



10. Грязнов С.А. Цифровая компетентность преподавателя // Ани: педагогика и психология. 2021. № 2 (35). С. 79–81. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-kompetentnost-prepodavatelya>
11. Колыхматов В.И. Цифровая грамотность и навыки современного педагога // Ученые записки университета Лесгафта. 2020. № 8 (186). С. 156–169. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-gramotnost>
12. Выготский Л. С. Педагогическая психология. М.: Педагогика, 1991. 480 с.
13. Зеер Э. Ф. Психология профессий: учебное пособие. Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. проф.-пед. ун-та, 1997. 244 с.
14. Климов Е. А. Психология профессионального самоопределения. Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. 512 с.
15. Митина Л. М. Психология труда и профессионального развития учителя: учебное пособие для студентов высших педагогических учебных заведений. М.: Академия, 2004. 320 с.



Yasama sifatlarning valentligi masalasiga doir

Begimqulova Sevara Faxriddinovna

Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti

sevarabegimqulova@391gmail.com

Annotatsiya: Sifat soʻzlarning valentligi masalasi, Grammatik shakllarning valentlikka taʼsiri, yasama sifatlarning lisoniy va nutqiy imkoniyatlari, sifatlarning boshqa soʻzlar bilan semantik, sintaktik va Grammatik bogʻlanishi kabilar oʻz tadqiqini kutayotgan masalalardan biridir. Ushbu maqolada yasama sifatlarning nutqda boshqa leksemalar bilan birika olish/birikaolmaslik (nomutanosib, yaʼni bogʻlana olmasligi) imkoniyatlari tahlil qilinadi.

Kalitsoʻzlar: lison, nutq, sifat soʻz turkumi, yasama sifat, affiksatsiya, kompozitsiya, valentlik, morfologik, sintaktik, semantik.

Tilshunolar tomonidan sifatlarning (morfologik va sintaktik) yasalishiga hali ham turlicha yondashuvlar kuzatiladi. Umuman olganda, sifatlarning yasalishi hodisasi oʻzbek tilida alohida murakkablik kasb etadi. Sifatlar affiksatsiya (morfologik), kompozitsiya (sintaktik) usullari orqali yasaladi, affiksatsiya usulida yasalgan sifatlarning (*mazali, aqlli, uyatchang, serdavlat*)ning valentlik imkoniyatlari kengroq. Leksik valentlik muayyan bir leksik birlikning boshqa bir leksik birlik bilan birikish imkoniyatidir. Rus tilshunosi S.P. Katsnelson tomonidan ham valentlik “maʼlum bir toifadagi soʻzlarning boshqa toifadagi soʻzlar bilan birika olish qobiliyati” sifatida talqin qilinadi.¹

Hozirgacha jahon va oʻzbek tilshunosligida valentlik masalasiga bagʻishlangan tadqiqotlarda til birliklarining, xususan, feʼl soʻzlarning boshqa birliklar bilan oʻzaro birikish imkoniyati oʻrganilib kelinmoqda. Buning boisi gap qurilishida feʼlga, uning shakllariga gapning markazi sifatida qarash, qolgan boʻlaklarni oʻziga tobe qilib kelish imkoniyatlarining kengligi sanaladi.

¹Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // Л Вопросы языкознания (ВЯ), 1987, №3, - 20 с.



O‘zbek tilshunosligida valentlikning uch xil toifasi farqlanadi:

- 1) leksik(so‘z) valentlik;
- 2) sintaktik valentlik;
- 3) Grammatik shakl valentligi.²

Leksik(so‘z) valentlik biriktiruvchi so‘zning ma’noviy jihatdan o‘ziga mos birikuvchilarni tanlanishida ko‘rinadi, chunonchi, *soqolli* leksemasi shaxs tuhunchasi bilan aloqadorlikka ega. Shuning uchun shaxs ma’nosiga ega leksik birliklar bilan birika oladi, masalan: *soqolli kishi, soqoll itog‘am, soqolli odam*. Albatta, bunda leksemalarning sememaviy mosligi, mutanosibligi hal qiluvchi omillardan biri sanaladi. Ayrim sinonimik affikslar yordamida yasalgan yasama sifatlarning sinonim ma’noni tashisa ham, nutqdagi moddiylikka ega chegaralangan. *Sergo‘sh* bilan *go‘sh* leksemalari lisonda ma’noviy jihatdan yaqin, umumiy ma’noli leksemalar bilan birika oladi: *sergo‘sh somsa, sergo‘sh sho‘rva – go‘sh somsa, go‘sh sho‘rva* kabi. Nutqda voqelanishida esa muloqot tabiati, nutq vaziyatiga ko‘ra ushbu yasama sifatlarning biri tanlanadi va qo‘llanadi. Ushbu sinonim yasama sifatlarning ifodalayotgan ma’nosida farq mavjud, qiyoslang: *sergo‘sh* leksemasida asosdan anglashilgan narsa miqdorining me’yordan ortiqligini, ko‘pligini, *go‘sh* leksemasida esa predmetga ega ekanligini, mavjudlikni anglash mumkin. Ushbu holat shuni ko‘rsatadiki, lisoniy sathda leksema bir qator leksik birliklar bilan o‘zaro birika oladi (lisoniy valentlik), ammo nutqda so‘zlar birikuvchi til birliklari bilan mohiyat, umumiylik zaruriyat, nutqiy vaziyatga qarab moddiylikka ega bo‘ladi, voqelanadi (nutqiy valentlik). Bu haqida R. Rasulovning fikrlari ham o‘rinli: “so‘z valentligi substansial fakt sifatida so‘zning doimiy ichki xususiyati bo‘lib, bu xususiyat nutq faoliyatida, so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishida yuzaga kelmaydi.”³

²Ibragimov J. O‘zbek tilimustaqil leksemalarining xususiy birikuvchilari va ularning modellari: Filol.fan.dok. (DSc) ... diss. – Qarshi, 2023.

³Rasulov R. O‘zbek tilidagi holatfe’llari va ularning obligator valentliklari. – Toshkent: Fan, 1989. – B.13.



“Sintaktik valentlik leksema valentligining ikkinchi tomoni bo‘lib, u hokim mavqedagi leksemaning tobe leksemalarni o‘ziga tortishi uchun ularning ma‘lum bir sintaktik shaklda - kelishik, ko‘makchi, ravishdosh sifatdosh qo‘shimchalarini olgan holda bo‘lishini talab qilishidir.”⁴ Ayni holat esa hokim so‘zning sintaktik maqomi qanday grammatik shakl olganligi bilan belgilanadi. Bilamizki, biriktiruvchi so‘z ma‘lum bir ma‘noviy guruhlar bilan birikishi uchun bu so‘zlarning ma‘lum bir sintaktik shaklda bo‘lishini talab etadi, lisoniy struktura aspektida bu **sintaktik valentlik** hisoblanadi. Sifatlarning egalik qo‘shimchasini olishi o‘zidan oldingi birikib kelayotgan so‘zni boshqa so‘z bilan bog‘lanishida ko‘rinadi. Bu vaqtda egalik qo‘shimchasini olgan sifat qaratqich kelishigini olgan muayyan bir so‘zni talab qiladi: *qizlarning chiroylisi, bolaning aqlisi*.

Sifatlar Grammatik jihatdan shakllanganda (egalik, kelishik, ko‘plik affikslari qo‘shilganda) lisoniy sathda ham, nutqiy sathda ham birikadigan, bog‘lanadigan birikuvchilari birmuncha kamayadi. Ma‘lum bir nutqiy vaziyatdagina qo‘llanishi, zaruriyatdagina moddiylashuvi mumkin. Ya‘ni sifatlar grammatik shakllar bilan kelganda birika olish imkoniyati birmuncha kamayadi, torayadi. Xususan, *nodon* so‘zi bilan birika olishi mumkin bo‘lgan so‘zlar egalik qo‘shimchasini olgan *nodoni* so‘zi bilan birika olmaydi, ma‘lum bir nutqiy sharoitda grammatik shaklga ega so‘zni taqozo etadi. Ikkinchi tarafdin, Grammatik shakllar o‘zlari tarkibida kelayotgan leksemaning lisoniy (ma‘noviy va sintaktik) valentligini kengaytirishi ham mumkin. Yuqorida kuzatilgan misollarimizda egalik shaklida kelgan leksema qaratqich shaklida kelgan so‘zni talab qilishi qartqich– qaralmish tipidagi aloqalarga kirishish imkoniyatini berdi, ko‘rinadiki, o‘zi qo‘shilib kelgan so‘zning sintaktik imkoniyatlarini kengaytirdi. Ushbu sintaktik imkoniyatlar Grammatik shakl valentligini alohida o‘rganishni taqozo qiladi. “Affiksial

⁴Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o‘zbek adabiyati, III qism. – Toshkent: Fan vateknologiyalar, 2006. – B. 22.



morfemalarning birikish qobiliyati **Grammatik shakl valentligidir.**⁵Sifat yasovchi qo‘shimchalarning valentlik imkoniyatlarini kuzatilsa, *serdavlat* va *davlatli* leksemalari qatorida *serdavlat* yasama sifatining birikish imkoniyati keng, *oila*, *kishi*, *inson* leksemalari bilan birika oladi. Lekin *davlatli* yasama sifati bog‘lamalar, to‘liqsiz fe‘llar bilan kesimlik kategoriyasida yuzaga chiqadi: *u kishi davlatli edi*. Cheklangan leksik valentlikka ega bo‘lgan so‘zlarni nomutanosib so‘zlar, tilbirliklariga biriktirish g‘ayritabiiy birikmalarning hosil qilinishiga va nutq jarayonidagi tushunmovchilik, g‘alizliklarga olib keladi.

Maqolaning tadqiqotlar qismi, ayniqsa, o‘zbek tilining leksik, morfologik va sintaktik tizimlarida valentlik va so‘z yasalishi jarayonlarini yanada kengroq tahlil qilishga imkon yaratadi. Tilshunoslikda valentlik nazariyasining chuqur tahlili til qurilishining muhim tamoyillarini aniqlashga xizmat qiladi va turli tillarni qiyoslashda asosiy vosita bo‘lib kelmoqda. Yasama so‘zlarning valentligi masalasi tadqiqi tilning ichki tizimlarini chuqur o‘rganish, lisoniy-nutqiy imkoniyatlarni obyektiv baholash, valentlik tamoyillarini yoritish borasida keng imkoniyatlarni ta‘minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Tesniere, L. (1959). *Elements de Syntaxe Structurale*. – Paris: Klincksieck.
2. Sirojiddinov, S. (2010). *O‘zbek tilshunosligida valentlik va sintaktik bog‘lanishlar*. – Samarqand: SamDU nashriyoti.
3. Rasulov, R. (1989). *O‘zbek tilidagi holat fe‘llari va ularning obligator valentliklari*. – Toshkent: Fan nashriyoti.
4. Ibragimov, J. (2023) *O‘zbek tili mustaqil leksemalarining xususiy birikuvchilari va ularning modellari*: Filol.fan.dok. (DSc) ... diss. – Qarshi.

⁵Ibragimov J. O‘zbek tilimustaqil leksemalarining xususiy birikuvchilari va ularning modellari: Filol.fan.dok. (DSc) ... diss. – Qarshi, 2023. – B.84.



5. Sharipova, O'. (1996) *O'zbek tilida yumush fe'llarining ma'no valentliklari*: filol.fan.nomz. ... diss.avtoref.– Toshkent.
6. Qo'chqortoyev, I. (1977) *So'z ma'nosi va uning valentligi*. – Toshkent:Fan.
7. Abuzalova, M. (2008) *Substansial morfologiya, valentlik va sintaktik qurilma*: filol.fan.dok.(DSc) ... diss.avtoref.– Samarqand.
8. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. (2006) *Hozirgi o'zbek adabiy tili, III qism*. – Toshkent:Fan va texnologiyalar.



**BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARNING IJTIMOIIY
TAFAKKURINI MEDIAKOMPETENTLIK ASOSIDA
RIVOJLANTIRISH YO'LLARI**

G'aniyeva Gulxayyo Islom qizi
Termiz davlat pedagogika instituti

Annatsiya: Maqolada boshlang'ich ta'lim sinf o'quvchilariga ommaviy axborot vositalarining salbiy ta'siri muammolari va bu salbiy ta'sirlar o'quvchilarning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatayotgani masalalari ko'rib chiqilgan. Shuningdek, maqolada o'quvchilarning mediakompetentligini rivojlantirish orqali yuqorida berilgan muammolarni yechish yo'llari haqida fikrlar berilgan.

Kalit so'zlar: mediata'lim, mediakompetentlik, media, internet, texnologiya, tafakkur, ijtimoiy tarmoqlar o'yinlar metodikasi krassvord media ta'lim tizimi

Ma'lumki, ta'lim jamiyat rivojlanishida muhim rol o'ynaydi. Qanday sohada bo'lmasin, yuqori bilimga ega mutaxassislar ilmiy-tadqiqot ishlanmalari bilan shug'ullanish, yangi mahsulot turlarini yaratish va texnologiyalarni rivojlantirish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Jahondagi globallashuv jarayonlari va kompaniyalar o'rtasidagi mavjud chuqur raqobat muhiti mutaxassislarni ham favqulodda shunga tayyor bo'lishlarini talab etadi. Ular nafaqat o'z g'oyalarini rivojlantirish va yaratilgan nazariy modellarini amalda joriy etish uchun qulay sharoitlarni ta'minlaydilar, shu bilan birga, iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishi uchun ham muhim intellektual omil hisoblanadi. Ko'plab nashrlar, ommaviy axborot vositalari, axborotkommunikatsion texnologiyalari media deb ataluvchi barcha narsalarni haddan tashqari ko'p ishlatish, aksariyat hollarda, zamonaviy maktab o'quvchilarining ruhiy va jismoniy sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Psixologlarning ta'kidlashicha, keng tarqalib kelayotgan mediatexnologiyalar foydali emas va sezilarli darajada xatarlarga to'la. Aksariyat tadqiqotlarning ko'rsatishicha, kompyuter o'yinlari, o'yinli ko'ngilochar dasturlar, ommaviy axborot vositalarining ta'siri ostida maktab o'quvchilarining qisqa muddatli tafakkuri shakllanadi [1]. Masalan, energetik ichimliklar reklamasini olaylik. Go'yoki, ushbu ichimliklar kuchquvvat bag'ishlovchi effektga ega deb reklama qilinadi. Butun dunyoda ushbu ichimlikni iste'mol qiluvchilarning aksariyatini o'smir yoshlar tashkil qilgan ekan. Mana shu reklama ta'sirida, asosan, o'smir yoshlar, hali organizmi to'la shakllanib ulgurmasdan, bu ichimliklarni me'yoridan ortiq iste'mol qilishini va oqibatda uning zararidan nobud bo'lganlarini ham kuzatish



mumkin [2]. Media olamida turli xil internet saytlar va ijtimoiy tarmoqlar orqali borgan sari targ'ib etilayotgan milliy an'analarga va urf-odatlarimizga hamda axloq normalariga, umuman, to'g'ri kelmaydigan film va kliplar yoshlarimiz ongiga salbiy ta'sir ko'rsatib, oila degan muqaddas tushunchalarning parchalanishiga sabab bo'lmoqda.

Buning oqibatida tanqidiy ong darajasi pasayadi, moddiy-axloqiy qiymat tizimida atrof olamni qabul qilish, shuningdek, ma'lumotlarni analiz va sintez qilish qobiliyatida o'zgarishlar yuz beradi. Psixologik-pedagogik tadqiqotlarning ko'rsatishicha, qisqa muddatli tafakkur asosida atrofdagi olam tarqoq dalillar mozaikasiga aylanadi. Bu holatga maktab o'quvchilarining hissiy doirasi o'rganib qoladi, dalillar kaleydoskop singari birin-ketin almashadi va maktab o'quvchilariga muntazam ravishda yangi taassurotlar kerak bo'ladi. Bunday tezkor jarayonda maktab o'quvchilarining hissiy sohasining sezgirligi pasaya boshlaydi. Qisqa muddatli tafakkur egasi faqat ma'lum uzunlikdagi ma'nolarda ishlaydi va ixtiyoriy murakkab semiotik tuzilmalar bilan ishlay olmaydi. Tashqi tomondan bu maktab o'quvchilarining uzoq vaqt davomida har qanday ma'lumotga e'tiborini qarata olmasligi va uning tahlil qilish qobiliyati pasayganligida namoyon bo'ladi. Qisqa muddatli tafakkur kompyuter vositalari va ommaviy axborot vositalari orqali uzoq muddat davomida mozaika va tayyor shakldagi past saviyali yuzaki ma'lumotni is'temol qilish orqali ishlab chiqariladi. Qisqa muddatli tafakkur, ko'pincha, daqiqali hislar tafakkuri deb ataladi. Bolaga ma'lum bir vaziyatni anglashi uchun 2–3 daqiqa beriladi va shu zahoti barchasini unitish kerak bo'ladi, chunki yangi ma'lumotlar oqimi boshlanadi. Qisqa muddatli tafakkurda hissiyot va mas'uliyat hislarining zaiflashuvi sodir bo'ladi. Tafakkurning bu ko'rinishi bolaning to'laqonli rivojlanishiga xalaqit beradi va uning shaxsiyati tubdan buzilishiga olib keladi. Bunday sharoitda mediakompetentlikni rivojlantirish, uning zamonaviy talablarini hisobga olgan holda shakllantirish hamda pedagogik sharoitlarini aniqlash kerak. Hozirda ilmiy-texnikaviy taraqqiyot talablariga mos holda o'quvchi yoshlarning axborot texnologiyalari borasidagi bilimlarini takomillashtirish orqali mediakompetentlikni shakllantirish va rivojlantirish yo'nalishlarini belgilash lozim. L. S. Vigotskiy bolalarning ilk 2 yilini nutqqacha rivojlanish bosqichi sifatida xarakterlaydi. Ikki yoshdan so'ng tafakkur va nutq yo'nalishlari hamkorlikda rivojlana boshlaydi va bu jarayonning sinergiyasi kuzatiladi. A. A. Nemirech, O. V. Barsukova va boshqa qator psixologlarning ko'p yillik tadqiqotlari ko'rsatishicha, ommaviy axborot vositalari, kompyuter o'yinlari va ko'ngil ochar dasturlarini faol



is'temol qilish holati kattalar tomonidan nazoratga olinmaydi va ta'lim-tarbiya standartlari talablariga javob bermaydi.

Bu esa maktab o'quvchilari psixik rivojlanishining normal kechishiga halaqit beradi. Oqibatda, nutqiy tafakkur o'z o'rnida rivojlanmaydi, chunki, ommaviy ko'rsatuvlarni ko'rish va kompyuter o'yinlarini o'ynash jarayonida maktab o'quvchilari ichki va tashqi nutqdan foydalanmaydilar. Demak, ijtimoiy tarmoqlarga murojaat etayotgan o'smirlarga, eng avvalo, yoshlarga internetdan foydalanish madaniyatini (mediamadaniyatini) o'rgatish kerak. Maktab o'quvchilarini zamonaviy axborot vositalari yordamida savodli muloqot qilish, muhim va qimmatli ma'lumotlarni ajratish malakalariga o'rgatish zarurati paydo bo'ladi. Afsuski, mamlakatimizda maktab o'quvchilarining mediasavodxonligiga yetarlicha e'tibor berilmaydi. Shu bois mediata'limning joriy etilishi alohida dolzarb ahamiyatga ega. Mediata'lim xalqimizning urf-odatlariga, milliy qadriyatlariga tayangan holda, umuminsoniy qadr-qimmatlarga asoslanib tashkil etilishi kerak.

Mediata'lim yoshlarimizni zamonaviy OAV bilan xavfsiz va samarali muloqot qilishga tayyorlaydi, ularda mediaogohlikni, mediasavodxonlikni, mediamadaniyatni va mediakompetentlikni shakllantiradi. Media bolalarimizni tarbiyalashda, ta'lim berish va madaniy rivojlantirishda katta o'rin egallaydi, shuningdek, jamoatchilik fikrini shakllantirishda va boshqaruv jarayonlarida faol ishtirok etadi. Zamonaviy maktab o'quvchilari, odatda, kattalardan ko'proq ommaviy axborot vositalari va kompyuter uskunalaridan foydalanishda ustunliklarga ega bo'ladilar, media innovatsiyalarni o'zlashtiradilar, media tajriba va qat'iy media tanlovlariga egalar [5]. Zamonaviy maktab ta'lim muassasalariga ommaviy axborot vositalari, interaktiv texnologiyalar, masofaviy ta'lim shakli va ta'lim olish, elektron san'atlar tezkor ravishda kirib bormoqda. Maktab o'quvchilari doimo o'sib borayotgan axborot oqimlariga duch keladilar va o'zlarining qidiruv malakalarini namoyish qilish, olingan ma'lumotlarni mustaqil ravishda tanqidiy baholash jarayonida katta qiyinchiliklarni boshdan kechiradilar. Bunday sharoitda mutaxassislar tayyorlashda medianing roli ancha ortadi. Bu o'z navbatida o'qituvchidan yuksak eruditsiya, ulkan ijodiy, ilmiy salohiyat va tashabbuskorlikni talab qiladi, chunki uchinchi ming yillikda mehnat bozori kuchli raqobat va iqtisodiy ehtiyoj muhiti sharoitida kadrlar tanlashga alohida e'tibor berib, ularni jiddiy saralamoqda. Shuning uchun maktab o'quvchilarini mediasavodxonlikka o'qitish davlatimiz ta'lim siyosatida ustuvor yo'nalish bo'lishi kerak. Axir, millatimizning kelajagi, aynan, zamonaviy maktab o'quvchilarining mediasavodxonligiga bog'liq bo'ladi.



Xulosa qilib aytganda, umumta'lim maktablarida mediata'limni rivojlantirishda ommaviy axborot vositalarining o'rni bugun mustaqil shaxslar uchun turli-tuman mavzudagi gazeta jurnallar soni ko'p. Bilimga tashna, oqni qoradan ajrata olmaydigan yoshdagi bolalar uchun esa, narhi hamyonbop, mazmuni oltinga teng ilmlardan iborat bolalar davriy nashrlari esa sanoqli ekani eng dolzarb muammoning o'zidir. Bolalarni fikrlashga undash faqatgina badiiy adabiyot bilan cheklanmasligi lozim.

Multimedialar orqali o'quvchilar o'zlariga mediata'lim beradilar. Turli mamlakatlarning ko'plab olimlari "media muhiti", "media madaniyati", "media ta'limi", "media savodxonligi" kabi asosiy tushunchalarni shakllantirishning bir necha usullarini aytib o'tishgan. Media ta'lim – (ing. media education, lot. media – degan ma'noni anglatadi). "Ta'lim" tushunchasining o'zi nafaqat kasbiy va ilmiy bilimlarni, balki ma'naviy me'yorlar va madaniy qadriyatlarni takror ishlab chiqarishni, to'plashni ta'minlaydigan ijtimoiy institutdir. Media ta'lim talabalarni ommaviy kommunikatsiya (matbuot, televideniye, radio, kino, video, internet va boshqalar) qonuniyatlarini o'rganishga qaratadi. Media ta'limning asosiy vazifalari: yangi avlodni zamonaviy axborot sharoitida hayotga tayyorlash, turli ma'lumotlarni idrok etish, insonni uni tushunishga o'rgatish, uning psixikaga ta'sirining oqibatlarini anglash, ta'sir qilish usullarini o'zlashtirish va og'zaki bo'lmagan shakllarga asoslangan muloqot texnik vositalardan foydalangan holda munosabatga kirishish demakdir. Jamiyat va davlat rivojida ta'lim va media ta'limning roli kattadir.

Mediata'lim orqali dunyoning yetakchi mamlakatlari ta'lim sohasining ustivorligiga erishdi. Bugungi kunda yangi sifatli ta'limga erishish uchun ta'limni axborotlashtirish va o'qitish uslublarini optimallashtirish, ochiq ta'lim texnologiyalaridan faol foydalanishni amalga oshirish zarur. Media-ta'lim hozirgi davrda shaxsning ommaviy axborot vositalari orqali rivojlanish jarayonini anglatadi. Manbalardan kelayotgan axborot oqimi–dan to'g'ri foydalanib, o'zining rivojlanishi uchun kerakli bo'lgan axborotlarni o'rganish. Hozirgi axborotlashgan jamiyatda barcha mediaresurslarini tahlil qilish muhim rol o'ynaydi. Xorijiy media-ta'limning tahlili shuni ko'rsatadiki, talabalar o'zining o'qish jarayonida asosan internet, televideniya manbalaridan foydalanishadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Чельшева.И.В. Методика и технология медиа образования в школе и вузе. -М.: Директ-медиа, 2013. 135-с. 3.
2. Журин А.А. Интеграция медиаобразования с курсом химии средней общеобразовательной школы // Медиаобразование. 2005. № 1. С. 32.
3. Qosimova N. Toshpo'latova N. O'zbekiston OAV da bolalar mavzusining yoritilishi. O'quv qo'llanma. -T.: 2014. B-36.
4. International scientific-practical conference on the topic of "Problems and perspectives of modern technology in teaching foreign languages"
5. Muratova, N. (2022). Mass Media in State Strategic Programs of Information Society Development in Different Countries. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(4), 56-61.
5. G'aniyeva G.I. 3-sinflarda tabiiy fanlarni mediata'lim vositalari asosida o'qitishga doir dars ishlanmalari metodikasi. Uslubiy qo'llanma.-Toshkent-Factor press, 2023.-48 b.
6. G'aniyeva G. I. 3-sinf o'quvchilarida ijtimoiy tafakkurni fanlararo mediata'lim vositalari asosida shakllantirish metodikasi // *Inter education & global study*. – 2024. – №8. URL.
7. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi “ Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida shaxslararo muloqot madaniyatini shakllantirish”. “Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў” //Илимий-методикалық журнал 2024 5/2-сан ISSN 2181-7138. Нөкис -2024
8. Abdimannabovna, M. L. (2022). Opportunities for an Interdisciplinary Integrated Approach to Improving the Culture of Environmental Safety. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 7-12.
9. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi and Feruza Hayitova Abdullayevna, “THE ROLE OF PICTURES IN THE FORMATION OF STUDENTS 'CREATIVE ABILITY IN LITERACY LESSONS”, *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 6, no. 4, p. 3, Jul. 2021.



BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARIDA IJOBIY FAZILATLARNI SHAKLLANTIRISH MEXANIZMI

Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi
Termiz davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish mexanizmlari ko‘rib chiqiladi. Maqolada o‘qituvchilar, ota-onalar va jamiyatning bolalar shaxsiyatining rivojlanishiga bo‘lgan ta’siri haqida fikr yuritiladi. Ijobiy fazilatlar, masalan, halollik, sabr-toqat, mehnatsevarlik, mehr-oqibat kabi sifatlar, bolalarda akademik va ijtimoiy muvaffaqiyatlarni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Shuningdek, bolalarda bu fazilatlarni rivojlantirishda o‘qituvchi va ota-onalarning o‘rnak bo‘lishi, rag‘batlantirish, muloqotda bo‘lish va jamoaviy faoliyatlarning ahamiyati ta’kidlanadi. Maqolada ijobiy fazilatlarni shakllantirish uchun samarali pedagogik metodlar va amaliy tavsiyalar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Boshlang‘ich sinf, ijobiy fazilatlar, o‘qituvchi, ota-ona, pedagogika, rag‘batlantirish, muloqot, jamiyat, shaxsiyat rivojlanishi, bolalar.

KIRISH: Boshlang‘ich sinf - o‘quvchilar hayotining ilk bosqichi bo‘lib, bu davrda bolalar shaxsiyatining asosiy fazilatlari shakllanadi. Ota-onalar, o‘qituvchilar va atrof-muhit ta’siri bilan bolalarda ijobiy fazilatlar rivojlanadi, bu esa ularning kelajakdagi muvaffaqiyatlari uchun poydevor bo‘ladi. Ijobiy fazilatlar – bu odamni yaxshi inson qilib shakllantiruvchi sifatlar, masalan, mehr-oqibat, halollik, sabr-toqat, mehnatsevarlik, o‘zini tuta olish va boshqalar. Boshlang‘ich sinfda bu fazilatlarni rivojlantirishning mexanizmlarini tushunish va amaliyotda qo‘llash bolalar shaxsiyatining to‘g‘ri shakllanishini ta’minlaydi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari inson hayotidagi muhim davrni tashkil etadi, chunki bu davrda bolalar nafaqat bilim oladi, balki shaxsiy fazilatlari, xarakterlari va ijtimoiy ko‘nikmalari shakllanadi. O‘qish va o‘rganish jarayonida bolalar nafaqat kognitiv ko‘nikmalarni rivojlantiradilar, balki turli ijobiy fazilatlar ham shakllanadi, bu esa ularning kelajakdagi muvaffaqiyatlariga poydevor bo‘ladi. Pedagogika ilmida ijobiy fazilatlar deb, bolalarni nafaqat yaxshi o‘quvchi, balki yaxshi inson qilishga yordam beradigan axloqiy va shaxsiy sifatlar tushuniladi. Boshlang‘ich sinfda ijobiy fazilatlarni rivojlantirishga qaratilgan tizimli yondashuv bolalarning jamiyatda o‘z o‘rnini topishida, o‘zini ijtimoiy va axloqiy nuqtai nazardan to‘g‘ri tutishida muhim ahamiyatga ega.

Bunday fazilatlar, masalan, halollik, mehr-oqibat, mehnatsevarlik, mas'uliyat, sabr-toqat va boshqalar, bolalar o'zaro munosabatlarda muvaffaqiyatli bo'lishi, qiyinchiliklarni yengib o'tishi va jamoada ishlashga o'rganishi uchun zarurdir. O'qituvchilarning pedagogik uslublari, ota-onalarning ta'siri va jamiyatning o'rgatish strategiyalari yordamida bolalarda bu sifatlarni shakllantirish mumkin. Shu sababli, boshlang'ich sinfda ijobiy fazilatlarni shakllantirish mexanizmlarini tushunish, ularni samarali qo'llash, o'quvchilarni ijtimoiy va axloqiy jihatdan sog'lom, mehnatsevar va ijobiy shaxs sifatida tarbiyalashga yordam beradi. Bu maqola bolalarda ijobiy fazilatlarni shakllantirishda samarali usullar va metodlarni ko'rib chiqishga, o'qituvchilar va ota-onalarga amaliy tavsiyalar berishga qaratilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar ko'plab ilmiy manbalarda yoritilgan. Pedagogikada ijobiy fazilatlar bolalarni nafaqat bilim olishga, balki ijtimoiy hayotga tayyorlashga ham xizmat qiladi. A. D. Leontiev (2003) o'zining psixologik tadqiqotlarida shaxsiyatning shakllanish jarayonida ijobiy axloqiy fazilatlarning muhimligini ta'kidlaydi. Uning fikriga ko'ra, "Shaxsiyatning asosiy rivojlanish davri bolalikda, ayniqsa boshlang'ich sinfda yuz beradi", shuning uchun bu davrda ijobiy sifatlarni o'rgatish zarurdir. T. I. Shmidt (2010) o'zining "Boshlang'ich sinfda axloqiy ta'lim metodlari" asarida ijobiy fazilatlarni shakllantirishda o'qituvchilarning roli haqida to'xtaladi.

U pedagoglar o'z darslarida bolalarda mehnatsevarlik, halollik, mehr-oqibat va o'z-o'zini anglash kabi fazilatlarni rivojlantirishga e'tibor berishlari kerakligini ta'kidlaydi. Shmidtning fikricha, bu fazilatlar o'quvchilarning akademik muvaffaqiyatlarini oshirish bilan birga, ijtimoiy va axloqiy jihatdan sog'lom shaxslar sifatida rivojlanishlariga yordam beradi. Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirishning metodologik asoslari va usullari tahlil qilinadi. Tadqiqotda sifatli va miqdoriy usullar qo'llaniladi. O'qituvchilarning pedagogik faoliyatini tahlil qilish, bolalarning ijobiy fazilatlarini rivojlantirishdagi amaliy yondashuvlarni o'rganish hamda o'quvchilarning axloqiy va shaxsiy fazilatlarini baholashda anketalar, intervyular va kuzatish metodlari foydalaniladi:

1. Sifatli metodlar: Sifatli tadqiqot metodlarida asosan o'qituvchilarning dars jarayonidagi faoliyatini kuzatish, bolalar bilan muloqot qilish, ularning hissiy va axloqiy holatini tahlil qilish kiritilgan. Bu metod yordamida bolalar bilan

o'rganilgan ijobiy fazilatlar, masalan, mehr-oqibat, halollik, sabr-toqat va boshqalar, ularning ijtimoiy hayotidagi o'zgarishlarga qanday ta'sir qilishi o'rganiladi. Tadqiqotda o'qituvchilarning darsda bolalarni rag'batlantirish usullari, ular bilan shaxsiy suhbatlar, guruh ishlari va o'yinlar orqali bolalar bilan qanday aloqalar o'rnatishlari ko'rib chiqiladi.

2. Miqdoriy metodlar: Miqdoriy tadqiqot metodlari orqali o'quvchilarning ijobiy fazilatlarini shakllantirishdagi o'zgarishlar statistik jihatdan tahlil qilinadi. Bu usulda o'quvchilarga berilgan anketalar, so'rovnomalar va testlar yordamida bolalarning axloqiy va shaxsiy fazilatlarini darajasi o'lchanadi. O'qituvchilarning metodik ishlanmalari, bolalarning darsdagi va sinfdagi xulq-atvorini baholash uchun miqdoriy metodlar yordamida ko'rsatilgan ijobiy o'zgarishlar aniqlanadi.

3. Amalga oshirish tajribalari: Tadqiqot davomida boshlang'ich sinfda ijobiy fazilatlarni shakllantirish uchun o'qituvchilar tomonidan qo'llaniladigan turli pedagogik metodlar ham sinovdan o'tkaziladi. Masalan, o'quvchilarga axloqiy masalalar bilan tanishish, ularni yechish orqali fazilatlarni rivojlantirish, guruh ishlari, rolli o'yinlar va kreativ faoliyatlar orqali ijobiy fazilatlarni shakllantirish metodlari amaliyotda qo'llaniladi. Bu metodlar o'quvchilarda nafaqat axloqiy, balki ijtimoiy ko'nikmalarni ham rivojlantiradi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish, o'z navbatida, ularning shaxsiy rivojlanishiga, jamiyatda faol va mas'uliyatli fuqarolar sifatida shakllanishiga asos soladi. Bu jarayon nafaqat o'quvchi bilimlarini rivojlantirishga, balki uning ijtimoiy, axloqiy, va emotsional qobiliyatlarini ham oshirishga qaratilgan. Ijobiy fazilatlarni shakllantirishning samarali mexanizmlari o'qituvchi va ota-onalarning hamkorligini, shuningdek, o'quvchi bilan doimiy aloqa va faoliyatni talab etadi. Boshlang'ich sinfda ijobiy fazilatlarni shakllantirishda turli metodlar va usullar qo'llaniladi. Bu metodlarning eng samaralilari o'quvchilarning jamoaviy faoliyatini rag'batlantirish, axloqiy qadriyatlarini o'rgatish va shaxsiy namuna ko'rsatishdir. O'qituvchilar, o'quvchilarni yaxshi xulq-atvor va ijtimoiy mas'uliyatga o'rgatishda turli interfaol metodlarni, masalan, guruhli ishlarni, munozaralar va ijtimoiy rollarni qo'llashlari kerak. Shuningdek, ijobiy fazilatlarni shakllantirishda ota-onalarning roli muhimdir. Ular uyda o'z farzandlariga yaxshi xulq-atvorni ko'rsatish va o'quvchilarning ijtimoiy faolligini qo'llab-quvvatlash orqali o'qituvchilarga yordam berishlari mumkin. Ota-onalar bilan o'zaro hamkorlik orqali o'quvchilarda o'zlariga nisbatan mas'uliyat hissi shakllanadi va ular

jamiyatda o'z o'rnini topishga o'rganadilar. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish mexanizmi o'z samarasini ko'rsatadi.

O'quvchilar orasida do'stona munosabatlar, o'zaro yordam va hurmatni rivojlantirish, ularning axloqiy va emotsional ko'nikmalarini yaxshilashga yordam beradi. O'qituvchilarning, ota-onalarning va o'quvchilarning hamkorligi natijasida, o'quvchilar o'zlarining ijtimoiy mas'uliyatlarini anglab yetadilar va ular jamiyatda o'z o'rnini topishga tayyor bo'lishadi. Ijobiy fazilatlar o'zaro hurmat, adolat, hamkorlik va mas'uliyatni o'z ichiga olgan bo'lib, bu ko'nikmalarni bolalar erta yoshdan boshlab rivojlantirish juda muhimdir.

Shuningdek, o'quvchilarda o'z-o'zini nazorat qilish, qaror qabul qilish va vazifalarni bajarishda qat'iyatlilikni rivojlantirish, kelajakda ularning muvaffaqiyatli va barqaror shaxslar sifatida shakllanishiga yordam beradi. Bu jarayonni amalga oshirishda turli metodlar, usullar va barcha o'qituvchilar hamda ota-onalarning birgalikdagi harakati natijasida, boshlang'ich sinf o'quvchilari jamiyatda faol, axloqiy va mas'uliyatli fuqarolar bo'lib ulg'ayadilar. O'quvchilarni ijobiy fazilatlarni egallashga o'rgatishda o'qituvchilarning roli alohida. O'qituvchi bolalarga axloqiy darslarni o'rgatishdan tashqari, ularga ijobiy xulq-atvorni ko'rsatish va ularni rag'batlantirish orqali yaxshilikka o'rgatadi. Yaxshi xulq-atvorni mustahkamlash uchun o'qituvchilar interfaol metodlardan foydalanishi, o'quvchilarga ma'lum bir vazifalarni bajarishda yordam berishlari va ularni o'zaro hamkorlikka jalb qilishlari kerak. Misol uchun, guruhli ishlarda, jamoaviy loyihalarda va munozaralarda o'quvchilar bir-birlari bilan o'zaro aloqada bo'lib, ijobiy fazilatlarni amalga o'rganadilar. Bundan tashqari, o'qituvchilar ijobiy fazilatlarni shakllantirishda o'quvchilarning o'zaro munosabatlariga alohida e'tibor berishlari kerak. Boshqalar bilan yaxshi muloqot qilish, rahm-shafqatli bo'lish va bir-biriga yordam berish kabi ko'nikmalarni rivojlantirish bolalar o'rtasidagi hurmat va do'stlikni kuchaytiradi. Ushbu fazilatlarni shakllantirish jarayonida o'qituvchilar turli ta'lim metodlarini qo'llashlari lozim.

Masalan, o'quvchilarga samarali muloqot va fikrni erkin ifodalash imkoniyatini beradigan rolli o'yinlar va guruhli munozaralar ijobiy natijalar beradi. Ijobiy fazilatlarni boshlang'ich sinf o'quvchilarida shakllantirishning samarali mexanizmi o'quvchilarda nafaqat yuqori axloqiy qadriyatlarni, balki o'zini anglash va o'zini tutish qobiliyatini rivojlantiradi. O'quvchilar orasida o'zaro hurmat va mas'uliyatni rivojlantirish, ularning ijtimoiy faolligini oshiradi. O'zaro yordam, do'stlik va jamoaviy ishlarda ishtirok etish orqali bolalar o'zaro munosabatlar va jamiyatda o'z o'rnini topishning ahamiyatini anglashadi. Shu bilan birga,



o'quvchilar o'zlarining ijtimoiy mas'uliyatini o'rganadilar, shaxsiy va jamoaviy muvaffaqiyatlar uchun birgalikda harakat qilishni o'rganishadi.

Ijobiy fazilatlarni shakllantirish, o'quvchilarni nafaqat ijtimoiy jihatdan muvaffaqiyatli qilish, balki ularning shaxsiy rivojlanishiga ham katta ta'sir ko'rsatadi. Masalan, bolalar o'zgaruvchan muhitda qaror qabul qilishda va jamoada ishlashda yaxshiroq ko'nikmalarga ega bo'lishadi. Ota-onalar va o'qituvchilarning o'zaro hamkorligi orqali bolalarda ijobiy fazilatlar, mas'uliyat va axloqiy qadriyatlar mustahkamlanadi. O'qituvchi, ota-ona va o'quvchilar birgalikda olib boradigan faoliyatlar nafaqat bilimlarni balki, shaxsiy va ijtimoiy fazilatlarni ham rivojlantiradi. Bunda ota-onalar o'z farzandlarini o'qituvchilar bilan birgalikda harakat qilib, ularning axloqiy rivojlanishiga yordam beradilar. Bu jarayon davomida bolalar nafaqat bilim olishadi, balki jamiyatda faol va ijobiy rol o'ynashga tayyor bo'ladilar.

XULOSA: Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish jarayoni ularning kelajakdagi shaxsiy rivojlanishiga va jamiyatda faol fuqarolar sifatida shakllanishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Bu jarayon, o'qituvchilarning axloqiy qadriyatlar va ijtimoiy ko'nikmalarni o'rgatishdagi roli, ota-onalar bilan hamkorlik, hamda o'quvchilarning jamoaviy faoliyatlar orqali o'zaro hurmat va mas'uliyatni o'zlashtirishi bilan yanada samarali bo'ladi.

Ijobiy fazilatlarni shakllantirish nafaqat o'quvchilarda yaxshi xulq-atvorni rivojlantiradi, balki ularning qaror qabul qilish qobiliyatini, o'zaro munosabatlarda hurmatni, va jamiyatga bo'lgan mas'uliyat hissini mustahkamlashga yordam beradi. Bunda har bir ishtirokchi, ya'ni o'qituvchi, ota-ona va o'quvchi o'zaro uyg'un ishlash orqali ta'lim jarayonini yanada samarali va muvozanatli qiladi. Shunday qilib, ijobiy fazilatlarni shakllantirish nafaqat boshlang'ich ta'lim bosqichining, balki umuman ta'lim tizimining muhim vazifalaridan biridir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Xushvaqtova, D. M. (2019). Bolalarga axloqiy tarbiya berishning usul va metodlari. Tashkent: O'qituvchi. – 128 bet.
2. Abdullaeva, R. T. (2021). O'quvchilarda ijtimoiy fazilatlarni rivojlantirish: pedagogik tadqiqotlar. Samarqand: Samarqand Davlat Universiteti nashriyoti. – 154 bet.
3. Ergasheva, N. N. (2020). Axloqiy tarbiya va uning asoslari. Toshkent: Fan va texnologiya. – 210 bet.



4. Shomurodov, S. A. (2018). Ta'limda ijobiy fazilatlarni shakllantirish usullari. Buxoro: Buxoro davlat universiteti nashriyoti. – 142 bet.
5. Kamilova, L. (2017). O'quvchilarda mas'uliyatni shakllantirishning pedagogik asoslari. Tashkent: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – 132 bet.
6. Aslanova, G. A. (2022). Bolalar ta'limida axloqiy qadriyatlar: nazariya va amaliyot. Nukus: Nukus Davlat Universiteti nashriyoti. – 176 bet.
7. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi “ Boshlang'ich sinf o'quvchilarida shaxslararo muloqot madaniyatini shakllantirish”. “Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў” /Илимий-методикалық журнал 2024 5/2-сан ISSN 2181-7138. Нөкис -2024
8. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi and Feruza Hayitova Abdullayevna, “THE ROLE OF PICTURES IN THE FORMATION OF STUDENTS 'CREATIVE ABILITY IN LITERACY LESSONS”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 6, no. 4, p. 3, Jul. 2021.
9. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi “ Enhancing creativity in the process of developing studentso speech “ The American Journal of Social Science and education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published Published: June 28, 2021 | <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03> Иссые06-24 IMPACT FACTOR 2021: 11. 857 OCLC – 1121105668 Pages: 140-143 Америка
10. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi, Rakhmatova Hamida Ismatillo qizi, “ Increasing Creativity by using Interactive methods in literacy teaching process” Analytical journal of education and development Science Box In Vol.1(2021): Analytical journal of education and development 52-54-betlar Тошкент
11. BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING AQLIY SALOHIYATINI HAMDA KREATIVLIGINI OSHIRISHDA MENTAL ARIFMETIKANING O'RNI
M Ziyaqulova, S Ashurova, N Toshpulatova - Development and innovations in science, 2023
12. The importance of riddles in the development of students creativity in the learning process
ZMS Qizi - Asian Journal Of Multidimensional Research, 2021
13. BOSHLANGICH SINIF OQUVCHLARINING LUGATLAR BILAN ISHLASH JARAYONIDA KREATIVLIGINI OSHIRISH
MSQ Ziyaqulova, HIQ Raxmatova - ... : Innovative, educational, natural and social sciences, 2021



MODERNIZING EDUCATION THROUGH METHODS OF DIGITAL TRANSFORMATION: NEW APPROACHES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Ozoda Saydullayeva Nusrat qizi
TMC Institute Tashkent is an integral part of
TMC Academy in Singapore

Abstract This article explores modern approaches to teaching foreign languages through digital transformation methods in education. The research analyzes the effectiveness of digital technologies in language teaching, their advantages, and implementation possibilities. The paper discusses the role of distance learning platforms, mobile applications, and artificial intelligence technologies in the language learning process.

Keywords: digital transformation, language education, e-learning, foreign language teaching, educational technology, artificial intelligence in education

Introduction. In today's globalized world, knowledge of foreign languages has become an essential skill. The processes of globalization and expansion of international relations demand effective methods of language learning. With the development of digital technologies, language learning methods are undergoing fundamental changes. These changes are leading to the emergence of new pedagogical approaches and innovative educational methods [1].

Main Body. Digital transformation represents one of the key directions in modernizing educational systems. Modern technologies enable more effective and engaging language learning processes. Online platforms, virtual classrooms, and interactive materials increase students' motivation to learn languages and allow adaptation to their individual needs [2].



The integration of artificial intelligence and machine learning has revolutionized language teaching methodologies. These technologies provide personalized learning experiences, immediate feedback, and adaptive learning paths. Virtual reality (VR) and augmented reality (AR) applications create immersive environments for language practice, enabling students to experience near-authentic language situations [3].

Modern digital tools offer various opportunities for language acquisition:

- Interactive language learning platforms
- Mobile applications for vocabulary and grammar practice
- Video conferencing tools for real-time communication
- AI-powered pronunciation assessment systems
- Gamified learning environments [4]

While digital transformation offers numerous benefits, it also presents certain challenges. Issues such as digital literacy, access to technology, and maintaining student engagement need careful consideration. Educational institutions must develop comprehensive strategies to address these challenges effectively [5].

Conclusion Digital transformation has fundamentally changed the landscape of language education. The integration of modern technologies has created new opportunities for more effective and personalized language learning experiences. As technology continues to evolve, educational institutions must remain adaptable and embrace innovative approaches to language teaching.

References

1. Alimov, S. (2023). "Digital Technologies in Language Education: Uzbekistan's Experience." *Tashkent Educational Review*, 15(2), 45-60.
2. Karimova, M. (2024). "Innovation in Foreign Language Teaching: Modern Approaches." *Journal of Educational Innovation*, 8(1), 12-28.



3. Smith, J., & Johnson, M. (2023). "Digital Transformation in Language Education." *International Journal of Educational Technology*, 42(3), 234-251.
4. Brown, R. (2023). "Artificial Intelligence in Language Learning: Current Trends and Future Prospects." *Technology and Education Quarterly*, 18(4), 89-106.
5. Wilson, P. (2024). "Virtual Reality Applications in Foreign Language Acquisition." *Digital Education Review*, 25(2), 156-172.



ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РАҚАБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МУАММОЛАРИ

Усманова Муниса Нуралиевна
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Бугунги кунда инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва уларни жамият таракқиётига самарали интеграция қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Жаҳон миқёсида тезкор технологик ўзгаришлар, рақамли трансформация ва илм-фаннинг ривожланиши иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлашда инновацияларнинг муҳим ролини янада аёнлаштирди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инновациялардан фойдаланиш нафақат янги маҳсулотлар ёки хизматларни яратиш, балки мавжуд ресурсларни самарали бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва янги бозорларга чиқиш учун имконият яратади. Бу жараёнда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, жумладан, молиявий ёрдам, илмий тадқиқотларга инвестицияларни жалб этиш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳамда инновацияларнинг инфратузилмасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибаси рақобатбардошликни оширишнинг энг самарали Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, қўллаб-қувватлаш иқтисодий ривожланган мамлакатларда, хусусан, Японияда миллий инновацион тизимларнинг (МИТ) яратилишида кластерли методдан фойдаланилади, мисол учун, бу ёндашув автомобиль саноатида тўлиқ жорий этилган. Масалан, JETRO корпорацияси 11 та кластер яратган ва уларни муваффақият билан ривожлантирмоқда. Шунингдек, таркибан Россиянинг наукоградларига ўхшаш худудий илмий-инновация кластерлари яратилмоқда.

Республика иқтисодиётини яқин истикболда индустриал-инновацион ривожлантириш учун ЯИМнинг ўсишига нисбатан саноатнинг ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва янада ошириш зарур, бунга эса инновация фаолиятини инвестициялаш ва инновацион кластерлар тузилмасини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Илм-фани инвестициялаш дунёнинг ривожланган мамлакатларида жадал ўсиб бормоқда, ИТТКИ харажатлари ЯИМга нисбатан фоизларда: АҚШда - 2,55%, Германияда - 2,26%, Японияда - 2,78%, Францияда - 2,05%, Италияда - 1,13%, Буюк Британияда - 2,05 % ни ташкил этади, модомики билимларнинг 90% га сўнгги 30 йил давомида эга бўлинди.

Замонавий босқичда бешинчи технологик укладдан олтинчисига ўтиш асосида миллий иқтисодиётларни инновацион ривожлантириш модели амалга

оширилмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда иқтисодийнинг миллий интеллектуал салоҳият ва бой табиий хом ашё ресурсларига таянадиган инновацион моделини амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, инновациялар деганда у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва ҳоказо) фойдаланиш тушунилади. Мас равишда инновациялар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа турларга тақсимланади.

Илмий-техник соҳа билан илмий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқиш ва тайёрлаш ва уни бозорга олиб кириш ўртасидаги боғловчи бўғин инновацион инфратузилмадир. Инновацион лойиҳа деганда инновацион фаолиятга моддий-техник, молиявий, ташкилий-методик, ахборот, маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишни таъминловчи субъектлар, ресурслар ва воситалар мажмуасини тушуниш лозим. Шундай қилиб, илмий асосланган янгиликлар тарқатилиш ва жорий этилиш пайтидан бошлаб инновацияларга айланади. Инновацияларни бозорга тадбиқ этиш жараёни инновацияларни тижоратлаштириш жараёни деб аталади.

Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади.

Мавжуд инновация фаолиятни амал қилиши муаммолари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдги ҳолат бугунги кундаги инновацион корхоналар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса инновация фаолиятини амалга оширишга қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда (1-расм).



1-расм. Инновация фаолиятни ривожлантириш муаммолари ва уни такомиллаштириш талаблари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

Миллий иқтисодиётнинг инновацион секторини барқарор ривожлантириш учун инфратузилма элементларини барпо этиш бўйича мавжуд ташаббуслар ва уларни молиялаштиришнинг мавжуд кўлами етарли эмас. Самарали инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш унинг элементлари ўртасидаги тизим ҳосил қилувчи алоқаларни жонлантириш зарурати билан белгиланадиган турли ташкилий ва иқтисодий омилларга боғлиқдир.

Иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини оширишда инновацияларни қўллаб-қувватлаш қатор муаммоларни ўз ичига олади. Қуйида уларнинг асосийлари келтирилган:

1. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар учун зарур маблағларни жалб этишдаги қийинчиликлар. Давлат томонидан ажратиладиган грант ва субсидияларнинг чекланганлиги.

2. Таълим ва кадрлар тайёрлаш муаммолари. Инновацияларга мос замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни етишмаслиги. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш сектори ўртасидаги ҳамкорликнинг сустлиги.

3. Инфратузилма ва технологияларнинг ривожланмаганлиги. Инновацион фаолият учун зарур бўлган технологик инфратузилманинг етарлича шаклланмаганлиги. Илмий тадқиқот марказлари ва технопаркларнинг етишмаслиги.

4. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг самарасизлиги. Инновацияларнинг қонунчилик йўли билан муҳофаза қилинмаганлиги сабабли инвестициялар жалб этишдаги қийинчиликлар.

5. Бюрократия ва маъмурий тўсиқлар. Лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларидаги ортиқча талаблар. Давлат ташкилотлари томонидан инновацияларни жорий қилишдаги сусткашликлар.

6. Таҳлил ва мониторинг механизмларининг самарасизлиги. Инновацияларнинг иқтисодиёт тармоқларига таъсирини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимининг мавжуд эмаслиги. Инновацион фаолият натижаларини стратегик режалаштиришдаги етишмовчиликлар.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш инновацияларни рағбатлантириш учун давлат сиёсати ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашни талаб этади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.
3. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда инновацион кластерларни ривожлантириш истиқболлари. Монография. –Т.: Ilmiy-texnika axboroti-press. 2017. - 248 б.

KREDIT- MODUL TIZIMIDA TALABALARNI ILMIY TADQIQOT FAOLIYATIGA YO‘NALTIRISHDA MUSTAQIL TA‘LIMNING O‘RNI

Otayeva Salamat Sabirovna

Ma'mun universiteti, "Psixologiya va tibbiyot" kafedrası o'qituvchisi

Gmail: otayevasalamat@gmail.com

Annotatsiya: Kredit-modul tizimi orqali talabalarning o'quv yuklamasi va o'quv faoliyati tizimli baholanib, ularni kasbiy sohada yangi yondashuvlar yaratishga tayyorlash ta'minlanadi. Ushbu muhokamada talabalarning mustaqil ishlarni ongli ravishda bajarishi va uni bosqichma-bosqich tashkil etishi natijasida tanqidiy fikrlashga o'rgatish, ilmiy izlanishlarga qiziqish uyg'onishi hamda amaliy faoliyatni ilmiy asosda amalga oshirish imkoniyatiga ega bo'lishlari ta'kidlanadi.

Kalit so'zlar: Mustaqil ish, ilmiy izlanish, tanqidiy fikrlash, amaliy faoliyat, ongli bajarish, bosqichma-bosqich tashkil etish, kredit-modul tizimi, ilmiy asos.

Zamonaviy oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish o'quv reja va o'quv dasturlarida belgilangan fanlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishga asoslangan bo'lib, bunda talabalarning mustaqil ishlari (TMI) muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, o'qituvchilarning talabalarning mustaqil ish ko'nikmalarini rivojlantirish hamda ularning kasbiy o'sishini ta'minlashdagi mas'uliyati sezilarli darajada oshirilishi zarur.

Bu jarayonda talabalarning mustaqil faoliyatini tashkil etish, ta'limning asosiy maqsadiga — oliy kasbiy tayyorgarlikka ega, raqobatbardosh va malakali mutaxassislarni tayyorlash vazifasiga mos bo'lishi kerak. Shu bilan birga, bu jarayon ilmiy tadqiqot faoliyatiga yo'naltirilgan bo'lib, talabalar o'z bilimlarini faqat amaliyotda emas, balki ilmiy izlanishlar orqali ham mustahkamlashlari, tanqidiy fikrlashni rivojlantirishlari va o'zlarining kasbiy sohalarida yangi yondashuvlar yaratishga tayyor bo'lishlari kerak.

Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish jarayonida o'z-o'zini o'rganish faoliyatining tizimli va izchil tarzda amalga oshirilishi muhimdir. "Tashkil etish" so'zi bu holatda nafaqat jarayonning o'zi, balki uning yakuniy natijalarini ham o'z ichiga oladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 31-dekabrda 824-son qaroriga 1-ilova sifatida tasdiqlangan "Oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etish tartibi to'g'risida"gi Nizomda, kredit-modul tizimi talabalarning mustaqil ilmiy-tadqiqot



faoliyatini rivojlantirishda asosiy vosita sifatida ko'rsatilgan. Nizomning 2.2-bandida, o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini bosqichma-bosqich joriy etish sxemasi keltirilgan. Bu sxema, talabalarning o'quv faoliyatini yanada samarali tashkil etish va ularning mustaqil izlanishga va ilmiy-tadqiqot faoliyatiga yo'naltirishga xizmat qiladi. Shuningdek tizim talabalarga o'z bilim va ko'nikmalarini mustaqil tarzda oshirish, ilmiy izlanishlarga jalb qilish va ularning ilmiy faoliyatini rag'batlantirishga imkon yaratadi.

Nizomda o'qituvchilarning mustaqil ishlarni tashkil etishdagi roli va mas'uliyati ham belgilangan. Ular, talabalarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish va ularning professional o'sishiga mas'uldirlar. Bu jarayonda o'qituvchilar tashkiliy, prognoz qilish va konstruktiv ko'nikmalarga ega bo'lishlari kerak.

Kredit-modul tizimi talabaga fanlarning bir-biriga qanday bog'langanligini ko'rish imkoniyatini beradi va o'quv jarayonini erkin va maqsadga muvofiq ravishda tanlashga imkon yaratadi. Bu tizim, shuningdek, moslashuvchan va shaxsiylashtirilgan ta'limni shakllantirishga yordam beradi.

Kredit-modul tizimi ta'lim jarayonini tashkil etishning yangi usulidir. U modulli ta'lim texnologiyalarini va ECTS kreditlarini birlashtirgan holda, talabalarning o'quv yuklamasini o'lchaydi. Bu tizimning asosiy diqqat markazlari talabalarning mustaqil ishlari va reyting tizimi orqali baholash jarayonlarini o'z ichiga oladi.

Kredit-modul tizimining o'quv jarayonini tashkil etishdagi asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat:

- O'quv dasturining modulli tuzilishi;
- Mehnat hajmini o'lchash uchun kredit birliklaridan foydalanish;
- Reyting tizimidan foydalanish orqali baholash;
- Talabalar uchun individual o'quv rejasini yaratish jarayoniga ishtirok etish;
- Mustaqil o'qish va o'z-o'zini rivojlantirishning ahamiyatini oshirish;
- Ta'lim dasturlarining yanada moslashuvchanligi.

Jo'rayeva Nargiza Oltinboyevnaning dissertatsiya ishining avtoreferatida mustaqil ta'limni tashkil qilishda mualliflik yondashuvi quyidagicha izohlangan. "Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida umumkasbiy fanlardan mustaqil ta'limni raqamli texnologiyalar asosida takomillashtirish – talabaning aqliy qobiliyati, bilimi, fikrlash darajasi, tanqidiy tafakkuri, dunyoni ilmiy bilish va ijtimoiy tajribani qabul



qilish qobiliyati, turli masalalarni individual hal qilish, voqea-hodisalarni oldindan ko‘ra bilish layoqatining yuksak ko‘rinishiga olib chiqadi”. [1.15 b]

B.N. Guzanov, N.B. Morozovalarning monografiyasida talabalarning mustaqil ishlarini ongli ravishda bajarishiga quyidagi xususiyatlar yordam berishi ko‘rsatilgan:[2. 54 b]

- **Mustaqil ish uchun tanlangan materialning metodologik asoslanganligi:** Tanlangan material aniq va ilmiy asosda shakllantirilgan bo‘lishi lozim.
- **Topsiriqlarning murakkabligi talabalarning "yaqin rivojlanish zonasi"ga mosligi:** Bu talabalarning mavjud imkoniyatlarini oshirishga xizmat qiluvchi darajada bo‘lishi kerak.
- **Materialni mantiq va boshqaruv psixologiyasi asosida ketma-ketlikda taqdim etish:** Fan ichki mantiqiga mos ravishda o‘zlashtirilishi talab qilinadi.
- **Talabalarning o‘quv imkoniyatlariga mos ravishda material hajmini taqsimlash:** Mustaqil ish uchun belgilangan materialning hajmi talabaning individual imkoniyatlarini inobatga olgan holda belgilanishi kerak.
- **Mustaqil ishning faoliyatga yo‘naltirilganligi:** Topshiriqlar talabaning bilimlarini amaliyotda qo‘llash imkonini beradigan tarzda shakllantirilishi zarur.

Mustaqil ishlarni samarali tashkil etishning majburiy sharti — uning bosqichma-bosqich tashkil etilishi va amalga oshirilishidir. Boshqariladigan mustaqil ishlarning quyidagi bosqichlarini ajratib ko‘rsatish mumkin: [3. 25 b].

Birinchi bosqich – tayyorgarlik bosqichi. Bu bosqichda mustaqil ishlar uchun mavzular va topshiriqlarni ajratib ko‘rsatgan holda ishchi dasturini tuzish; semestr uchun mustaqil ishlarni rejalashtirish; o‘quv-uslubiy materiallarni tayyorlash; talabalar tayyorgarlik darajasini aniqlash kabilar amalga oshirilishi kerak.

Ikkinchi bosqich – tashkilot bosqichi. Ushbu bosqichda talabalarning shaxsiy va guruhli ishlari uchun maqsadlar belgilanishi; kirish ma‘ruzasi o‘qilishi, shaxsiy va guruhli boshlang‘ich maslahatlar o‘tkazilishi, unda mustaqil ishlarning shakllari va ularni nazorat qilish tushuntirilishi; o‘rta natijalarni taqdim etish muddatlari va shakllari belgilanishi kerak.

Uchinchi bosqich – motivatsion-faoliyat bosqichi. Bu bosqichda o‘qituvchi shaxsiy va guruhli faoliyatga ijobiy motivatsiya yaratishi, o‘rta natijalarni tekshirish,



o'zini-o'zi nazorat qilish va o'zini-o'zi tuzatish jarayonlarini tashkil etishi, maqsadga qarab o'zaro almashish va o'zaro tekshirishni ta'minlashi kerak.

To'rtinchi bosqich – nazorat- baholash bosqichi. Bu bosqichda shaxsiy hamda guruhli hisobotlar va ularning baholanishi amalga oshiriladi. Natijalar diplom yoki kurs ishi, referat, ma'ruza, sxemalar, jadvallar, og'zaki chiqishlar, modellar, maketlar, hisobotlar va boshqalar shaklida taqdim etilishi mumkin (fanni va mutaxassislikni hisobga olgan holda).

Kredit-modul tizimi talabalarning mustaqil ishlarini samarali tashkil etishga, ongli yondashuvni shakllantirish va ularni bosqichma-bosqich tashkil etishga zamin yaratadi. Bu tizim moslashuvchan ta'lim muhitini ta'minlab, tanqidiy fikrlashni rivojlantirish, kasbiy tayyorgarlikni oshirish va ilmiy faoliyatga bo'lgan motivatsiyani kuchaytirishda muhim rol o'ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. N.O. Jo'rayeva "Oliy ta'lim muassasalarida talabalarning mustaqil ta'limini mobil dasturiy ilovalardan foydalanib samarali tashkil etish metodikasi" Ped.fan.fals.dok.(PhD) ...dis. avtopef. Buxoro, 2023.

2. Б. Н. Гузанов, Н. В. Морозова. Организация самостоятельной работы студентов вуза в условиях реализации многоуровневой модели обучения: монография / Екатеринбург: 2014.

3. Гончарова Ю. А. Организация самостоятельной работы студентов: методические рекомендации. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2007. 27 с.

4. <https://lex.uz/docs/5193564>



Topic: Englishness in XVIII and beginning of XIX century of English literature

Hayrullaeva Sofiyanoza Lutfullo qizi

UzSWLU Master's degree English Literature Faculty 2 year student

Abstract: The concept of Englishness in 18th and early 19th-century English literature embodies the evolving national identity, cultural values, and social structures of the period. Writers like Daniel Defoe, Samuel Johnson, and Jane Austen reflect notions of Englishness through depictions of rural life, class hierarchies, morality, and the significance of place. This era witnessed a growing emphasis on politeness, rationality, and social duty, often juxtaposed against colonial and cosmopolitan influences. Literature served as a medium to assert a distinct English identity, balancing tradition and change amidst the pressures of industrialization and imperial expansion. This paper examines how Englishness is constructed and challenged in representative works, focusing on themes such as landscape, social order, and the cultural imaginary of English life.

Key Words:

Englishness, 18th-century literature, early 19th-century literature, national identity, rural life, class hierarchy, morality, William Wordsworth, Sir Walter Scott, Jane Austen

English writing in the late 18th and early 19th centuries was greatly influenced by the notion of Englishness, especially as it became entangled with the Romantic movement, the emergence of nationalism, and the changing political and social climate. During this time, national identity, the place of the individual in society, and England's connection with the rest of the globe were all thoroughly examined. The late 18th-century Romantic movement, which frequently idealized the English countryside, culture, and history, was closely linked to ideas of national identity. Particularly in England, the growth of national identity was intimately related to the advent of Romanticism in the late 18th and early 19th centuries. As a literary and artistic movement, romanticism placed a strong emphasis on personal experiencing, the majesty of nature, and a strong bond with the past. The growing sense of Englishness, which was being influenced by historical occurrences, cultural changes, and the developing concept of the nation-state, found resonance in these topics.



A profound, emotional involvement with life—whether via reflection, feelings, or the natural world—was stressed by romanticism in literature. Romanticism urged people to trust their intuition and go within for inspiration, in contrast to the pragmatic, rational, and scientific methods that dominated the Enlightenment and Industrial Revolution. Romantics also aimed to put nature above the scientific revolution's achievements because they thought this would change how people saw the world and help them understand themselves better. (Dr. Justina Anyadiegwu 2020)

One of the most renowned English Romantic poets is William Wordsworth, whose poetry frequently emphasizes the value and beauty of the English countryside. Wordsworth thought that the human spirit was greatly impacted by nature. His paintings frequently highlight the tranquil, healing aspects of nature and juxtapose them with the complexity and depravity of city life. The beauty and significance of the English countryside, which William Wordsworth saw as a source of moral inspiration, spiritual rejuvenation, and introspection, are central to his poetry. In contrast to the confusion of urban life, he frequently praised nature as a living force that influenced human experience. His work is mostly centered on the rural environment of England, particularly the Lake District, where he lived for a large portion of his life. For instance, Wordsworth considers the Welsh scenery surrounding Tintern Abbey and its enduring influence on his spirit in his poem "Lines Composed a Few Miles Above Tintern Abbey." He conveys his profound spiritual bond with nature, which gives him serenity and understanding of the secrets of life. The poem focuses on how his ideas and feelings are influenced by the landscape.

Example:

"Once again

Do I behold these steep and lofty cliffs,

Which on a wild secluded scene impress

Thoughts of more deep seclusion; and connect

The landscape with the quiet of the sky." (Wordsworth, William 1798)

The emergence of nationalism in the late 18th and early 19th centuries had a big impact on literature, especially historical novels. The effect of the French Revolution, the Napoleonic Wars, and major political upheaval during this time prompted authors to examine issues of national identity, heritage, and the interplay between the past and present. Events like the American Revolution

(1776), the French Revolution (1789), and the ensuing wars in Europe in the late 18th century gave rise to nationalism as a potent ideology. Through historical narratives that honored national heroes, folklore, and cultural history, writers began to convey a developing feeling of national identity, pride, and distinction.

Several authors played significant roles in the development of historical novels that reflected the burgeoning nationalism of the time, one of them is Sir Walter Scott was a pioneering Scottish novelist and poet whose works played a significant role in the development of the historical novel, particularly in the context of burgeoning nationalism during the late 18th and early 19th centuries. His novels often explore themes of identity, heritage, and the interplay between the past and present, reflecting the romantic nationalism of his time. For example in *Waverley* (1814) it is considered one of the first historical novels. It tells the story of Edward Waverley, an Englishman who becomes embroiled in the Jacobite uprising in Scotland. Through *Waverley's* experiences, Scott explores themes of loyalty, national pride, and the complexities of Scottish identity.

"The hearts of a nation are seldom found to beat alike, and the affections of the people often do not follow the same course as their interests." (Scott, Walter 1814)

Jane Austen's contribution to the concept of Englishness lies in her vivid portrayal of rural life, social structures, and cultural values of early 19th-century England. Through her novels, Austen highlights the importance of place, particularly the English countryside, as a defining element of national identity. Her works, such as *Pride and Prejudice* and *Emma*, emphasize the interconnectedness of land, heritage, and social status, presenting a vision of England rooted in tradition and stability. Austen's exploration of class dynamics and social mobility reflects the nuanced hierarchy of English society, where landownership and propriety were central to one's identity. Jane Austen's exploration of Englishness can be found in her novel *Pride and Prejudice* (1813), particularly through her depiction of the Bennet family estate, Longbourn, and its contrast with Mr. Darcy's grand estate, Pemberley.

Pemberley represents the idealized vision of English landownership: it is described as beautiful, harmonious with nature, and reflective of its owner's good character. Elizabeth Bennet's admiration of Pemberley signals her growing recognition of Darcy's virtues, as the estate symbolizes not only wealth but also



responsibility, stability, and moral integrity—key aspects of Englishness tied to the landed gentry. Austen writes, "Elizabeth, as they drove along, watched for the first appearance of Pemberley Woods... and at length the West side of the house was seen... a large, handsome, stone building, standing well on rising ground, and backed by a ridge of high woody hills." (Austin, Jane 1813)

The representation of Englishness in 18th and early 19th-century literature serves as a rich reflection of the evolving national identity during a period of profound social, political, and cultural change. Through the works of writers like William Wordsworth, Walter Scott and Jane Austen, we see how literature was used to explore the values and ideals associated with being English such as landownership, social hierarchy, and morality. Defoe's depictions of individualism and colonialism, Johnson's commitment to rationality and tradition, and Austen's portrayal of social manners and rural life all contribute to a multifaceted understanding of what it meant to be English. These literary works not only define Englishness but also critique and question the structures that sustain it, providing a nuanced perspective on national identity that resonates even today.

References:

- 1 Dr. Justina Anyadiegwu, (2020) Literature of the Romantic Period, National Open University of Nigeria, page 25
- 2 (Wordsworth, William. "Lines Composed a Few Miles Above Tintern Abbey." Lyrical Ballads, 1798 (Lines 4-8)
- 3 (Scott, Walter. Waverley; or, 'Tis Sixty Years Since. Edinburgh: Archibald Constable and Company, 1814. P.g 116)
- 4 Austen, Jane. Pride and Prejudice. 1813. Chapter 43



ALPOMISH DOSTONIDAGI MILLIY AN-ANA VA DIDAKTIK KUZATISHLAR

Shononova Qurbonoy Nurfayiz qizi
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti
filologiya fakultiteti 2-kurs 5-guruh talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolamda hozirgi davrda jahon miqiyosida o'z o'rniga ega bo'lgan va ko'plab qiziqishlarga sabab bo'lgan o'zbek urf odat va an-analarning saqlanib kelishi va kelajak avlodga yetib borishga sabab bo'layotgan "Alpomish" dostoni va uning didaktik xususiyatlari intigrasiyasi masalalari kiradi.

Kalit so'zlar: Alpomish, milliy an'ana, didaktik, doston, urf-odat, obroz, odat, qahramon, xalqlar, etik, didaktik kuzatish, suyjet, marosim, qadriyat, intigratsiya.

Mavzuning dolzarbligi- global taraqqiyotning muhim xususiyatlari o'zbek xalqi orasida zamonoviy yangi an'analar shakllanishi. Yoshlar orasida Yevropa va boshqa chet davlatlardan paydo bo'layotgan an'analar va ularning o'zbek xalqi milliy an'analari va urf odatlari bilan integratsiyasida "Alpomish" dostoni tarbiyaviy va ahamiyatli jixatlari juda ko'p uchraydi. Dostondagi Alpomishning ko'rinishi o'zbek yigitlariga xos mag'rurlik, jasorat, or nomus ustunligi eng muhim epizodlardir. Bu doston o'zbek xalqining juda ko'p boy merosini o'zida saqlagan asar.

Hozirda biz kuzatayotgan shiddatli zamonda ota bobolarimizdan qadimiy meros an'analarni kelajak avlodga eng yaxshi usulda aslidek yetkazish bu soha vakillari uchun asosiy vazifa bo'lib kelmoqda. Bu esa milliy an'analarimizni saqlab qolishga urinishning va unga etiborning katta bir ko'rinishidir. Milliy an'analarimizni saqlab qolish va kelajak avlodga yetkazib berishda dostonlar katta ro'l o'ylaydi. Mutasaddi xodimlar ham an'analarimizni saqlab qolishda dostonlardan foydalanadi. Shunday dostonlardan diri "Alpomish" dir. Unda ming yillik o'zbek xalq urf odat va an'analari, hayot tarzi, kechmishi juda chiroyli va aniq ochib berilgan.

Fozil Yo'ldosh o'g'li "Alpomish" obrazida ma'naviy estetik konsepsiyasini ifodalagan inson obrozini ko'rsatib beradi. Dostonda o'zbek xalqining azaldan imon etiqod, or-nomus va yurt birligi yo'lida o'zini ayamasligi shunchalik yorqin va ta'sirli aks ettirilganki, u asarni o'qigan har bir adibga o'z ta'sirini o'tkazmay qolmaydi.



Asar voqealari davomida o'ziga atashtirilgan qizning qalmoqlar qo'lida talash, yurtdoshlarning begonalar qo'lida xor bo'lmasligi uchun jonini tikkan buyuk Alpomish, iymon keltirgan va do'st tutungani uchun hakim bekning yonida o'zining insofsiz yaqinlariga qarshi kurashgan Qorajon insoniy fazilatlarini bilan ko'pchilik erkaklardan baland tura oladigan Oybarchin va Qaldirg'ochoyim timsollari millatimizga xos baland sifatlarni aks ettirganini ko'ramiz.

"Alpomish"ning qirقدan ortiq nusxasini olimlar yozib olishgan. Ammo Fozil Yo'ldosh o'g'li ijro etgan nusha voqealarning qiziqarliligi, ifoda tasvirining ta'sirchanligi o'zbek xalqining ruxiyatiga xos belgilarini aks ettira olishi qudratiga ko'ra ularning barchasidan yuksak turadi.

Fozil shoir bolaligi yetimlikda o'tadi, u cho'ponlik qilgan vaqtlarida do'naira jo'rlikida terma va dostonlar aytishga qiziqqan, yigitlik chog'larida o'sha davrning taniqli baxshisi Yo'ldosh SHoirdan doston aytish sirlarini o'rgangan. Ulkan iqtidori tufayli o'zbek xalq dostonchiligini yangi bosqichiga ko'targan. "Alpomish" dostoni nafaqat Fozil shoir ijodida balki o'zbek xalq dostonchiligida alohida axamiyat kasb etadi. CHunki bu dostonda o'zbek xalqiga xos eng ezgu sifatlari xaqiqiy hamda ta'sirli aks ettirilgan.

Asarni mutola qilar ekanmiz ushbu jummalarni ham o'qiyamiz. "Ana endi o'n olti urug' qo'ng'iroq elida bir chupran to'y bo'ldi. Xaloyiqlarni elatylarni to'yga xabar qilishdi. SHu to'yga barcha xaloyiqlar yig'ildi. Biylar ham to'yga keldi". Bu yerda "chupran to'y" o'zbek xalqining azal-azaldan saqlanib va davom etib kelayotgan eng muhim an-analaridan biridir.

O'zbek xalqida qadim zamondan daholar, olimlar yetishib chiqqan jumladan doston bosh qaxramoni Alpomish ham shular avlodidan albatda. Bu uning quyidagi otasi bilan bo'lgan suxbatida yaqqol namoyon bo'ladi. "Kunlardan bir kuni Hakimbek kitob o'qib o'tirib baxildan saxiydan gap chiqib qoldi... SHunda o'g'li turib aytibdu "Vaqti bevaqt burovnikiga mehmon kelsa, otini ushlab joy bor bo'lsa, ko'nglini hushlab jo'natsa, bul ham saxiy; agar joy bor turib joy yo'q, deb qo'ndirmay jo'natsa, bul odam baxil. Vaqti bevaqt bir kishi mozorotning qabatidan o'tsa, chap oyog'ini uzangidan chiqarib mozordagi odamlarning haqqiga duo o'qib o'tsa bul ham saziylik; agar har kim mozordan o'tganda, chap oyog'ini uzangidan chiqarmay, mozorotning haqqiga duo qilmay o'tsa, bul ham baxil. Kishinig moli zakotga yetsa, zakot bersa, bul ham saxiy ekan. Agar zakot bermasa, bul ham baxil ekan".

Barchamizga malumki qadimdan Navoiy, Xorazmiy, Beruniy, Bobur singari ko'plab ilimli yetuk shaxslar yetishib chiqqan. Bundan malumki Alpomish buyuk,



dono ajdotlarimizning dono avlodidan biridir. Tarixdan malumki Navoiy o'n ikki yoshida o'zining ikki misra bir bayt sheri bilan to'qson yoshli Mavlono Lutfiyni hayratda qoldiradi. SHular avlodidan bo'lgan Alpomish esa yetti yoshligida o'z ilim va tafakkuri bilan otasini xayratda qoldiradi.

She'r bilan nasrning aralash kelishi xalq dostoning muhim belgisidir. Dostondagi sherlar, asosan, o'n bir bo'g'inli bo'lib, barmoq vaznida aytiladi. Qahramonlarning o'y-fikirlari, nisbatan tinch ruhiy holati tasviri, o'zaro so'zlashuvlari ko'proq o'n bir bo'g'inli she'r bilan ifodalanadi.

Dostonlarida ko'proq ko'chmanchi tarzda hayot kechirgan eliboy o'zbeklar tirikchilik tarzi aks etadi. Shu sababli, xalq dostonlarining tilida asosan, qipchoq lahjasi belgilari yetakchilik qiladi. Shuningdek dostonida o'zbek xalqining ruhiy olami, udumlari ham o'z ifodasini tophan bo'ladi. Buni Alpomishning qiz sha'niga dog' tushurmaslik uchun begona odamlar oldida Oybarchin nomini tilga olmasligi kabi go'zal odatlari namoyon bo'ladi. O'zbek xalqi qadimdan marosimlarga boy xalq desak mubolag'a bo'lmaydi ayniqsa to'ylarda boshlanishidan ohirigacha turli marosimlar o'tkaziladi "Alpomish" dostonida ham "kampir o'ldi", "soch siypatar", "choch siypatar" kabi qadim odatlariga amal qilingani tasviri ham xalq turmushiga xos jihatlarni bildirishi bilan ahamiyatlidir.

Shunday marosimlardan biri yangi tug'ilgan chaqaloqqa isim qo'yish marosimidir "Alpomish dostonida Oybarchin va Alpomishning ismini Xizir bobo tomonidan amalga oshiriladi: "Shunda Xizir bobo borib :_Qizning oti Barchin bo'lsin, mullaga beringlar, mulla Barchin bo'lsin, chochbog'iga boylab tosh otsa, bir tosh yerga ketsin, jamoli ham bir tosh yerdagini yiqsin,- deb duo qilib, ko'zdan g'oyib bo'lib ketdi.

Barchin o'zbek eposida mard ayol bo'lib ayol obrozi bo'lib o'zbek tilining izohli lug'atida keltirilishicha. "Barchin" ismining asosi ham "bars", "ilvir" yo'lbars degan ma'noni anglatadi. 3 Xalqimizda isim inson hayotida katta ahamiyatga ega deb qaraladi. Bachin rostdan ham ismi jismiga monand mard, mag'rur, ilimli dono ayol obrozi. Asosan oilada ayolning yor, ona sifatidagi oliy burchi_ farzand tarbiyasi uning jamiyatdagi o'rnini belgilab beradi.

"Xalqqa ibrat bo'lsin- deb aka- uka quda bo'ldi. Ikkovi ham to'rt yosh bo'ldi, mullaga eltib berdi, uch yil o'ib, mulla bo'ldi" (5-bet) _ 2.deya tasvirlaydi va bu orqali Barchinigi ismi jismiga monand bo'lishi o'ziga xosligiga ishora qilinadi.

Xulosa: "Alpomish" dostoniy milliy an'ana va undagi didaktik kuzatishlar haqida fikir yuritish, o'zbek xalqining boy madaniy merosi va qadriyatlarini tushinishga yordam beradi. "Alpomish"_bu faqat epik asar emas, balki unda



xalqning tarixiy tarbiyasi, axloqiy qadriyatlari, urf-odatlar va milliy an'analari yoritilgan. Bu doston orqali nafaqat qahramonlik, baki adolat, hamjihatlik, qahramonning o'z xalqi va yurtiga bo'lgan sadoqati haqida jam katta didaktik ma'no mavjud.

Alpomishning kelib chiqishi, uning jismoniy kuchi va ma'naviy salohiyati, uning yurtni himoya qilishdagi roli milliy g'urur va fidoilikni ko'rsatadi. Bu yerdagi didaktik kuzatishlar, o'z navbatida, yoshlarni axloqiy jihatdan tarbiyalashga xizmat qiladi. Alpomishning jasorati va adolatsizlikka qarshi kurashi, bir tomondan, o'zbek xalqining tarixiy qarashlari va qadriyatlarini aks ettiradi, boshqa tomondan esa bularni zamonoviy hayotga moslashtirishda ham muhim ahamiyatga ega.

Dostondagi milliy an'analarga e'tibor qaratilganda, unda yashayotgan xalqning o'ziga xos urf-odatlar, urush va tinchlik, oilaviy qadriyatlar, mehmondo'stlik va adolat kabi jihatlar haqida gapiriladi. Bu an'analarda xalqning turmush tarzini, dunyoqarashini va etik qadriyatlarni

shakillantiradi. Bunday milliy qadriyatlar, ayniqsa, zamonoviy jamiyatda yoshlarni tarbiyalashda katta ajamiyatga ega bo'lib, ularning o'zligini va vatanparvarlik hislarini rivojlanishiga yordam beradi.

"Alpomish" dostonida didaktik o'g'itlar orqali adolat, jasorat, sadoqat kabi ahloqiy tamoyillarni yosh avlodga yetkazishda muhim rol o'ynaydi. Bu asar o'z vaqtida va hozir ham yoshlarni milliy madaniyatga, qadriyatlarga xurmat bilan yondashishga undaydi.

Umuman olganda alpomish dostonidagi milliy an'analarga va didaktik kuzatishlarga e'tibor qaratish, nafaqat tarixni va adabiyotni chuqurroq o'rganishga yordam beradi, balki bugungi kunda ham yoshlarni tarbiyalashda asosiy ma'naviy tamoyillarni shakillantirishda katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommoviy kommunikatsiyalar agentligining "O'zbekiston" nashriyot-batbaa ijodiy uyi. 100011. Toshkent, Navoiy ko'chasi, 30.

2. Berdi baxshi (Berdiyoz Pirimqul o'g'li). (2013) Alpomish 2-jild (B163) _ Toshkent: Gafur Gulom nomidagi Adabiyot va sanat nashriyotining matbaa ijodiy uyi.

3. O'zbek tilining izohli lug'ati: 8000 ga yaqin so'z va so'z birikmasi J.I.A.D Mas'ul muharrir A. Madualiyev. T: "O'zbekiston milliy ensklapediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti 2020. _ 680 bet.



4. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi “ Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida shaxslararo muloqot madaniyatini shakllantirish”. “Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў” /Илимий-методикалық журнал 2024 5/2-сан ISSN 2181-7138. Нөкис -2024
5. Ziyaqulova Maftuna Shuhrat qizi “Problems and solutions of scientific and innovative research” “Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijobiy fazilatlarni shakllantirish mexanizmi”- 2024- yil 182-1187-betlar Volume 01. ISSUE 07 universalconference.us.
6. Malik Murodov, Abduolim Ergashev “Alpomishnoma”(qashqadaryo talqinida). Toshkent. 2000 yil
7. To`ra Mirzayev “Apomish dostoning o`zbek variantlari” Toshkent .1968 yil
8. To`ra Mirzayev “Alpomish –Yodgor” Toshkent “Yozuvchi” nashiryoti . 2000 yil

**MAKTABGACHA TA'LIMDA "OUTDOOR EDUCATION" (TASHQI
MAKON TA'LIMI) NI JORIY ETISH VA TABIATGA BO'LGAN
HURMATINI OSHIRISH ORQALI SOG'LAM TURMUSH TARZINI
SHAKLLANTIRISH.**

Urganch davlat pedagogika instituti o'qituvchisi,
Nazarova Sadoqat Ilhom qizi, nazarovasadoqat091@gmail.com,
Urganch davlat pedagogika instituti magistranti,
Maxmudova Kumushoy Jamol qizi maxmudovakumushoy92@gmail.com
Urganch davlat pedagogika instituti magistranti,
Jumaniyozova Kamolat Botirboyevna, jumaniyozovakamolat588@gmail.com

“Outdoor Education” (tashqi makon ta’limi) – bu o‘quv jarayonini tabiat qo‘ynida, ochiq havoda tashkil etish orqali bolalarning rivojlanishiga ko‘maklashuvchi innovatsion yondashuvdir. Ushbu ta’lim usuli tabiiy muhitni o‘rganish, ekologik ongini shakllantirish va bolalarni faol turmush tarziga yo‘naltirishda muhim ahamiyatga ega. Maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishi uchun ochiq havoda o‘tkaziladigan o‘yinlar, ekskursiyalar va tajribalar, ularning aqliy va jismoniy faolligini oshirish bilan bir qatorda, o‘ziga xos tarbiyaviy samaradorlikka ega [1].

Tabiatda ta’lim olish jarayonida bolalar o‘simliklar, hayvonlar va atrof-muhit haqida ko‘proq ma’lumotga ega bo‘lib, tabiatni asrashga qiziqishi kuchayadi [2]. Bu ularda ekologik madaniyat va mas’uliyat hissini shakllantiradi. Ochiq havoda o‘yinlar va mashg‘ulotlar jismoniy faollikni oshirib, sog‘lom turmush tarzining muhim ekanligini bolalar ongiga singdiradi. Tabiat qo‘ynida o‘tkaziladigan tadbirlar bolalarda to‘g‘ri ovqatlanish, gigiyena va faol hayotga bo‘lgan qiziqishni kuchaytiradi. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘sib kelayotgan yosh avlod sog‘lom turmush tarziga amal qilmas ekan, u kelajakda kasallikka nisbatan moyilligi ortib boraderadi. Buni oldini olishda sog‘lom turmush tarziga rioya qilish yaxshi natija beradi. Bolalarning jismoniy faolligi natijasida o‘ziga ichonchi ortib, oldiga qo‘ygan maqsadlariga erishishiga motivatsiyasi shakllanadi. “Salomatlik” - bu faoliyat erkinligini anglatadi. Aqliy va jismoniy mehnatda, jamoada, hayotda to‘liq ishtirok etishning ajralmas bir qismi hisoblanadi. Tabiat qo‘ynida ta’lim olish bolalarda o‘simliklar va hayvonot dunyosiga hurmat bilan qarash, ularni asrash mas’uliyatini shakllantiradi. Ekologik axloq: bolalar atrof-muhitni asrab-avaylash, chiqindilarni to‘g‘ri joylashtirish kabi odatlarni o‘rganadilar. Ekotizimning o‘zaro



bog'liqligini tushunish orqali bolalar tabiatga do'stona munosabatda bo'lishga o'rgatiladi.

Ochiq havoda ta'lim - bu tabiiy muhitda o'tkaziladigan tajribaviy ta'lim shakli. Bu an'anaviy tarbiyalanuvchilar sharoitlaridan tashqariga chiqadi, o'quvchilarni tabiatga moslashtiradi va amaliy o'rganish, izlanish va kashfiyotlar uchun imkoniyatlar yaratadi. Bu esa to'g'ridan-to'g'ri tajriba va tabiiy dunyo bilan faol ishtirok etish orqali amalda o'rganiladi. Butun insonning rivojlanishiga, jumladan, kognitiv, ijtimoiy, hissiy va jismoniy ko'nikmalarga qaratilgan.

Ochiq havoda ta'lim fanlararo ta'limga ham masalan, fan, geografiya, tarix va atrof-muhitni o'rganish kabi turli fanlardan tushunchalarni birlashtiriladi.

Atrof-muhitni muhofaza qilishga doir bilim olish uchun tabiatni qadrlashni rivojlantiradi va atrof-muhitga mas'uliyat bilan munosabatda bo'lishni o'rgatadi.

Hayotiy ko'nikmalarni rivojlantirishda jamoada ishlash, muammolarni hal qilish, muloqot qilish, etakchilik va chidamlilikni rivojlantiradi.

Ochiq havoda ta'lim olishning afzalliklari

Jismoniy faollikni kuchaytiradi, fitnes darajasini yaxshilaydi va bolalarda semirib ketish xavfini kamaytiradi. Yaxshilangan ruhiy va hissiy farovonlik masalan, stressni kamaytiradi, kayfiyatni yaxshilaydi va o'zini o'zi qadrlashni oshiradi. Atrof-muhit haqida xabardorlikni oshirishda tabiiy dunyoni chuqurroq tushunish va qadrlashni rivojlantiradi va mas'uliyatli ekologik xatti-harakatlarni oshirishga xizmat qiladi.

Ijtimoiy ko'nikmalarni rivojlantirishida jamoada ishlash, muloqot qilish va nizolarni hal qilish ko'nikmalarini oshadi.

Ochiq havodagi ta'lim faoliyatiga piyoda sayohat borish ham misol bo'la oladi. Tabiatni o'rganish, ekotizimlarni o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi [3].

Suv xavfsizligi ko'nikmalarini rivojlantirish va suv muhitini o'rganish. Bog'dorchilik va dehqonchilikni o'rganish barqaror qishloq xo'jaligi va sog'lom oziq-ovqatning ahamiyatini o'rganish.

Yovvoyi tabiatni kuzatishda hayvonlarning xatti-harakatlarini o'rganish va ekotizimlarning o'zaro bog'liqligini o'rganish ko'nikmalari shakllanadi.

Ochiq havoda ta'lim barcha yoshdagi ta'lim oluvchilar uchun qiziqarli va qimmatli o'rganish tajribasi bo'la oladi. Bu ularga muhim hayotiy ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi, tabiatga muhabbatni oshiradi va ularni dunyoning mas'uliyatli va faol fuqarolari bo'lishga tayyorlaydi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Dymont, J., and T. S. O’Connell. 2013. “The Impact of Playground Design on Play Choices and Behaviors of Pre-School Children.” *Children’s Geographies* 11 (3): 263–280. <https://doi.org/10.1080/14733285.2013.812272>.
2. Almers, E., P. Askerlund, T. Samuelsson, and S. Waite. 2020. “Children’s Preferences for Schoolyard Features and Understanding of Ecosystem Service Innovations – a Study in Five Swedish Preschools.” *Journal of Adventure Education and Outdoor Learning* 21 (3): 230–246.
3. Amus, G. 2013. “An alternative journey into forest kindergartens and the Reggio Emilia approach.” In *Reorientation of teacher education towards sustainability through theory and practice. Proceedings of the 10th international JTEFS/BBCC conference Sustainable development*, edited by U. Härkönen, 5–26. Education: University of Eastern Finland.



ИЗУЧЕНИЕ НАШЕЙ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ ВАЖНО В ФОРМИРОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Преподаватель кафедры искусствovedения педагогического факультета
Наманганского государственного университета

Рахимов Кадиржон Каримбердиевич

Аннотация: В статье сделано внимание музыкальному искусству и культуре нашей страны, изучению и развитию ее богатого наследия, роли музыкальной педагогики в развитии сферы музыкального образования и обучения, ее роли в воспитании, приведены образцы узбекской народной музыки, содержание пособий, изданных нашими учеными и композиторами, а также важные факторы формирования здорового мировоззрения в воспитании молодежи.

Ключевые слова: Педагогика, музыкальная педагогика, воспитание, образование, информация, развитие, знания, умения, компетентность, педагогическое мастерство, дидактика.

Введение: Изучение и развитие богатого наследия музыкального искусства и культуры является важным фактором, а его преподавание и развитие в образовании будет способствовать свободному развитию международных достижений в области музыкального образования и исполнительства. Такие ценности важны в развитии музыкального искусства.

С незапамятных времен музыка была неотъемлемой частью жизни человека. В частности, представлена информация о многих трактатах великих учёных, таких как Абу Наср Фараби, Абу Али ибн Сина, Абдуррахман Джами, Алишер Навои, Наймиддин Кавкаби, Дарвиш Али Чанги и др. Известно, что народы Средней Азии развивали музыку и литературу на очень высоком в истории уровне. Они основаны на устных или исторических конструкциях при создании своей национальной музыки. В этом музыкальном репертуаре свое место заняли и хорошо развитые национальные литературные жанры. Среди видов национальной литературы народы Средней Азии использовали эпосы, песни, поэмы и сборники хадисов.

Анализ результата: в нашей республике большое значение придается повышению культурного уровня населения, поиску и поддержке молодых артистов, обеспечению образовательных организаций национальными музыкальными инструментами, нотными сборниками, учебной литературой.

«Повышение музыкальных знаний и умений учащихся и студентов образовательных учреждений, формирование в их сердцах любви к национальной культуре, выявление и поддержка молодых талантов» являются приоритетными направлениями развития сферы культуры и искусства. Это требует уточнения психолого-педагогических и методических особенностей развития навыков прослушивания и исполнения национальных музыкальных произведений у школьников, студентов, а также совершенствования методических условий развития навыков прослушивания национальной музыки с помощью информационных технологий.

